ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ, УСЛУБИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ»

мавзусида республика миқиёсидаги илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ

САМАРҚАНД – 2019

Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини шакллантиришнинг назарий, услубий ва амалий муаммолари. /2019 йил 25-26 март кунлари. Республика миқёсидаги илмий-амалий анжумани материаллари. Самарқанд, СамИСИ, 2019.– 168 бет.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
А.Бектемиров – иқтисод фанлари номзоди, доцент

Нашр учун масъуллар:
З.Д.Ниёзов – иқтисод фанлари номзоди, катта ўқитувчи,
Ф.А.Зубайдуллаев – иқтисод фанлари номзоди, катта ўқитувчи,
З.Ж.Расулов – иқтисод фанлари номзоди, катта ўқитувчи,
Ф.М.Даминов – катта ўқитувчи.

Саҳифаловчи: Шоҳиста Бойқобилова

Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материалларида мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг ривожланиш стратегиясини шакллантиришда мавжуд бўлган назарий, услубий ва амалий муаммоларга оид масалалар ёритилган. Унда тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини шакллантиришнинг назарий ва методологик муаммолари, тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг халқаро тажрибадан фойдаланиш масалалари, тижорат банкларининг корхоналар билан ўзаро муносабатларини ривожлантириш масалалари, шунингдек тижорат банклари хизматларининг оммабоплигини таъминлаш масалалари юзасидан илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақолалар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантура, докторантура, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2019

I ШЎБА. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Қ.Х. Собиров - мустақил тадқиқотчи
Марказий банкнинг Самарқанд вилоят
Бош бошқармаси бошлиғи

Таъкидлаш лозимки, республикамиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётни кредитлаш кўламини кенгайтириш, кўрсатилаётган банк хизматлари спекторларини кўпайтириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш имконини бериб келмоқда.

Шу билан бирга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимига ишончли институтционал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш вазифалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг барқарорлиги ва мослашганлиги бўйича стресс-тестлардан ўтказиш натижасида банклар фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор камчиликлар аниқланди, ўз навбатида уларнинг оқибатлари банкларнинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қуйида тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига тўхталиб ўтамиз. Аввало тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини қуйидаги 2 йирик гуруҳга ажратишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

1. Ташқи (давлат, ҳукумат билан боғлиқ бўлган) факторлар таъсирида шаклланган муаммолар;

2. Ички факторлар таъсирида шаклланган муаммолар.

Ташқи факторлар таъсирида шаклланган муаммолар асосан устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларида кузатилиб, бу улар томонидан бозор ресурсларини мустақил жалб қилиш имкониятидан фойдаланмасдан кўпроқ давлат маблағлари ҳисобидан қайта молиялаштирилиши, айниқса, уларда янада фойдали шартлар асосида маблағларни жалб қилиш бўйича устунлик мавжуд бўлишига қарамасдан хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштиришда фаоллигининг пастлиги, зарур корпоратив бошқарувнинг мавжуд эмаслиги, айниқса банклар кенгашларининг сустлиги кабиларда ўз аксини топади.

Бугунги кунда мазкур ҳолат халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этиб келинмоқда. **Standard & Poor's** томонидан яқинда эълон

қилинган ҳисоботида Ўзбекистон банк соҳасида банк тизими активларининг умумий 84 фоизига давлат банклари эгалик қилиши ва уларнинг тўғридан-тўғри кредитлаш улуши жуда юқори эканлиги, бу эса рақобатни чеклаши ва хусусий банкларнинг кредитбардошлигига салбий таъсир ўтказиши, бундан ташқари, ҳукумат иқтисодиётнинг асосий соҳаларига молиявий ёрдам бериш учун давлат банкларидан фойдаланиши ҳолатлари Ўзбекистон банк соҳанинг асосий муаммолари сифатида келтириб ўтилган.

Халқаро валюта фондининг илгарироқ эълон қилинган ҳисоботида ҳам шунга ўхшаш хулоса келтириб ўтилган. Яъни **Халқаро валюта фонди**нинг баҳо беришича “60 фоиз кредитлар имтиёзли шартларда ҳукумат қарорига кўра берилган ва давлат манбаларидан молиялаштирилган, бунинг натижасида эса пул-кредит сиёсати воситаларининг кредитлаш шартларига таъсири кучсизлигича қолмоқда. Гарчи Марказий банк қайта молиялаш ставкаси миллий валютада тижорат ставкалари бўйича кредитлар берилишига сезиларли таъсир ўтказса-да, бу сегментнинг улуши жами ажратилган кредитларнинг бор-йўғи 20 фоизини ташкил этади”.

Самарқанд вилояти мисолида оладиган бўлсак, умумий банк активларининг 84 фоизи, кредит портфелининг 87 фоизи давлат улуши иштирокидаги 10 та тижорат банклари хиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 21 декабрда қабул қилинган “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4071-сонли карорида юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди ҳамда ҳозирда Марказий банк ва тижорат банклари томонидан ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда ички факторлар таъсирида шаклланган муаммоларни ҳам қуйидаги 2 гуруҳга ажратиб олишимиз мумкин:

1. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада ошириш борасидаги муаммолар;

2. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, фаолият самарадорлиги ва кредит сиёсати билан боғлиқ муаммолар.

Биринчи гуруҳ таркибига кириувчи муаммолар қаторида қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- кредитларни ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишда ваколатларнинг ҳаддан ташқари марказлашганлиги;
- кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг мураккаблашган механизмларининг мавжудлиги;
- чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги;
- банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича давлат процессинг ташкилотининг мавжуд эмаслигининг чакана тўлов

тизимларининг хавфсизлик, узлуксизлик ва ишончлилик даражасига таъсир кўрсатиши;

- банк тўлов карталаридан чет эл валютасини ечиш бўйича чекловларнинг мавжудлиги ва банкоматлар сонининг етарли эмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 23 мартда қабул қилинган “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли карорида юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган ҳамда ҳозирда Марказий банк ва тижорат банклари томонидан ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида бугунга қадар вилоятда тижорат банкининг 1 та филиали очилди, яна бир филиалнинг очилиши бўйича амалий ишлар олиб борлимоқда, 5 та мини-банк очилди, ҳудудларда янгидан **74** та банкоматлар, **53** та Автоматлаштирилган ВАШлар ўрнатилди, 12 та “7/24” режимли банк хизматлари марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, фаолият самарадорлиги ва кредит сиёсати билан боғлиқ муаммолар қаторига қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Узоқ муддатли кредитларни қиска муддатли ресурслар ҳисобига молиялаштириш оқибатида активлар ва мажбуриятларнинг қайтариш муддатларининг номутаносиблиги.

Мисол учун, тахлиллар шуни кўрсатдики, 2019 йил 1 март ҳолатига Самарқанд вилоят банк тизими кредит портфели қолдиғи 8 271,6 млрд. сўмни ташкил этиб, бунинг 92 фоизи узоқ муддатли кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу узоқ муддатли кредитларнинг 90 фоиздан ортиғи 3 йил ва ундан ортиқ муддатга ажратилган кредитлар ҳисобига тўғри келади.

Шу ўринда ушбу ҳисобот санаси ҳолатига вилоятдаги тижорат банкларнинг депозитлари таркиби таҳлил қилингада уларнинг умумий ҳажми 2 595,8 млрд. сўми ташкил этиб, шунинг 65 фоизи юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган муддатли депозитлар, қолган 35 фоизи талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар ҳисобига тўғри келиши аниқланди.

Бош банкга тўланадиган маблағлар яъни Бош банкдан жалб қилинган ресурслар 4 630 млрд. сўмни ташкил этади. Мазкур ресурсларнинг кредит портфелига нисбати 55 фоизи ташкил этади.

Бизнингча мазкур ҳолат тижорат банклари томонидан бозор ресурсларини мустақил жалб қилиш имкониятидан фойдаланмасдан, кўпроқ марказлашган маблағлар ҳисобидан кайта молиялаштиришга кўникиб қолганлигини, маблағларни жалб қилиш ва ўзлаштиришда фаолликнинг пастлигини кўришимиз мумкин.

Кредитлаш ва кредит портфелини диверсификация қилиш ишларининг самарали ташкил этилмаганлиги, кредит портфели сифатининг ёмонлашишига олиб келадиган қарз олувчиларнинг ликвидлилиги ва молиявий ҳолати етарлича баҳоланмаётганлиги, кредитлар бўйича қарздорликни сўндириш учун гаров мулкини балансга

қабул қилиш оқибатида тижорат банклари активларида ликвидсиз мулкларнинг ошиши.

Банкларнинг амалиёти ва бугунги кунга келиб юзага келган муаммоли кредитлар шуни кўрсатмоқдаки, муаммоли кредитларнинг аксариятида тижорат банклари кредит ва инвестиция лойихаларини молиялаштиришда фақат кредит бўйича таъминотнинг мавжудлиги билан чекланиб қолишган, лойиҳаларнинг келажакдаги пул оқимлари ва молиявий истиқболини чуқур тахлил қилинмаган ҳолда қарорлар қабул қилинган.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида муаммоли кредитларнинг 96 фоизи давлат улуши иштирокидаги тижорат банклари хиссасига тўғри келади. Мазкур муамоли кредитларнинг гаров таъминотлари ҳисобидан ундирилишида, шунингдек банк балансига олинган мулкларни сотишда муаммоларнинг мавжудлиги айнан лойиҳаларнинг келажакдаги пул оқимлари ва молиявий истиқболини чуқур тахлил қилинмаганлиги оқибати ҳисобланади. Вахолангки, мазкур кредитлар бўйича кредитлаш фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талаблари доирасида таъминот ҳужжатлари расимийлаштирилган. Мазкур ҳолатнинг ўзи лойиҳаларни молиялаштиришда фақат кредит бўйича таъминотнинг белгиланган меъёрлар даражасида мавжуд бўлиши етарли бўлмаслигини яққол кўрсатиб турибди.

Банклар фаолияти тижорат фаолияти эканлигидан келиб чиқиб, унинг мақсади рисклар даражасини минималлаштиришга эришган ҳолда, юқори даромад олиш ва банкнинг етарли даражада ликвидли бўлишини таъминлаш ҳисобланади. Бугунги замон эса тижорат банкларидан ушбу мақсадга банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этган ҳолда ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада ошириш орқали эришишни талаб этади.

Хулосамиз шуки, тижорат банклари мавжуд рақобат шароитига бардош бериши ҳамда бозорда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши ҳамда кўзланган мақсадга эришиши учун ўз фаолиятида юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этиши лозим.

БАНКЛАРДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДАН ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Мамлакатимиз Президенти давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори, 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли

иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли қарори, 2018 йил 13 декабрда “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Рақамли иқтисодиёт деганда, рақамли ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга асосланган ва электрон тижорат орқали тақсимланадиган иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар тизими тушунилади.

Рақамли иқтисодиётнинг мақсади қуйидагиларда намоён бўлади:

- реал сохталаштириш мумкин бўлмайдиган иқтисодиётни шакллантириш;
- яширин иқтисодиётга барҳам бериш;
- мамлакат ЯИМни ишлаб чиқаришни кўпайтириш;
- коррупцияни кескин камайтириш;
- адолатли жамиятни шакллантириш;
- аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш;
- мамлакат рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш кабилар**.**

Шуни алоҳида қайд этиш жоизка, рақамли иқтисодиёт ҳам бошқа унсурлар сингари ўзининг ижобий ва салбий томонлари бор.

Рақамли иқтисодиётнинг ижобий томонлари ҳам анчагина. Буларга қуйидагилар киради:

- рақамли иқтисодиёт орқали инсоннинг вақти, маблағи ва энергияси тежалади;

- уйида туриб дунёнинг исталган жойидан хоҳлаган товарини харид қилиш имконияти яратилади;

- иқтисодиёт натижаларини сохталаштириш имконияти чекланади;

- иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ кенг илдиз отган коррупциянинг олди олинади;

- бир жойда туриб дунёнинг исталган нуқтасидан ахборот олиш имконияти яратилади;

- одамларда қўшимча маблағ топиш имконияти яратилади ва ҳ.к.

Шу билан бирга **рақамли иқтисодиётнинг салбий томонлари** ҳам мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- миллионлаб ходимлар иш жойи қисқаради;

- мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳатто маънавий ҳаётини бошқаришда инсоннинг иштироки камайиб боради;

- инсон иштироки камайган жойда илмнинг, айниқса тафаккурнинг ўрни ҳам камайиб боради, чунки ҳамма нарса олдиндан дастурланган ҳолат бўйича ишлайди;

- “иқтисодиёт инсонларга хизмат қилиши керак” деган оддий ҳақиқатдан бироз четланилади, чунки одамларнинг ўзлари яратган рақамли иқтисодиёт, уларнинг ўзларини одатдаги фаолиятидан қисиб чиқаради ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда жамоатчилик ўртасида рақамли иқтисодиётнинг яширин иқтисодиёт, сохта маълумотлар ва қора бозорга ўрин қолдирмаслиги хусусида кўп муҳокама ва мунозаралар бўлмоқда.

Бунга қандай эришилади?

Биринчидан, дастлабки маълумотларни сохталаштириш имконияти бўлмайди ёки бутунлай чекланади. Чунки базага киритилган маълумотлар ахборотлар тўрида жойлашган бўлади. Битта жойда ўзгартириш орқали ҳаммасини ўзгартириб бўлмайди.

Иккинчидан, мамлакатимиздаги яширин иқтисодиёт фаолиятини расмий иқтисодиётга ўтказиш учун объектив шароит яратилади. Чунки сохталаштириш имкони бўлмаган жойда яширин иқтисодиёт томон йўл ўз-ўзидан ёпилади.

Учинчидан, валюта қора бозорининг барҳам топишига эришилади. Чунки банклардан чиқадиган ва унга тушадиган маблағлар бевосита рақам билан амалга ошириладиган бўлса, бунинг ҳам имконияти чекланади.

Тўртинчидан, яқинда амалга оширилган ва оширилиши давом этаётган солиқ ислоҳотлари ҳам яширин иқтисодиётнинг олдини олишга қаратилган. Чунки, иш ҳақидан тўланадиган солиқлар камайса, яширин ишлаётган ходимларга конвертда ойлик маош бериш барҳам топиши керак эди.

Аммо яширин иқтисодиёт ва валютанинг қора бозори ҳанузгача сақланиб қолмоқда. Албатта бунинг мамлакат иқтисодий тараққиётига салбий таъсир қилиши тайин. Яширин иқтисодиёт ва қора бозор ҳақида гап кетганда барча кишилар қандай қилиб улардан халос бўлиши ҳақида гапиради. Бунга эришиш учун қандай йўлларни танлаш мумкинлиги бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунга яширин иқтисодиёт, сохта маълумотлар ва қора бозорга қарши курашиш учун Ўзбекистонда тегишли шароитлар яратилди. Маълумки, мамлакатимизда валюта либерализацияси амалга оширилди. Шу даврда бир мунча вазият ўзгарди, валюта айрибошлаши учун анча енгилликлар яратилди. Аммо ҳамон яшириш иқтисодиёт ва қора бозор аломатлари сақланиб қолмоқда. Албатта бу ҳолат иқтисодиёт соҳасида ҳалол-покиза фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни бироз ташвишга солади.

Банкларда хорижий валютани нақд кўринишда сотишни тўлиқ рақамлаштиришни тақозо қилади, яъни бунда имкон қадар одамларнинг иштирокини камайтириш лозим бўлади. Агар хорижий валютани банклар томонидан турли баҳоналар билан сотилиши сусайтирилса, албатта қора бозорнинг сақланиб қолинишига сабаб бўлади. Чунки одамлар айнан хорижий валюта керак пайтида алмаштиришга киришади. Шу пайт банкларда бўлмаса, албатта қора бозордан ахтаришади. Бундай эҳтиёж унинг сақланиб қолишига муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Масаланинг иккинчи томони бор. Агар валютани сотишни тўлиқ эркинлаштириш ҳам ўзимизда бироз хатарли. Уни бир қисм “тадбиркорлар” истаганча сотиб олиши мумкин. Шу туфайли айнан хорижий валютани кимлар харид қилаётганлиги аниқ бўлиши керак. Ушбу усулнинг ҳам йўлини топишди. Бир пайтлар ҳар бир шахсга чегараланган миқдорда валюта сотиш меъёри белгиланган эди. Бундан ҳам эгри йўлларни топишди. Бировларни ёллашга

ўтилди. Ушбу ёлланган шахсни пуб билан таъминлайди ва у паспорти билан бориб, арзимаган ҳақ эвазига валютани алмаштириб берадиган бўлди.

Бундай ҳолатни бартараф қилиш жуда мураккаб, чунки одамлар қандай қилсаки, ўзларининг ортиқча пулини хорижий валютада сақлаш учун алмаштириб олишга интилади. Зеро, нақд хорижий валюта керак бўлиб қолганда валютани эркин алмаштириш имконияти бўлмай қолишлик хавфидан чўчимоқда.

Фикримизча, валютани алмаштиришни тўлиқ эркинлаштириш билан бирга унинг шаффофлигини ҳам таъминлаш лозим бўлади. Рақамли операцияларни амалга ошириб, ким қанча харид қилаётганлигини ва қанча харид қилганлигини билишни тақозо қилади. Бунда маълум миқдорда валютани кўп харид қилиб, кейин қора бозорда сотиш имконияти чекланади. Бу вақтинчалик чора. Муҳими, бу ерда ҳам инсонлар маблағи бўйича бой бўлиш билан бирга маънавий жиҳатдан ҳам бой бўлишлигини тақозо қилади. Инсонда иймон-эътиқод шаклланган бўлсагина турли найрангларни қилишмайди.

Мамлакатимизда **“Валютани тартибга солиш тўғрисида**”ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши кўзда тутилган эди. Ушбу қонун ўзимизнинг бугунги бор ҳолатимиздан келиб чиққан ҳолда чуқур ўйланган тарзда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

Яна бизда мавжуд ҳолатни эътиборга оладиган бўлсак, ҳамон ноқонуний импорт билан шуғулланаётган “тадбиркорлар” ҳам йўқ эмас. Ушбу бозор вакиллари валютага бўлган талабни ошириш билан бирга, ноқонуний йўллар билан алмаштиришга ҳам мойиллиги катта. Бу ҳолат яна яширин иқтисодиётнинг сақланиб қолишига, нақд кўринишдаги назорат қилинмайдиган хорижий валютадан максимал даражада фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади. Булардан ҳам кўриниб турибдики, валюта қора бозорининг мавжуд бўлишига ва сақланиб қолишига монетар омиллардан кўра айрим фискал омиллар ҳам сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги пайтда амалиётга жорий қилинган хорижий валюталар бўйича ҳам пластик карточкалар рақамли иқтисодиётнинг бир кўриниши бўлиб, мавжуд муаммони бироз енгиллаштирди. Аммо ушбу соҳада ҳам чекловлар бироз юмшатилгани билан бутунлай олиб ташланмаганлиги ҳам айрим ҳолларда валюта қора бозорининг сақланиб қолишига сабаб бўлади. Чунки, хориждан товар олиб келувчилар (уларнинг бир қисми ноқонуний) эҳтиёжи пластик карточкага белгиланган миқдордан кўпроқ бўлиши мумкин.

Хуллас, савол туғулади, шунчалик чоралар кўрилишига қарамасдан валюта қора бозорининг сақланиб қолишига нималар сабаб бўлмоқда. Фикримизча:

инсонлар психологиясида ҳали ҳануз ўша моддий кўринишдаги пулларнинг ўрни ва аҳамияти юқорилигича қолаётганлиги;

кўпларнинг валютани кўзи билан кўриб қўли билан ушлаб кўрмагунча кўнгил жойига тушмаслиги;

одамларнинг хорижий валютага миллий валютага нисбатан инфляция нуқтаи назаридан ишончининг кучлилиги;

хорижий валютани пластик картага ташлаб, уни кейин банк кассасидан ёки банкоматлардан нақд қилиш эса бир томондан вақт, иккинчи томондан харажат талаб қилганлиги;

банкларда хорижий валютанинг эркин ва узлуксиз сотувини ташкил қилиш имкониятларининг чекланганлиги;

нақд пулнинг инфляция натижасида қадирсизланиши давом этишини инобатга олиб, уни уйда ёки банкларда сақлаш хатарли эканлиги, аммо хорижий валютанинг ушбу таъсирга (қадрсизланишга) тушмаслиги;

нақд миллий валютани банкларда сақлашнинг салбий таъсирининг ҳамон одамлар ёдида сақланиб қолаётганлиги, банкларнинг бу борада ишончни бутунлай йўқотганлиги;

нақд кўринишда валютани бирданига банклардан сотиб олишдаги қийинчилик туфайли қора бозордан хорижий валютани харид қилишга аҳолида талабнинг мавжудлиги;

нақд хорижий валютани мамлакатимиз банкларида сақлашга деярли рағбат йўқлиги (тўланадиган фоизининг камлиги);

аҳоли ўртасида ўзаро келишувлар, савдо-сотиқ ишлари ва йирик товарлар қийматини долларда белгилаш ва долларда ҳисоблашиш анъанага кириб кетганлиги ҳамда бугунги кунда унинг сақланиб қолганлиги;

чет элдан ноқонуний йўл билан товарларни олиб киришнинг сақланиб қолаётганлиги савдо ва бизнес вакиллари учун валюта қора бозорининг мавжуд бўлишидан манфаатдорлиги кабилар.

Кўриниб турибдики, валюта қора бозорининг сақланиб қолишига ҳали анча сабаблар бор экан.

Молиячи эксперт Мансур Тангишовнинг интернет тармоғида берган мақоласида “мени кўп ўйлантирадиган нарса бу - бутун жаҳон ривожланган давлатлари имкон қадар рақамли иқтисодиётга ўтишни ўйлаб, ҳаракат қилаётган бир пайтда, биз оддий нақд хорижий валюта муаммосини охиригача ҳал қилмаганимиздир. Рақамли иқтисодиёт, аввало барча соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг рақамли технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилишини талаб қилади. Рақамли технологияларни қўллашда энг биринчи навбатда, аввало, мана шу рақамли тўловлар технологияларини такомиллаштириш керак бўлади. Рақамли иқтисодиёт ривожланиши учун нақд пулсиз иқтисодиёт (Cashless economy) қурилиши керак. Аслида, нақд пуллар XXI аср ахборот технологиялари асри учун эскирди. Бугунги кунда Канада, Швеция ва Буюк Британия мамлакатлари мисолида нақдсиз тўловлар такомиллаштирилиши ва нақд пуллар муомаласининг максимал даражада камайтирилиши натижасида иқтисодиётда яширин иқтисодиётнинг ЯИМга нисбатан энг қуйи кўрсаткичларни қайд этаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу давлатларда валюта қора бозори деган тушунчанинг ўзи йўқ”[1], деб таъкилайди.

Банк соҳасида рақамли иқтисодиётга ўтиш масаласи ўзимизда анча муаммо. Чунки, юқоридаги давлатлар тажрибасида максимал даражада нақдсиз

[1] **Мансур Тангишов.** 3/2018 (№ 00035) www.iqtisodiyot.uz.

пул муомаласини кўпайтириш билан бирга, нақд пул ҳажмини имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилинган. Аммо ўзимизда нақд пул ҳаётий эҳтиёж бўлиб турибди. Чунки, халқимиз кўп истеъмол товарларини бозорлардан харид қилади. Бозорларда пластик карточка билан савдо қилишга имконият чекланган.

Маълумки, "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган. Аммо расмий ва норасмий ҳолатда хорижий валюталар муомалада иштирок этмоқда. Ушбу масалага Марказий Банк ва тегишли мутасадди ташкилотлар тўғри ечимини топишлари ва маълум оптимал тартибни белгилашлари лозим.

Мансур Тангишовнинг интернет тармоғида берган мақоласидага яна бир фикрига эътиборингизни қаратмоқчиман. Мақолада: "тан олиш керак нақд кўринишдаги хорижий валюталар кўп ҳолларда айнан ноқонуний фаолият юритувчи шахсларда, ўзининг қанча миқдорда маблағи борлигини расман ҳеч ким билмаслигини хоҳлайдиган коррупция вакилларида, контрабанда вакилларида, чайқовчи тадбиркорлар томонидан тез-тез фойдаланилади. Чунки бу шахслар нақд хорижий валюта (қаттиқ валюта)нинг кучини билишади ва унинг назоратдан ташқарида эканлигидан максимал фойдаланишади. Улар нақдсиз кўринишда хорижий валюталарни банкларда сақлайдиган бўлишса, бундай катта миқдордаги маблағларга нисбатан шубҳалар пайдо бўлишидан қўрқишади. Шунинг учун ҳам доимий равишда нақд валютанинг муомаласи барқарор бўлишини чин дилдан исташади. Аслида яширин иқтисодиёт вакилларининг аксар қисми фаолияти айнан нақд хорижий валюта билан олди-сотди қилишни талаб қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, нақдсиз хорижий валюта тартибини такомиллаштириш яширин иқтисодиётни камайтиришга сабаб бўлади"[2], деган фикрни олға суради. Ушбу фикрга тўлиқ қўшилиш лозим. Чунки, таҳлиллар кўрсатмоқдаки, қора бозорнинг сақланиб қолишига яна бир сабаб нақд валютанинг олди-сотди жараёнида иштирок этиши бўлмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодиётни соғлом ривожлантириш йўлини аниқ белгилаб олишимиз лозим. Бу эса, маълум маънода бирор янги нарсани жорий қилишни, аммо зарур бўлсада эски тартиб тамойиллардан вақтинча бўлсада, воз кечишимизни тақозо қилади. Бу йўл бугунги кунда рақамли иқтисодиётга ўтиш йўлидир. Бунда ривожланган давлатлар сингари нақдсиз иқтисодиётни шакллантириш лозим бўлади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ушбу йўлни шакллантиришнинг иккита усули бор: бири эволюцион йўл билан эришилса, иккинчиси революцион йўлдан иборат. Мамлакатимизда ҳам бунинг қайси бирини танлаш масаласи ҳам чуқур тадқиқотларни тақозо қилади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, аввал хорижий валютанинг нақдсиз муомаласини йўлга қўйишни, сўнгра миллий валютадаги нақдсиз пул

[2] **Мансур Тангишов.** 3/2018 (№ 00035) www.iqtisodiyot.uz.

муомаласига тўлиқ ўтиш имкониятларини кўриш масалаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги вазиятда банкларда рақамли иқтисодиётни шакллантириш бўйича қандай тавсияларни айтиш мумкин. Фикримизча:

Биринчидан, миллий валютани хорижий валютага алмаштириш банкларда чекланмаган ҳолда амалга оширишни йўлга қўйган ҳолда ҳар бир шахснинг қанча валюта алмаштирганлиги тўғрисидаги аниқ ва очиқ маълумот бўлишлигини таъминлаши лозим.

Иккинчидан, оддий халқ учун **нақд хорижий валютани жамғаришни уйидан кўра банкларда сақлашнинг манфаатли эканлигини, рискнинг умуман бўлмаслигини таъминлаш мақсадга мувофиқ.**

Учинчидан, хорижга чиқмоқчи бўлган шахсларга бемалол исталганча миқдордаги пулни хорижий валютада картасига ўтказиб бериш амалиётини давом эттириш билан бирга уларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилиш масъулияти ҳам юкланган бўлиши лозим. Бу фуқароларнинг нақд валютани тасарруф этиш эркинлигини чекламайди.

Тўртинчидан, рақамли иқтисодиётга ўтиш учун аҳолини нафақат иқтисодий, балки техник жиҳатдан, шу иқтисодиётни юритадиган малакага эга бўлишликни, унга маънавий жиҳатдан талабга жавоб берадиган эътиқодга эга бўлишликни, ижтимоий томондан фикрлар ва қарашлар шунга мутаносиб ва тайёр бўлишликни тақозо қилади.

Шуни ёдда тутиш керакки, биз **қачондир рақамли иқтисодиётга, банклар нуқтаи назаридан, нақд пулсиз иқтисодиётга ўтишимиз тайин. Шу туфайли ушбу стратегик масалага босқичма-босқич ўтиб боришимиз лозим бўлади. Чунки,** бутун дунёда рақамли пуллар, электрон пуллар ва виртуал пуллар оммалашиб бормоқда. Биз улардан ҳозирги интеграция чуқурлашиб бораётган шароитда айри яшай олмаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, банкларда рақамли иқтисодиётдан фойдаланиш яширин иқтисодиёт, қора бозор ва сохта рақамларга йўл қўйилмасликнинг асосий усули эканлигига маълум даражада ишонч ҳосил қилиш мумкин.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПЛАТЕЖНЫХ УСЛУГ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ БЕЗ РИСКА УВЕЛИЧЕНИЯ РАСХОДОВ

Зайналов Ж.Р. – д.э.н., профессор СамИЭС
Алиева С.С.– к.э.н., ст. преподаватель СамИЭС
Хусанов Б.Ш.– к.э.н., ст. преподаватель СамИЭС

В условиях глобализации сфера банковских услуг претерпела значительные изменения: концентрация банковского капитала, падение уровня доходности от традиционных услуговых операций, стремление к универсализации банков, стимулировали, прежде всего, развитие инновационных банковских услуг.

В условиях глобализации развитие отечественных банковских услуг приобретает приоритетное значение и актуальность. В их числе, особое значение имеют банковские инновационные услуги. Развитие банковских инновационных услуг зависит, прежде всего,от направления банковской деятельности:

- функционирование платежных систем в контексте опыта зарубежных стран;
- услуги, оказываемые корпоративным клиентам;
- услуги, оказываемые малому бизнесу и частному предпринимательству и физическим лицам.

Ныне можно выделить рынки банковских услуг, характеризующиеся следующими особенностями:

- большое количество участников рынка банковских услуг;
- комплексный характер банковских услуг;
- создание рынка конкурентоспособной стратегии, основанной на определенной концепции рыночного поведения;
- выбор приоритетных направлений развития, равновесия между обеспечением доходности проводимых операций и поддержанием уровня ликвидности;
- создание условий компьютеризации банковской деятельности;
- разработка банком собственной тарифной политики;
- концепция продажи услуг путем осуществления универсализации деятельности банка.

Но, при этом, большой интерес представляет само понятие «банковская услуга». В отечественной экономической литературе дано определение банковской услуги, как «массовой операции»[3]. Некоторые исследователи данной проблемы определяют услугу как «проведение банковских операций по поручению клиентов и в пользу последнего за определенную плату»[4]. Также считается, что банковская услуга – это удовлетворение финансовых потребностей клиента, исходя из финансовых возможностей банка[5]. Если под этим понятием один экономист подразумевает деятельность банка, сопутствующую основным банковским операциям (например, консультации, хранение ценностей), то другие экономисты к банковской услуге относят выполнение банком определенных действий в интересах клиента[6] или подразумевают под понятием «услуга» все операции в широком смысле слова.[7]

На наш взгляд, такое определение банковской услуги очень сужено, и не является полным. Во всех услугах и в приведенных определениях понятие «услуга» и «операция» смешивается или преподносится как адекватное понятие. С таким определением указанных понятий невозможно не согласиться. При этом следует отметить, что банковская операция – это

[3] Банковская система России. – М.: ДеКА, 1996. – Т.1 – С. 185
[4] Там же. С. 186.
[5]Матук Ж. Финансовые системы Франции и других стран. – М.: Финстатинформ, 1994. – С.11.
[6]Coussergues S. Gestion de la Banque. – Paris: Dunod, 1994. – P. 9, 10, 90-91.
[7]Лисина Ю. А. Качество продуктов и услуг коммерческого банка // Молодой ученый. — 2017. — №36. — С. 42-45.

совокупность взаимосвязанных действий банка по решению единой эффективной экономической задачи, т.е. формирование прибыли. Банковская предпринимательская сделка с клиентом и (или) другим банком, направлена, прежде всего, на достижение экономического результата – прибыли, путем выдачи ссуды, принятия депозита, обмена валюты и т.п. При этом, банковская услуга выполняет определенные сопровождающие действия по отношению к банковским операциям. Банковская услуга делает их более удобными, как для банка, так и для клиента. Тем самым услуга создает условия для достижения желаемого финансового результата с наименьшими затратами и максимальной выгодой. При этом следует отметить, что каждый банк умеет использовать те или иные виды услуг в зависимости от их доходности.

Следовательно, понятие «банковские услуги» в настоящее время вышло за традиционные рамки только договоренностей между банками о порядке совершения взаимных операций и распространилось практически на все сферы банковской деятельности, включая широкий комплекс межбанковских взаимоотношений, работу по совершенствованию практики международных расчетов, качество банковских услуг, клиентуры. Под обслуживанием в их современном выражении следует понимать отношения, опосредующие проведение между банками взаимных операций, которые они совершают по поручению своих клиентов и от собственного имени. Отсюда следует, что «обслуживание» и «услуги» тоже не идентичные понятия. Хотя оба эти понятия, безусловно, связаны с какими-то действиями через призму банковской деятельности.

На наш взгляд, определение самого понятия «услуги» в словаре русского языка С.И. Ожегова, дается как действие, приносящее пользу другому, выполнение действий, приносящих пользу, выгоду[8]. Если это понятие рассматривать в контексте банковской деятельности, то придется выделить следующие составляющие понятия банковской услуги:

- действия в рамках деятельности банка по оказанию клиенту помощи или содействия в целях получения финансовых результатов – прибыли;
- системное действие, удовлетворяющее конкретные потребности клиента;
- оказание квалифицированной помощи или совета, подходящего для повседневного использования клиентами.

Следовательно, на наш взгляд, банковские услуги – это комплексная деятельность банка по созданию условий для привлечения и использования временно свободных денежных ресурсов в целях квалифицированного удовлетворения потребностей клиента при проведении банковских операций, с последующим получением прибыли для эффективного ведения хозяйственной деятельности.

Одной из важных задач коммерческих банков в современных условиях является оказание услуг по осуществлению платежей. Данные аспекты услуговой деятельности банков в отечественной литературе изложены не

[8] Ожегов С.Н. Словарь русского языка: ок. 53000 слов / С.И. Ожегов, под общ.ред. Проф. Л.И. Скворцова. – 24-е изд., испр., - М.: ООО «Издательство Оникс»: «Издательство «Мир и образование», 2005. – С. 1099.

достаточно.Порой в большинстве опубликованных научных тезисах экономистов, трудно отличить отдельные действия, касающиеся как услуг, так и банковских операций. При этом следует отметить, что услуги, связанные с расчетами с использованием чеков и пластиковых карт более обстоятельно изложены В.М. Усоскиным в учебнике «Современный коммерческий банк»[9]. Также адекватные аспекты деятельности банков в рамках опыта американских банков излагаются в других научных трудах отечественных экономистов[10].

Следует отметить, что в условиях глобализации, как зарубежные страны, так и отечественные банки переживают определенные трудности, вызванные неустойчивостью развития коммерческой деятельности клиентов. Нынче большинство финансовых институтов в целях получения прибыли, используют более доходные услуги, а таковой услугой являетсяперевод денежных средств, что и привело к развитию в небольших финансовых структурах цифровой коммерции.

Однако, в промышленно развитых странах внедрение небанковскими финансовыми институтами новых видов услуг, связанных с платежами или выплатами денежных средств не означает сужение хоздоговорной деятельности банков.

Опыт зарубежных стран и использование их в области проведения расчетов, на наш взгляд, могло бы стимулировать создание и внедрение платежных услуг, направленных на качественное перемещение средств.

На наш взгляд, внедрение опыта зарубежных стран, в частности США, создало бы условия для активной разработки стратегии развития розничных услуг, защищаясь от натиска конкурентов, т.е. небанковских учреждений в области предложения новых услуг и технологий.

Действующее состояние рынка платежных услуг США показало важность упрощения схем продвижения расчетов и актуальность создания новых банковских услуг для успешной конкуренции с небанковскими финансовыми институтами в области привлечения денежных средств. Важным для выявления конкурентного преимущества в области платежных услуг должны являться следующие факторы: оперативность; скорость проведения платежей; информационное обеспечение; степень автоматизации; наличие разветвленной корреспондентской сети; быстрота информирования клиента о зачислении причитающихся ему средств; выбор клиентов для осуществления расчетов; условия предоставления овердрафта, приема платежей к исполнению; наличие единой службы по обработке коммерческих и межбанковских платежей; автоматизированное отслеживание исходящих платежейи их квитовка с уведомлением бенефициара о предстоящих поступлениях.

Подобные факторы положительно скажутся на развитии межбанковских расчетов внутри страны, что окажет позитивное влияние на развитие экономики в целом.

Важным фактором для создания банковских услуг с учетом опыта промышленно развитых стран должна являться:

[9]Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. ИПЦ "Вазар-Ферро", 1994. – 320 с.
[10]Улманова Н. Розничные банковские услуги: глобальные тенденции и перспективы развития // ДКБ №2 2014. – С. 50-57.

- концентрация усилий в области увеличения объемов валютных операций;

- недопущение подверженности опасности оказаться нетто-продавцами банковских услуг;

- недопустимость повышения риска увеличения расходов и нестабильности доходов;

- недопущение ухудшения отношений с клиентами, в частности, потенциальными клиентами;

- добиться круглосуточного осуществления платежей, независимо от места расположения клиента.

Следует также отметить, что при удовлетворении потребностей клиента и осуществлении операций коммерческие банки не должны сталкиваться с определеннымитрудностями.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

А.Бектемиров – СамИСИ, и.ф.н., доц.,
З.Ниёзов – СамИСИ, и.ф.н., катта ўқитувчи,
Д.Маликова – СамИСИ, ассистент

Иқтисодий глобаллашув, молиявий оқимлар ҳаракатининг тезлашуви, сифатли замонавий молиявий хизматларга бўлган хўжалик субъектлари эҳтиёжининг ошиши, тижорат банклари фаолиятида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқарди. Бунда асосий ўзгаришлар тижорат банклари фаолияти кўламларининг кенгайишида, улар фаолиятининг универсаллашувида, рақобат курашининг кучайишида намоён бўлди. Рақобат шароитида тижорат банклари фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, тижорат банкларининг барқарор фаолияти иқтисодий муносабатларнинг қолган барча субъектлари муваффақиятли фаолиятига бевосита ўз таъсирини ўтказади.

Замонавий иқтисодий ҳолат тижорат банклари томонидан мижозларга банк фаолияти халқаро стандартларига жавоб берувчи хизмат кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этишни, банк ташкилий тузилмаларини такомиллаштиришни кўзда тутувчи ривожланиш дастурларини ишлаб чиқилишини тақозо этади. Тижорат банки фаолиятини белгиланган йўналишларда модернизация қилиш банк фаолиятининг ривожланиш стратегияси кўламида амалга оширилиши лозим. Қўйилган мақсадлар ва дастурларнинг аниқлиги, уларнинг иқтисодий вазият талабларига мувофиқлиги, шунингдек банк ривожланиш стратегиясида акс эттирилиши тижорат банки муваффақиятли ва даромадли фаолиятининг асосига айланиб бормоқда.

Шунинг учун иқтисодиёт ривожига жиддий туртки берадиган соҳаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишимиз лозим. Ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия

тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиши лозим.[11]

Бироқ бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида ривожланиш стратегиясини шакллантириш ва уни амалга тадбиқ этиш бўйича амалий тажриба мавжуд эмас.

Мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ва стратегик аҳамиятга эга бўлган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 12 сентябрдаги "Республика банк тизимини янада ривожлантириш, барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3270 сонли Қарори, 2017 йил 13 сентябрдаги "Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3272 сонли Қарорида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3270-сонли Қарори билан тижорат банклари 2018 йилнинг 1 апрелига қадар ўз ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашлари зарурлиги ва расмий эълон қилинган ривожланиш стратегиялари ва стратегик режаларининг таркибий тузилмаси, уларнинг мазмуни ва моҳияти, қайд қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга назарий ва методологик жиҳатдан мос келиши; жаҳоннинг йирик тижорат банкларида тўплаган назарий, методологик ва амалий тажрибанинг шаклланган таркибий тузилма, қўйилган меъёрий-ҳуқуқий талаблар ҳамда бошқа чекловларга мос тарзда бевосита республика банк тизимида қўлланилиши белгилаб берилган.

Компания стратегияси бу компания фаолиятини баланслаштирилишини таъминловчи унинг ривожланиши ва фаолият юритиши муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тизимли ёндошув.[12]Демак, шунга мос равишда банк стратегияси – банк ҳужжатларида расман акс эттирилган молиявий хизматлар бозоридаги фаолиятнинг энг аҳамиятли мақсадлари ва уларни амалга ошириш юзасидан ёндашувлар жамланмасидир. Бошқача айтганда, банк стратегияси бу банкнинг ички ва ташқи муҳитини мақсадга мувофиқ ҳолда ўзгартириш орқали банк миссияси ва энг муҳим мақсадларига эришиш йўллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган фаолият натижаси демакдир.

Тижорат банклар ривожлантириш стратегиясини шакллантириш методологиясини ишлаб чиқиш банк фаолиятини ташкил қилиш ва олиб боришда бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

---

[11] **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 28 декабрь**

12 Основы маркетинга / [Филип Котлер, Армстронг Гари, Сондерс Джон, Вонг Вероника]. – М.: Вильямс, 2003. – 1200 с.

Банклар мукаммал, сифатли, индивидуал, ўзгарувчан (мослашувчан) тарзда ишлаб чиқилган ривожланиш стратегиясига асосан ўз фаолиятларини амалга оширишлари лозим.

Стратегияни ишлаб чиқиш ва уни кетма-кетликда амалга ошириш ҳар бир тижорат банкининг барқарор ривожланишида долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Бунда стратегиянинг сифати (банк фаолияти шароитларига монандлиги, мослиги) га алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сифатли банк фаолиятини ривожлантириш стратегияси:

- банк фаолиятининг қатъий, аниқ белгилаб олинган йўналишда олиб борилишига кўмаклашади;
- банк устувор мақсадларининг ва уларга эришиш йўлларининг ягоналигини таъминлайди;
- банк раҳбарияти томонидан нотўғри ёки ўзаро келишилмаган бошқарув қарорларининг қабул қилиниши таваккалчилигини камайтиради;
- банк муваффақиятли фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш бўйича қарорлар қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилади;
- банкда бошқарувни ўрнатишда сифат мезонини ўзида намоён этади.

Банкда индивидуал стратегиянинг мавжуд эмаслиги ёки унинг шунчаки расмиятчилик учун шакллантирилиши унда режалаштиришнинг йўқлигини ифодалайди.

Банк фаолиятини ривожлантириш стратегиясини шакллантиришдаги мавжуд муаммолар қаторига стратегиянинг умуман мавжуд эмаслиги, хусусан уни шакллантириш заруратининг инкор этилиши, стратегия таркибий унсурларининг бир-бирларига даҳлдор эмаслиги, стратегиянинг қисман, кенг қамровли бўлмаган тусда ишланганлиги, турли хилдаги ва мантиқий ҳар хил бўлган унсурларнинг бирлаштириб юборилишини киритишимиз мумкин.

Аниқ банк стратегиясини шакллантириш, айниқса банк кенгайтирилганда, янги хизмат турлари жорий этилганда ҳамда рақобат кучайган шароитда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, тасдиқланган банк фаолиятини ривожлантириш стратегияси банкнинг барча ходимларига етказилиши зарур. Тижорат банкларининг барқарорлигини ва фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида банк фаолиятини ривожлантириш стратегияси устида доимий равишда иш олиб борилиши керак, хусусан, стратегиянинг долзарблигини таъминлаш, унинг амалга оширилишини кузатиб бориш, жумладан, банк стратегиясининг аниқ режа (дастур) ларга, банк раҳбарияти томонидан янгитдан қабул қилинаётган меъёрий тусдаги ҳужжатларга, шунингдек тезкор тусдаги бошқарув қарорларига мувофиқлигини таъминлаш лозим.

ОПТИМИЗАЦИЯ КРЕДИТНОГО РИСКА КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

А.Б.Бектемиров – к.э.н., доцент СамИЭС,
Х.Б.Хужаёров – сотрудник Самаркандского
филиала АКБ «Ориент финанс банк»

Кредит обеспечивает нормальное функционирование экономики, поскольку у любого хозяйствующего субъекта, особенно, у малых предприятий не хватает собственных ресурсов, у другого субъекта (например, банка) есть – средства, которые он готов предоставить в пользование. В кругообороте и обороте капитала заложена возможность возникновения кредитных отношений, но для ее реализации требуется выполнение двух условий: необходимость существования субъектов кредитных отношений и взаимное согласование их интересов. Для предприятия важно не только вернуть заемные средства, но и получить доход, который будет достаточен для покрытия всех расходов по кредитованию. Так, если предприятие не сможет вернуть кредит, то кредитные отношения для одного из субъектов (банка) следует считать неуспешными.

Кредитная политика банка является одним из основных видов деятельности коммерческих банков, под которой понимается совокупность банковских операций, рассматриваемых на определенную перспективу и обеспечивающих банку достижение намеченных целей, должна проводиться с учетом основных факторов риска.

Кредитный риск коммерческих банков составляет основную часть совокупного риска. Знание кредитного риска позволяет определить оптимальную стратегию управления кредитными ресурсами и в конечном итоге повысить доходность банковского капитала. С другой стороны, это даст возможность оптимально распределять общий капитал банка с учетом важности и эффективности отраслей, заемщиков и др., куда направляются средства.

Одним из основных факторов, влияющих на кредитный риск банка, является кредитный рейтинг заемщика, что характеризует кредитоспособность заемщика. Динамика кредитных рейтингов может быть причиной, негативно влияющей на коммерческую деятельность банков. В большинстве математических моделей, методик расчета и управления кредитным риском переходные вероятности кредитных рейтингов заемщиков считаются постоянными и однородными. Вместе с тем известно, что кредитные рейтинги заемщиков под действием различных факторов представляют собой динамический процесс. Известно, что в качестве меры оценки риска в долгосрочных финансовых операциях может быть использован такой показатель как дисперсия дохода во времени. В качестве одной из мер уменьшения этой дисперсии может рассматриваться диверсификация портфеля при всех прочих равных условиях. При этом суммарная дисперсия определяется как сумма дисперсий каждой компоненты портфеля. Таким образом, за счет диверсификации портфеля появляется возможность минимизации суммарной дисперсии дохода, следовательно – уменьшения

риска. При этом банки должны остерегаться рискованных и спекулятивных операций.

Режалаштирилган даврнинг биринчи ва кейинги календар йиллари якунлари бўйича банк фаолиятининг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш уларнинг режалаштирилаётган ўлчови ва ҳисоб-китобда қабул қилинган тахминлар (оғишлар), жумладан қайта молиялаш ставкаси, инфляция даражаси, банк томонидан тўланадиган солиқ ставкалари ва стандартларга нисбатан Марказий Банкда депозитларга қўйиладиган мажбурий захиралар, Марказий Банкдаги депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари, режалаштирилган банк операциялари бўйича ўртача даромадлар, орттирилган ва жойлаштирилган маблағлар бўйича ўртача фоиз ставкаси.

Бизнинг фикримиз. банк фаолиятининг моддий-техника ва кадрлар билан таъминланишига оид маълумотлар қуйидаги маълумотларни банкнинг жойлашган биноси ҳақида, бу мулкка ҳуқуқий егаликни кўрсатган ҳолда;

- банк операцияларини ўтказиш учун техник имкониятларни такомиллаштириш йўналишлари (имкониятлари), шу жумладан режалаштирилганлар;
- хавфсизлик тизимини шакллантириш ва банк фаолиятини (жумладан, рухсат етилмаган маълумотлардан ҳимоя қилиш учун дастурий таъминотни), хавфсизлик тизимлари ва ёнғиндан хавфсизлигини таъминлаш учун мавжуд ва (ёки) режалаштирилган техник воситалар тўғрисида;

- банкнинг мавжуд ва (ёки) режалаштирилган кадрлари, шу жумладан унинг сони, малакаси, ўзгариши динамикаси, ходимларни ёллаш тизими, шу жумладан банкда тегишли лавозимларга номзодлар учун қўйиладиган талаблар ва банкда меҳнатни рағбатлантириш тўғрисидаги маълумот;

банк ва ахборот технологияларини, дастурий таъминотни, интеллектуал мулкнинг бошқа объектларини яратиш ва (ёки) сотиб олишни режалаштирмоқда. ўз ичига олиши керак:

ПРОБЛЕМЫ ЗАЩИТЫ ПРИВЛЕЧЕННЫХ СВОБОДНЫХ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ В КОММЕРЧЕСКИЕ БАНКИ

З.Ж. Расулов - к.э.н., сарший преподавателъ СамИЭС
Б.Б. Умаров - магистрант СамИЭС
Э.Бекмуродов - магистрант СамИЭС
Б.Мамарасулов - магистрант СамИЭС

От степени защиты вкладов в коммерческие банки зависит их инновационно- инвестиционная деятельность.

Привлечение средств физических лиц во вклады, операции по депозитным счетам являются для частных банков одним из основных видов деятельности. Однако, даже в условиях нестабильного развития экономики любые операции частных банков не должны приводить к потере собственных денежных ресурсов вкладчиков. Обеспечение безопасности свободных денежных ресурсов вкладчиков по существу должны быть в центре внимания коммерческих банков, в частности, частных банков. Этому должно способствовать страхование, представляющее собой комплекс мер, обеспечивающих страховую защиту вкладов на случай банкротства или ликвидации частных банков.

В республике система защиты вкладов была введена еще в 2002 году в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан. Согласно Постановления Кабинета Министров создан «Фонд гарантирования вкладов граждан в банках». В законодательном порядке создана основа для системы защиты вкладов юридических и физических лиц. Имея твердые гарантии, вкладчики должны иметь возможность в кратчайшие сроки и с минимальными потерями вернуть свои средства даже при возникновении у банков серьезных проблем.

Безусловно, потеря вкладов вызывает негативное отношение физических и юридических лиц к банкам, что отрицательно сказывается на жизнедеятельности общества. В результате чего банки, в т.ч. частные, могут лишиться долгосрочной ресурсной базы, а его клиенты- инвестиционных ресурсов.

Возможность возникновения этих проблем и их понимание должно быть отражено в стратегии развития банковского сектора, предусматривающей создание законодательных основ формирования национальной системы защиты вкладов.

Как нам известно, что еще в 2002 году были реализованы два положения о развитии и повышении устойчивости банковского сектора. В апреле месяце Олий Мажлисом Республики Узбекистан был принят закон «О гарантиях защиты вкладов граждан в банках», а в сентябре был создан Фонд гарантирования вкладов граждан в банках.

Отсюда следует, что приоритетными целями закона являются, во-первых, социальная защита населения, то есть защиты его прав и законных требования, а во-вторых, укрепление доверия к банкам и привлечение во вклады в качестве финансовых ресурсов свободных денежных средств населения.

Состоящий из 16-ти статей закон определяет правовые, финансовые и организационные основы создания в Узбекистане системы гарантирования вкладов, в том числе и роль фонда, его функционирование, формирование денежных средств и их расходование в случае банкротства банка; устанавливает порядок выплаты возмещения.

Следовательно, во исполнение постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19 сентября 2002 года №326 «Фонд гарантирования вкладов граждан в банках» ныне определена его основная задача: осуществлять страхование вкладов граждан в банках и при возникновении страхового случая, в связи с отзывом у банка лицензии из-за утраты ликвидности, произвести выплату возмещения вкладов граждан в пределах и порядке, предусмотренном вышеуказанным законом.

Даже в условиях чувствительности влияния мирового финансового кризиса в республике были предприняты шаги по контролю за деятельностью банков, при их создании предъявлялись строгие требования к квалификации кадров, а в процессе деятельности контролировалось соблюдение существующих нормативов. Благодаря этому банковская система развивается устойчиво, предотвращаются банкротство банков и отзыв лицензии. Вследствие принятых мер денежные средства фонда на эти цели не расходовались.

Сегодня в реестре фонда наряду с такими крупными банками (Национальный банк ВЭД РУ, «Узсаноаткурилишбанк» и др.) числятся частные банки, например «Самарнонбанк», «Капиталбанк», «Универсалбанк». Вклады в этих банках граждан Республики Узбекистан, иностранных граждан и лиц, не имеющих гражданства, гарантированы в соответствии с законом.

Еще в ноябре 2008 года был принят Указ Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по обеспечению гарантий защиты вкладов граждан в коммерческих банках Республики Узбекистан», целью которого явилось укрепление доверия населения к банкам республики. Установлен в соответствии с ним порядок полного гарантирования вкладов граждан на депозитных счетах в банках, независимо от их суммы. В действовавшем законе сумма гарантирования была ограничена 250-кратным размером минимальной зарплаты, установленной в республике.

Был установлен порядок о полном возмещении вкладов населения за счет средств банка и средств Фонда гарантирования вкладов граждан в банках, формируемых из уплачиваемых банкам и взносов в установленном законом

порядке. Выплата возмещения по вкладам населения производится в случае отзыва лицензии банка в связи с утратой ликвидности.

Выплата возмещений по вкладам граждан начала осуществляться за счет средств банка и фонда в полном объеме, исходя из остатков вкладов, отраженных в промежуточном ликвидационном балансе банка, утвержденном в порядке, установленном законодательством.

Следовательно, усовершенствованный закон должен обеспечить населению надежную защиту вкладов, должен способствовать повышению доверия к банкам и создать условия для привлечения денежных средств физических и юридических лиц в банки.

Коммерческие банки страны - это та основа, на которой возможно строить государственную стратегию экономического развития, планировать приток частного капитала в инвестиции. Поэтому вопрос, какое место частный привлеченный капитал занимает в структуре экономической политики страны, важен для всех коммерческих банков.

Мировой и отечественный опыт подтверждает, что развитие коммерческих банков и их роль в инвестировании в реальный сектор экономики наиболее эффективно реализуется там, где законодательствами предусмотрены меры налогового стимулирования и механизмы государственной поддержки деятельности коммерческих банков.

Частный капитал населения должен найти широкое применение не только в промышленно- производственной сфере, но и в сфере услуг, здравоохранения, жилищном строительстве и сельском хозяйстве, для обеспечения повышения жизненного уровня населения.

Таким образом, частный капитал должен являться именно той формой инновационно- инвестиционного механизма поддержки, который должен обеспечить максимальное привлечение накоплений населения внутри страны, притока капитала из-за рубежа для подъема экономики.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БАНК ТИЗИМИ УЧУН МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ф.М.Даминов – катта ўқитувчи (СамИСИ)
Ф.Ф.Даминов – ўқитувчи (ХТВ)

Маълумки, Ўзбекистон Республикасини кейинги беш йилда тараққий топтириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш белгиланган эди. Мазкур йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли қарори қабул қилинди ва ушбу қарор билан олий маълумотли кадрларни тайёрлашнинг мақсадли мезонларини шакллантириш, олий таълим муассасаларидаги ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларни ҳудудлар ҳамда соҳалар

бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудларни комплекс тараққий топтириш истиқболларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш олий таълим тизимини ислоҳ қилишдаги устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Ўз навбатида, бугунги кунда республикамиз тижорат банкларини янада ривожлантириш орқали илғор амалиёт ва халқаро стандартлар асосида фаолият юритадиган молиявий барқарор ва рақобатдош ташкилотга айлантириш стратегик ислоҳотларнинг замирида туради. Мазкур ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳияти, шунингдек, қўйилган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3270 сонли Қарори ҳамда 2017 йил 13 сентябрдаги "Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3272 сонли қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Эътироф этилган қарорларда банк тизимини ривожлантиришнинг махсус йўналишлари билан бир қаторда тизимда фаолият юритаётган ходимларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасида бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари ходимларини хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда етакчи олий таълим муассасалари, ўқув марказлари ва х.к. ларда банк-молия фаолиятининг долзарб йўналишлари бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

- CFA[14], ACCA[15] халқаро сертификатларини олиш учун банк ходимларининг ўқишини ташкил қилиш;

- дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ҳамда банк соҳасида унификацияланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун олий таълим муассасалари ўртасидаги хамкорликни шакллантириш;

- профессионал ривожланишни қўллашга йўналтирилган моддий ва номоддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, банк инфратузилмасини ривожлантириш;

- тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларида ISO 9001:2015[16] стандартларига асосланган сифат менежменти тизимини жорий қилиш.

Ўтказилган кузатувлар, шахсий педагогик тажриба ҳамда олимлар ва амалиёт ходимлари томонидан фикр ва мулоҳазалар асосланган ҳолда динамик ўзгарувчан ташқи муҳит шароитида фаолият олиб бораётган тижорат банклари фаолияти ёки унинг алоҳида йўналишларини ўрганишда анъанавий ҳамда таълимнинг турли соҳаларида қўлланиладиган замонавий педагогик

[14] Chartered Financial Analyst (**CFA**) (дипломга эга бўлган молия соҳаси таҳлилчиси) - **CFA** Institute (олдинги номи AIMR) институти томонидан имтиҳонларни муваффақиятли топширган ҳамда тегишли маълумот ва амалий иш тажрибасига эга бўлган молия соҳаси таҳлилчи мутахассисларга бериладиган халқаро малака сертификати.

[15] Association of Chartered Certified Accountants (**ACCA**) – дипломли, ихтисослашган бухгалтерлар ассоциацияси томонидан молия, ҳисоб ва аудит соҳасида фаолият юритаётган мутахассисларга бериладиган халқаро малака сертификати

[16] ISO 9001:2015 "Quality management systems - Requirements", IDT - ИСО 9001:2015 "Сифат менежменти тизими-талаблар" халқаро стандарти

технологиялар ҳамма вақт ҳам тўлиқ самара бермаслиги эътироф этишимиз мумкин. Бунинг асосида тижорат банки очиқ ижтимоий- иқтисодий тизим эканлиги ҳамда кўплаб глобал ва миллий даражадаги жамият ҳаётининг турли жабҳаларига оид бўлган тизимлар билан ўзаро алоқадорликда иш юритиши, мазкур тизимларнинг манфаатлари ва ривожланиш стратегияларида ифодаланган мақсадларни ҳисобга олиш лозимлиги туради.

Бундан ташқари замонавий банк ишида юқори технологияларга асосланган информацион-таҳлилий дастурларнинг қўлланилиши, мижозларга “сунъий интеллект” томонидан бошқариладиган “интернет банкинг”, “Smart-banking” каби банк хизматларини таклиф этилиши, шунингдек, мамлакатни стратегик ривожлантириш дастурлари ва уларни амалга ошириш бўйича “йўл хариталари” ни амалга оширишда банкларнинг роли ва аҳамиятининг ошиб бориши банк ходимларидан жорий операцияларни бажаришга нисбатан тегишли стратегик қарорларни қабул қилиш самарадорлигини оширишни талаб этмоқда.

Айни пайтда банк томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасига таъсир юзасидан ходимларнинг моддий ва маънавий жавобгарлиги даражасининг ошиб бориши, банклар томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнларини ташкил қилишда дастлабки техник ва молиявий экспертизани ўтказиш юзасидан талабларнинг кучайтирилиши ва бошқа омиллар банк тизими учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёнини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади.

Шунинг учун, фикримизча, “Банк ва жамғарма иши” кафедраси томонидан олиб борилаётган мутахассислик фанлари бўйича дарсларни ташкил қилиш модулларини шакллантириш жараёнига тизимли ёндашув талаб қилинади. Фикримизча, педагогик модуллар нафақат бевосита банк фаолиятига тегишли назарий билим, тушунча ва амалий кўникмаларни, шунингдек, банк фаолиятига таъсир қилувчи ташқи омилларнинг иқтисодий моҳияти, банк деб номланувчи тизим элементлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни ташкил қилиш хусусиятлари ҳамда стратегик ёки тактик аҳамиятга эга бўлган қарорларнинг қабул қилиниши банк фаолиятига қандай тарзда таъсир ўтказиши ва буни қандай усулларни қўллаган ҳолда аниқлаш мумкинлиги, банк фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг умумиқтисодий ҳолатга таъсири каби масалаларни ўрганишга хизмат қилиши лозим.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар ва таклифларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. 5230700 «Банк иши» таълим йўналиши бакалаврлари учун мўлжалланган ўқув режаси қайтадан кўриб чиқилиб, банк фаолияти хусусиятларини эътиборга олган ҳолда оптималлаштирилиши зарур. Оптималлаштиришда устуворлик банк тизимини стратегик ривожлантириш Давлат дастурларида назарда тутилган йўналишларга мос келувчи фанларнинг ўқув режасига жорий қилинишига берилиши лозим. Фақат шу йўл билан банк тизими учун етарли даражада назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлган етук мутахассисларни тайёрлаш мумкин бўлади.

2. 5230700 «Банк иши» таълим йўналиши бакалаврлари учун мўлжалланган ўқув режасида назарда тутилган умумкасбий фанларнинг ишчи режалари банк фаолияти хусусиятларини эътиборга олиган ҳолда қайта кўриб чиқилиши ҳамда касбий фаолият ва мутахассисликга мос келмайдиган фанлар ўқув режасидан чиқарилиши зарур. Бу билан банк сектори учун тайёрланаётган мутахассислар учун мўлжалланган ўқув режасида фанлар ўртасидаги алоқадорлик ҳамда таълимнинг тизимли тарзда амалга оширилиши таъминланади.

Эътироф қилинган муаммолар ва уларни бартараф қилиш юзасидан билдирилган талифлар мазкур соҳада олиб борилаётган тадбирларни такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради. Фикримизча, мазкур ўзгартиришларни амалга оширмасдан туриб, банк тизимини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш йўналишида кескин ўзгаришлар ҳамда ижобий натижаларни кутиш мумкин эмас.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ МУСТАХКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ

И.Э. Қурбанов –Банк молия академияси тингловчиси

Корпоратив бошқарув сўзининг иқтисодий маъносини қиёсий ўрганиш асосида, тижорат банкларида корпоратив бошқарув - тижорат банки фаолиятини бошқаришда акциядорлар умумий йиғилиши, кенгаш аъзолари ва бошқа раҳбар ходимлар томонидан амалга ошириладиган асосий фаолият ҳамда қоидалар мажмуаси эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Корпоратив менежментнинг кенг тарқалиши, шу жумладан банк иши соҳасида қўлланилиши жаҳон иқтисодиётининг тараққиёти XXI асрга келиб хўжалик субъектларининг корпоратив жиҳатдан интеграциялашуви жадал ривожланганлиги билан боғлиқ. Бу ҳодисанинг сабаблари аввало банкларнинг хизмат турларини кўпайтириш, кредит операцияларни амалга ошириш, воситачилик ишларини бажариш, олинаётган фойда миқдори ва инвестициялар даромадлилигини кўпайтириш ҳамда миллий ва жаҳон бозоридаги ўз рақобатбардошлилигини мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракати билан изоҳланади.

Глобал жаҳон иқтисодиётида хали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, охирги йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланди, аҳоли турмуш даражаси изчил юксалиши таъминланди, дунё бозоридаги позицияси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бунга сабаб бўлган омиллардан бири айнан инвестиция соҳасида эришилган ютуқлардир. Бунда жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳозирги вақтда амалга ошираётган иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бири, иқтисодиётнинг банк-молия соҳаларида фаолликни жонлантиришга йўналтирувчи молиявий барқарорликка ва ресурс базасининг тобора ошиб боришига эришиш ҳисобланади. Бу иқтисодиётда инвестицион жараёнларнинг роли ва аҳамиятини ошириш билан бевосита рақобатбардошлик даражасини ошириш масаласига катта аҳамият берилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда янги бозор, яъни қимматли қоғозлар бозори шаклланди. Унинг фаолиятини тартибга солишнинг асоси яратилди, қонунлар ва бир қанча қонуности хужжатлар қабул қилинди. Булар мамлакатимизда молиявий инвестициялар билан боғлиқ муаммоларни амалга ошириш борасида қонунчилик муҳитини яратиб берди ва жамият миқёсида иқтисодий фаолликни жонлантирди. Буни республикамиз фонд бозорида акцияларни жойлаштирилишида ҳам кўришимиз мумкин.

Бироқ, республикамиз Биринчи Перзиденти И.А.Каримов «Бугун шуни тан олиш зарурки, акциялаштириш жараёнини ривожлантириш кўламининг ўсиб бораётгани корпоратив бошқарув ва акциядорлик жамиятлари фаолиятидан тушадиган даромадларни тақсимлаш тизими ҳамда хусусийлаштириш жараёнининг бошқа бир қатор йўналишларида ҳал этилмаган кўплаб муаммолар мавжудлигини яққол кўрсатмоқда. Бу, айниқса, акциялар пакетларида давлат эгалик қилаётган акциядорлик жамиятларига таалуқлидир. Бундай жамиятларда акциядорлар, айниқса, миноритарийлар кам хажмдаги акцияларга эгалиги ва акциялар пакетларининг тарқоқлиги туфайли бошқарув ва қарор қабул қилиш жараёнидан амалда четда қолмоқда». – деб бежиз таъкидламаган. Айниқса, Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг банк секторида корпоратив назорат тизимини замон талаби даражасигача ривожлантириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда амалдаги қонунчилик тижорат банкларининг ривожланишига катта имконият яратади. Бироқ, ушбу имкониятлар банк бошқарув тизими томонидан тўлиқ ишга солинмай қолмоқда. Тижорат банкларида самарали корпоратив бошқарувни шакллантириш учун корпоратив назорат тизими мустаҳкамланиши ҳам лозимдир. Масалан, АТБ «Асака» банкда оҳирги йилларда активлар, капитал ва мажбуриятларнинг даромад келтириш қобилияти, яъни даромадлилиги сезиларли даражада тушиб кетган. Шунингдек, ушбу банк кредит фаолиятининг даромадлилиги 2015 йилга нисбатан қарийб икки баробарга пастлаган. Шу билан бирга, банкнинг нокредит фаолиятининг дароматлилиги барқарор юқори даражада қолмоқда. Бундан кўриниб турибдики, банк корпоратив назорати мазкур тенденцияларни таҳлил қилиши, корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини баҳолаб бериши ва маъсулиятли шахслар фаолиятини назорат қилиб бориши лозим.

Шунинг учун, Ўзбекистон тижорат банкларида корпоратив назорат тизимини мустаҳкамлаш учун қуйидагилар таклиф қилинади:

1. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув органлари самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

2. Банк акциядорлари ва банк тафтиш комиссияси ўртасида интернет воситалари орқали бевосита алоқани ўрнатиш;

3. АТБ «Асака» банк каби банкларда корпоратив назорат-мониторинг тузилмасини яратиш орқали банк бизнес режасининг ижро интизомини таъминлаш:

4. Корпоратив назорат органлари аъзолари фаолиятини тақдирлаш тизимини қайта кўриб чиқиш ва унинг самарадорлик меъзонларини аниқлаш;

5. Тижорат банкларини капиталлаштириш даражасини ошириш ҳамда инвестицион жараёнлардаги иштирокини жадаллаштириш мақсадида тижорат банклари кенгашлари томонидан мазкур йуналишларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тезкор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, бу масалага тижорат банклари кенгашининг алоҳида эътибор қаратишлари ва келгусида банк-молия тизимини ривожлантириш борасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажариши лозим;

6. Банк назорати бўйича Базел II «Капиталнинг халқаро конвергенцияси» келишувига асосан ишлаб чиқилган, банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш бўйича тавсияларини инобатга олган ҳолда, меъёрий-хуқуқий хужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдан иборат. Бу, банклар томонидан маълумотларни ёритиш, банк рискларини баҳолаш ҳамда банк капитали етарлилигини аниқлашда уларни ҳисобга олиш бўйича илғор тажрибаларни Ўзбекистон Республикасида кенг қўллаш имконини беради.

Юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида корпоратив маданиятнинг юксалишига имкон яратиб беради ва бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг реал ишлаб чиқариш секторида акциялаштириш жараёнининг чуқурлашувига ўз таъсирини кўрсатади.

БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

С.С.Тогаев – СамИСИ, “Банк ва жамғарма иши” кафедраси ассистенти, мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3270 сонли Қарорида тижорат банкларининг капиталлашув ва ликвидлилик даражасини ошириш, банк рискларини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишларидан бири сифатида FSAP дастуридан[17] фойдаланган ҳолда банк тартибга солиши бўйича халқаро Базель комитети талаблари доирасида банк рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, тижорат банклари ликвидлилик позициясини стресс-тестдан ўтказишнинг ягона услубиётини

[17] Молия секторини баҳолаш дастури (Financial Sector Assessment Program)

ишлаб чиқиш йўли билан банк тизимини институционал ривожлантириш ва банк рискларини баҳолаш ва бошқариш тизимларини такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилган.

Мазкур вазифалар мажмуини миллий банк сектори фаолиятини макропруденциал тартибга солиш тизимини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар комплекси деб ҳисоблаш мумкин.

Эътироф этишимиз зарурки, банк тартибга солиши бўйича Базел – 3 келишуви меъёрларининг қўлланилиши банк фаолиятини тартибга солишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда шундай омиллар мавжудки, улар қайд қилинган келишув мезонларининг банк фаолиятига жорий қилиниши барча турдаги рискларнинг бартараф қилишни таъминлаб бериши эҳтимолини максимал даражага чиқишига тўсқинлик қилади.

Россия марказий банки макропруденциал тартибга солиш тизимининг янги механизмларини жорий этиш йўналишида 2018 йил 31 августда 4892-У сонли «Активлар турлари, риск коэффициентларига қўшимча ўрнатиладиган активлар турларининг хусусиятлари ва кўрсатилган активлар турларига капитал етарлилиги нормативларини ҳисоблаш учун қўшимчаларни қўллаш услубиёти» тўғрисидаги Кўрсатмасини қабул қилган. Шунингдек, банк учун қарз юкламаси кўрсаткичи бўйича талаблар амалиётга киритилган[18].

Фикримизча, макропруденциал тартибга солиш тизимини “банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини белгилаб берувчи, унинг услубий базасини шакллантирувчи, информацион таъминотни амалга оширувчи ҳамда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар мажмуасини шакллантирувчи тизим” сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Макропруденциал тартибга солиш тизими томонидан бир қатор йўналишлар бўйича қуйидаги тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган ва амалга оширилган:

1. Глобал тизимли аҳамият касб қилувчи молия-кредит институтлари фаолиятини тартибга солиш борасидаги тадбирлар қуйидаги тўрт асосий йўналишда амалга оширилди:

- молия-кредит ташкилотларининг банкротлиги ҳолатида, солиқ тўловчилар (бюджет) маблағларини жалб қилишни талаб қилмайдиган, тартибга солишнинг самарали инструментларини яратиш;
- глобал тизимни ташкил қилувчи молия-кредит институтлари капиталига нисбатан талабларни кучайтириш;
- глобал молия-кредит институтлари фаолияти устидан тартибга солиш тизимининг интенсивлиги ва самарадорлигини ошириш;
- глобал молия бозори инфратузилмаларининг барқарорлигини таъминлаш.

Глобал тизимни ташкил қилувчи банклар рўйхатига 2016 йил якунларига кўра 30 банк, жумладан 4 хитой банки (*Bank of China, ICBC, Agricultural Bank,*

[18] https://www.cbr.ru/hd_base/

China Construction) киритилган[19]. 2016 йилдан бошлаб мазкур банкларнинг капиталига нисбатан кучайтирилган талаблар жорий қилинди. Мазкур жараён 2019 йилда якунланиши режалаштирилган.

"G-20" гуруҳига кирувчи мамлакат раҳбарларининг 2015 йил Анталья шаҳрида ўтказилган саммитида глобал тизимни ташкил қилувчи банклар учун зарарларни қоплашнинг умумий имкониятлари стандарти (*TLAC*) ни жорий қилиш юзасидан таклифлар қабул қилинди[20].

TLAC талабларининг амалиётга жорий қилиниши икки босқичда амалга оширилиши назарда тутилган:

1-босқич: а) талаблар 2019 йилнинг 1 январидан кучга киради; б) *TLAC* нинг минимал кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбати 16 фоизни, аммо Базель-3 талаблари доирасида левереж коэффициенти (6 фоиздан) дан кам бўлмаслиги зарур.

2-босқич: а) янги кучайтирилган талаблар 2022 йилнинг 1 январидан кучга киради; унга кўра б) *TLAC* нинг минимал кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбати 18 фоизни, аммо Базель-3 талаблари доирасида левереж коэффициенти (6,75 фоиздан) дан кам бўлмаслиги зарур.

Бунда шуни таъкидлаш зарурки, шаклланаётган бозорларга эга мамлакатлар юрисдикцияси остидаги глобал тизимни ташкил қилувчи банклар учун 2025 йилнинг 1 январидан *TLAC* нинг минимал талабларини кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбатан 16 фоиздан, аммо Базель-3 талаблари доирасида левереж коэффициенти (6 фоиздан) дан кам бўлмаслиги, 2028 йилдан мос тарзда 18 ва 6,75 фоизга тенг бўлиши лозим.

2. Банк тартибга солиши бўйича Базель-3 халқаро келишувининг асосий компонентлари бўлган талаблари: а) капиталга ва рисклар бўйича маълумотларни очишга нисбатан қўйилган талабларнинг кучайтирилиши, б) қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи, в) левереж коэффициенти, г) соф барқарор молиялаштириш кўрсаткичини ишлаб чиқиш, банк тартибга солиши бўйича Базель комитети аъзолари бўлган мамлакатлар банк сектори фаолиятига тўлиқ жорий қилинганлиги таъкидланди[21].

Шу ўринда банк фаолиятини тартибга солиш юзасидан сезиларли муваффақиятга эришган Европа Марказий банкида йиғилган тажрибанинг алоҳида жиҳатларини тадқиқ қиламиз. Европа минтақасида амалга оширилаётган банк бизнесида даромадлилик даражасининг пастлиги, муддати ўтган кредит ҳажмининг тўхтовсиз ошиб бориши, шубҳали активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳираларга ажратмалар миқдорининг катталиги ҳамда *vulnerable countries* сифатида таснифланувчи мамлакатлар[22] иқтисодиётининг нобарқарорлиги Евро зонасининг банк секторида юқори

---

[19] http://www.fsb.org/wp-content/uploads/2016-update-of-list-ofglobal-systemically-important-banks-G-SIBs.pdf

[20] Principles on Loss-absorbing and Recapitalisation Capacity of G-SIBs in Resolution Total Loss-absorbing Capacity (TLAC) Term Sheet.Financial Stability Board. 9 November 2015; http://www.fsb.org/wp-content/uploads/TLAC-Principles-and-Term-Sheetfor-publication-final.pdf

[21] Tenth Progress Report on Adoption of the Basel Regulatory framework. Basel Committee on Banking Supervision.April 2016. http://www.bis.org/bcbs/publ/d366.pdf

[22] Бундай мамлакатлар жумласига Кипр, Греция, Ирландия, Италия, Португалия, Испания ва Словения киради

даражадаги тизимли рискларнинг сақланиб қолинишига олиб келди. Бундай рисклар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

✓ Иқтисодий ва молиявий инқирозлар. Улар активларнинг қиймати ва банклар даромадлиги даражасига салбий таъсир қилиш билан бир қаторда, Евро зонаси банк секторига бўлган инвесторлар ишончини пасайтиради;

✓ Миллий иқтисодиётда ислоҳотларнинг амалга оширилишидаги камчиликлар, банкларни рекапитализациялашга бўлган талабнинг инобатга олинмаслиги, облигациялар бўйича даромадлилик даражасининг ошиб бориши натижасида суверен қарзлар бозорида кўплаб муаммоларни юзага келиши;

✓ Жаҳон молия бозорларидаги кескин ўзгарувчанликнинг сақланиб қолиши;

✓ Инқироз ҳолатлари давом этаётган мамлакатлардаги банк секторининг капиталлашув жараёнидаги муаммолар.

Европа банк тизими фаолиятини барқарорлаштириш ва унга бўлган ишончни мустаҳкамлаш учун Евро зонасида Банк иттифоқи *(Banking Union*[23]*)* ташкил қилинди. Мазкур иттифоқ асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши назарда тутилган:

- молия хизматларини кўрсатишнинг ягона қоидалари жамланмасини (*singlerule book for financial services*)[24];

- ягона тартибга солиш механизмини (*single supervisory mechanism, SSM*)[25];

- евро зонасига кирувчи мамлакатларнинг энг аҳамиятли банклари учун ягона тикланиш механизми (*single resolution mechanism, SRM*)[26] ни ишлаб чиқиш.

3. Янги тартибга солиш механизми фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун статистик маълумотларни йиғиш тизимини ташкил қилиш. Тизим биринчи навбатда рискларни баҳолаш дастури талабларини қаноатлантириши лозим бўлиб, маълумотлар таҳлил қилинаётган банкларнинг рискнинг маълум турига мойиллигига қараб гуруҳланади. Бунда бир қатор информацион модулларнинг қўлланилиши назарда тутилади. Масалан, тартибга солиш маълумотлари модули молиявий тартибга солишнинг Европа тизими (*European System of Financial Supervisers*) ҳисоботи кўрсаткичларига асосланади ва унда банкларнинг молиявий ҳолати ҳамда тўловга қобиллиги бўйича батафсил маълумотлар акс эттирилади[27].

4. Банк балансларини «кенг қамровли баҳолаш» ва уларни ўзгартириш дастурини амалга ошириш. Дастур ўз таркибига ўзаро боғлиқ икки элементни олади:

---

[23] Европа иттифоқининг расмий сайти http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/index_en.htm маълумотлари асосида

[24]Асос: http://www.eba.europa.eu/regulation-and-policy/single-rulebook

[25] Асос http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/single-supervisory-mechanism/index_en.htm

[26]Ягона тикланиш механизми банкротлик ҳолатига келиб қолган евро зонаси банкларига молиявий кўмак бериш учун ташкил қилинган. Унинг дастурлари, 2016 йилнинг январидан ўз фаолиятини бошлаган, Махсус фонд фаолияти *Single Resolution Fund, SRF* орқали амалга оширилади.
Асос:http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/single-resolution-mechanism/index_en.htm

[27]http://europa.eu/rapid/press-release_MEMO-09-404_en.htm маълумотлари асосида

- банк балансидаги активлар сифатини баҳолаш (*asset quality revew, AQR*). Бунда бош эътибор баланс ва балансдан ташқари позициялар бўйича кредит ва бозор рискларни таҳлил қилиш, ссудалар бўйича муддати ўтган қарзларга қаратилади;

- стресс – тестдан ўтказиш. У биринчи элемент натижаларини тўлдирган ҳолда банкларнинг молиявий конъюктуранинг ноқулай ўзгаришига чидамлилигини баҳолашга хизмат қилади.

Мазкур тадқиқотларга кўра, бир қатор хулосаларни шаллантирилиш мумкин:

Биринчидан, макропруденциал тартибга солиш тизими фақат тартибга солиш функцияларини билан чекланмасдан, шунингдек, банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини ишлаб чиқишни ўз таркибига олади.

Иккинчидан, макропруденциал тартибга солиш тизими элементлари зиммасига аниқ вазифаларнинг қўйилиши ва уларга мос бўлган ваколатларнинг берилиши банк назорати самарадорлигини белгилаб берувчи омил ҳисобланади.

Учинчидан, макропруденциал тартибга солиш тизимининг таркибий тузилмасида статистик маълумотларни йиғиш тизимининг ташкил қилиниши банк фаолиятини тартибга солиш қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб қилади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

И.Э. Қурбанов –Банк молия академияси тингловчиси

Корпоратив бошқарувнинг замонавий қиёфаси XX асрнинг 90 йилларига келиб ўз аксини топа бошлади. Сабаби, узоқ йиллар давомида муваффақиятли фаолият юритиб бизнес оламида машхур бўлган йирик компаниялар (Polly Peck, BCCI, Maxwell, Enron, WorldCom, Swissair, ABB) банкротлик ёқасига келиб, таназзулга учради. Бу эса, корпоратив бошқарувнинг амалиётда инвесторларни ҳимоялашни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Мазкур воқеликдан сўнг, 1992 йилда Буюк Британияда Кэдбери қўмитаси томонидан маърузаси эълон қилиниб, биринчи марта корпоратив бошқарувнинг молиявий жиҳатлари бўйича кодексни нашр этди.

"Моҳиятан, ушбу маъруза Директорлар кенгашининг мустақиллиги ва жавобгарлиги, ички молиявий назорат, директорлар кенгашининг аъзолари ва топ-менеджерларининг рағбатлантириш каби муҳим масалалар бўйича тавсияларни ўзида жамлаган биринчи ҳужжат бўлади"[28].

[28] Хамрахужаев Н. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув кодексини жорий этишнинг шарт-шароитлари. // Давлат ва жамият журнали // 2013 йил 2-сони, 45-бет.

XX асрнинг охирларида глобаллашув жараёни кенг ривожлана бошлаган пайтда инвестицияларга бўлган рақобатли талабнинг кескин ортиши барча мамлакатларда корпоратив бошқарувнинг умумий стандарт ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш эхтиёжини вужудга келтирди.

Корпоратив бошқарув бўйича энг муҳим халқаро ҳужжатлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) томонидан 1999 йил 27 майда ишлаб чиқилган "Корпоратив бошқарувнинг тамойиллари";

2. Халқаро корпоратив бошқарув тармоғининг (International Corporate Governanse Network) корпоратив бошқарув принциплари тўғрисидаги баёноти (ICGN, 1999);

3. Қимматли қоғозлар бўйича дилерлар Европа ассоциацияси (Europcan Association of Securities Dealers) томонидан ишлаб чиқилган Корпоратив бошқарув принциплари ва унга доир тавсиялар (EASD, 2000);

4. Eurosharehoiders томонидан 2000 йилда ишлаб чиқилган Корпоратив бошқарув бўйича директивлари.[29]

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, банкларда корпоратив бошқарувнинг заифлиги молия бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлишига ҳамда иқтисодиётга салбий оқибатларини келтириб чиқаришига таъсир этади.

Банкларда самарали корпоратив бошқарувга қизиқиш XX асрнинг 90 йилларда Осиёнинг Жанубий-Шарқида вужудга келган инқироз сабабли бошқа соҳалари каби банкларга ҳам юқори таваакалчиликка асосланган янги замоновий молия инструментлари юзага келиши билан бошланган.

Бундай таваккалчилик бир банк мисолида бўлмасдан мамлакат ичидаги банк тизимига ҳам трансфер шаклида ўтиши мумкин бўлган.

Банк тизимининг ишончини ва барқарорлигини ошириш унинг корпоратив бошқарувини такомиллаштиришни тақозо этади, бунда, авваломбор, банк тизимининг шаффофлигига эришиш ва барча иштирокчиларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олиб, таваккалчиликни тўғри баҳолашга йўналтириш керак бўлади[30].

Банк тизими ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг марказий тизимини ташкил этувчи муҳим элементлардан ҳисобланади. Ушбу тизим иқтисодиётнинг, унинг ўсишини таъминловчи ликвидлик манбаи ҳисобланади. У сотувчилар ва харидорлар ўртасида, солиқ тўловчилар ва давлат бюджети ўртасидаги муносабатларни, ҳисоб-китобларни тўхтовсиз ҳамда доимий равишда амалга оширилишини таъминлай олишнинг кучли механизмининг мавжуд бўлишини талаб этади.

[29] И.Н.Демчук. В поисках эффективного корпоративного управления в банковском секторе России. // Журнал: Сибирская финансовая школа // 2001г-№2, ст.78.

[30] Н.М.Заварихин. М.Н.Останин // Совершенствование корпоративного управления в коммерческом банке // Журнал - Деньги и кредит. 2/2007. с. 23.



1-расм. Тижорат банкларида замонавий корпоратив бошқарув иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари[31].

Банкларда корпоратив бошқарув тизими бошқа компаниялар каби бизнес юритиш учун маблағлар кириш нуқтаи назаридан ёндашсак, банкларнинг бошқарувига турли йўсинда таъсир этишга эга бўлган ҳамда фойда олишни ягона мақсадга қилган манфаатдор шахсларнинг алоҳида ажратиш лозим бўлади, бунда банкнинг мажоритар акциядор(лар)и, миноритар акциядор(лар)и, йирик кредитор(лар)и, кичик кредитор(лар)и ҳамда тартибга солувчи органлари ҳисобланади[32].

Миноритар акциядорларга келсак, улар банкларнинг бошқарувига таъсир этиш кўлами бир мунча чегараланган ҳуқуққа эга. Бу эса уларга банк фаолиятини мониторинг қилиш ва ахборотни тўлиқ олиш имкониятини бермайди. Натижада банкнинг барча акциядорларини бир хил манфаатлари таъминланмайди.

Тижорат банкларда самарали корпоратив бошқарувининг асосий мақсади корпоратив муносабатлар қатнашчилари ўртасида ишончни ошириш

[31] Банковский менеджмент / Роуз, С. Питер. - М.: Дело, 2015. - 180 с.
[32] Н.М.Заварихин. М.Н.Останин // Совершенствование корпоративного управления в коммерческом банке // Журнал - Деньги и кредит. 2/2007. с. 23.

ҳамда банк фаолиятида юзага келадиган таваккалчиликларни адекват тарзда бошқариш йўли билан корпоратив муносабатлар қатнашчиларнинг манфаатларини оптимал уйғунлаштириш ва қондиришни таъминлаш орқали юқори фойдага эришиш ҳисобланади.

Шунингдек, банкларда корпоратив бошқарув иштирокчиларнинг манфаатларини янада ҳимоя қилиш борасида уларнинг қизиқтирган маълумотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш бўйича банк корпоратив бошқарув фаолияти ва тузулмалари тўғрисидаги маълумотлар шаффофлиги ва ошкоралигини (transparency of information) таъминлашни тақозо этади.

Банкларда самарали корпоратив бошқарувнинг асосий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар ҳисобланади:

- банк фаолияти ва молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги маълумотлар ошкоралиги;
- банк акциядорлар ва омонатчиларнинг манфаатлари ҳар томонлама ҳимояланганлиги;
- банк кузатув кенгашининг банк стратегиясини белгилашда, бизнес режасини тасдиқлашда, муҳим хўжалик қарорларни қабул қилишда, бошқарув аъзоларини ишга олишда, уларнинг фаолиятлар устидан мониторинг қилишда ва зарур ҳолларда бошқарув аъзоларини лавозимларидан озод қилишда мустақиллиги;
- давлатнинг тартибга солувчи ва назорат органларининг предунциал ва императив меъёрларга риоя этилиши ва бажарилиши.

Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиясига кўра, банкларнинг самарали корпоратив бошқаруви назорат қилувчиларга банкларнинг ички жараёнлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Шу муносабат билан, назорат тажрибаси ҳар бир банк ичида ваколатлар даражаси, жавобгарлик, масъулият ва манфаатлар мувозанати (check and balances), шу жумладан, юқори раҳбарият, директорлар кенгаши, риск менеджмент ва аудит хизматлари мавжуд бўлиши таъкидланади[33].

Мамлакатимизда копоратив бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Банк ички аудитни тўла мустақиллигини таъмишлашга эришиш мақсадида улар билан бўладиган меҳнат ҳуқуқий муносабатларини тартибга соладиган жараёнларни банк ижро органидан кузатув кенгаши ёки унинг қошидаги аудиторлик қўмитаси томонидан амалга оширилиши лозим бўлади.

2. Банк тўғрисидаги амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган маълумотлар очиқлигини таъминлаш ҳамда инвестицион муҳитнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида молиявий ҳисоботларига илова сифатида халқаро андозаларига мувофиқ ҳисоб - китоб қилиш асосида молиявий кўрсаткичларга таянган ҳолда таҳлилий динамикасини кўрсатиб ўтиш;

[33] Basel Committee on Banking Supervision. Consultative document // Guidelines // Corporate governance principles for banks // Issued for comments by 9 January 2015, October 2014

3. Тижорат банкларининг корпоратив бошқарув бўйича халқаро ёки миллий рейтинг кўрсатгичлар асосида баҳолаш амалиётини кенг жорий қилиш.

Хулоса ўрнида, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий модернизациялашув жараёнида акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган тижорат банкларида самарали корпоратив бошқарувнинг ҳалқаро андозаларга мувофиқ услуб ва тамойилларни жорий этилиши ўз навбатида, банкларнинг рейтинг даражаларини юқори кўрсатгичларини қўлга киритиш, банклар учун потенциал инвесторларни жалб қилинишида рақобатли кураш мухитини яратиш, банк фаолиятидаги таваккалчиликларни тўғри бошқариш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ва қонуний манфаатларини таъминланишини кучайтириш, фойда олишнинг кафолатланганлиги таъминлаш, бошқарув қарорларини қабул қилинишида ахборот шаффофлигини таъминланилишиига эришиш ҳамда молиявий инқирозларни олдини олинишига хизмат қилади.

КРАУДФАНДИНГ ДЛЯ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОДУКТОВ

С.С. Алиева– к.э.н., сарший преподавателъ СамИЭС
Ш.С.Хамраев – студент IV курса, направления образования “Финансы”СамИЭС

В условиях глобализации национальных хозяйств, формирования устойчивого мирового финансового рынка важное значение имеет работа, предполагающая модернизацию и обновление как основных и оборотных реальных активов, так и методов управления и налаживания корпоративного сотрудничества между контрагентами. Поскольку именно хорошо налаженная система корпоративного сотрудничества может быть основой финансирования разработки новых идей, создания техники, технологий, системы управления, иными словами инноваций в различных отраслях жизни и деятельности человека.

Для выдерживания рыночной борьбы в современных условиях жесткой конкуренции и усиления внедрения рыночных механизмов развития экономики также большое значение приобретает разработка и внедрение инновационных продуктов.

Это отметил и Президент нашей страны, объявив 2018 год «Годом поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий». Именно это явилось еще одним действенным стимулом развития отечественных предприятий, внедрение с этой целью инновационных продуктов в производственную и непроизводственную сферы. При этом, возможность внедрения инновационных продуктов в деятельность предприятий зависит не только от способности руководства предприятия разработать его или приобрести где-либо, но и от наличия у предприятия в достаточном объеме финансовых ресурсов, позволяющих обеспечить внедрение данных продуктов. Немалое количество руководителей предприятий при этом сталкиваются с

проблемой нехватки собственных средств и недоступностью внешних финансовых источников.

Говоря о сущности терминов «инновационная деятельность» и «инновационный продукт» некоторые ученые-экономисты выделяют два подхода. При первом подходе первичным является определение инновационной деятельности, а инновационный продукт при этом трактуется как «конечный результат инновационной деятельности». Второй подход первичным предполагает определение инновационного продукта, а инновационной деятельностью при этом признается деятельность, «направленная на создание инновационного продукта». Второй подход, предполагающий базовым определение инновационного продукта, представляется нам более обоснованным и прозрачным.

Таким образом, выявление роли и признаков инновационно наполненных ПИИ позволяет объективно оценить необходимость присутствия зарубежного капитала в национальной экономике; максимизировать положительные и минимизировать отрицательные эффекты воздействия ПИИ на инновационное развитие принимающей страны[34] и, соответственно, использовать ПИИ в качестве источника модернизации экономики Узбекистана.

Исходя из этого, инновационный продукт, на наш взгляд – это результат инновационной деятельности, в виде нового или значительно усовершенствованного товара или услуги.

Для решения задачи привлечения источников финансовых ресурсов с целью приобретения и внедрения инновационных продуктов, необходимо развивать различные подходы, в том числе и нетрадиционные.

К числу таких, пока еще не ставших традиционными, относится и краудфандинг. Небольшая практика использования данного метода привлечения финансовых ресурсов показывает, что краудфандинг можно использовать на любом этапе развития предприятия. Данный способ получения заемных средств концентрирует в себе практически все источники инвестирования.

Использование краудфандинга предполагает то, что если предприятием планируется реализация какого-то интересного проекта, сферы вложения, можно интересно описать его и привлечь внимание других – потенциальных инвесторов, которые помогут осуществить этот проект, вложив какую-то часть своих финансовых ресурсов.

Применение метода краудфандинга позволяет привлечь денежные средства от онлайн-инвесторов или других лиц для финансирования коммерческих и некоммерческих инициатив и предприятий. Для реализации краудфандинга используются интернет-технологии и платёжные онлайн-системы, предполагающие удобные и эффективные механизмы взаимодействия получателя финансирования (краудфандера) с лицом, предоставляющим денежных средств (инвестором). Местом, благодаря которому осуществляется

[34] Дегтярева И.В. Внешние источники финансового обеспечения инновационных процессов: ограничения и возможности // Экономика и управление, 2008. № 8.

данное взаимодействие, является краудфандинговая платформа, которая выполняет роль, состоящую в передаче информации между сторонами, предоставлением средств расчетов и учета финансирования и обязательств сторон, и, при этом, не выступает стороной по сделке.

Лицо (юридическое или физическое), желающее разработать инновационный проект, публикует свою идею и информацию о задумке на сайте и определяет сумму, необходимую для начала исполнения и срок для сбора финансовых ресурсов. После чего, предприятия, или другие лица, заинтересовавшиеся в реализации данного инновационного продукта, поддерживают проект через различные системы оплаты. После того, как инновационный продукт набирает нужную сумму средств в течение установленного срока времени, он считается состоявшимся, и после перечисления всех средств на банковский счет выставившего его лица начинается реализация продукта. Далее все лица, принявшие участие в реализации какого-то инновационного продукта, получат не что иное, как конечный продукт, реализации которого они поспособствовали. Однако, если проект инновационного продукта не набирает нужную сумму, то, как правило, перечисленные финансовые ресурсы возвращаются обратно их вкладчикам.

Реализация краудфандинга инновационных продуктов предполагает размещение инновационного проекта краудфандером (физическим или юридическим лицом) с описанием продукта, финансовых расчетов и видео-сопровождением на специализированной платформе. Для тех предприятий, которые находятся на стадии формирования своей деятельности – это наилучший метод сбора средств. В соответствии с ним, будущие приобретатели инновационного продукта осуществляют его покупку до начала его производства. Для данного метода характерно ограничение источников финансирования, так в 98% случаев предоплату товара осуществляют неформальные вкладчики.

Для формирования и управления поступающими денежными средствами для объявленного инновационного проекта крауд-платформой создается внутренний счет. Сведения о переводе денежных средств отражаются в профиле краудфандера. Платформа автоматически оповещает управляющего денежными потоками о проведенной финансовой операции и позволяет отследить данные о полученной сумме, номере счета и информацию о вкладчике. Перевод средств краудфандеру осуществляется по окончании срока публикации проекта и занимает в среднем 30 дней, в случае если собрано 100% и более заявленной суммы. В том случае, если нужных средств в поставленный срок не удалось собрать, происходит оповещение участников проектов и собранные денежные средства возвращаются обратно на счета инвесторов. За каждый успешно реализованный проект платформой взимается комиссия от 5 до 15% на предоставление контента (2-10%) и сбор платежных систем (3-5%). По окончании финансирования за краудфандерами сохраняется активная веб-страница на платформе, где в дальнейшем публикуется информация о реализации идеи и осуществляется обратная связь с вкладчиками. В зависимости от модели краудфандинга, инноватор предлагает вкладчикам

получение по окончании реализации идеи финансовой выгоды или конечного инновационного продукта.

Для эффективной работы краудфандинга в Узбекистане необходимо усовершенствовать законодательную базу с использованием опыта зарубежных стран. Универсальная модель финансирования инновационных продуктов с использованием механизмов краудфандинга позволяет привлечь денежные ресурсы для реализации креативных инновационных проектов от неформальных и профессиональных инвесторов, способствует снижению операционных издержек на управление инвестициями, обеспечивает доведение инновационных проектов до стадии внедрения и вывода их на узбекский и международный рынки.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ОММАБОПЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Ш.М.Латипова – СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти
Ф.Муродуллоев – СамИСИ МК-117 гуруҳ талабаси

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизинг усулидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, лизинг дунёнинг барча мамлакатларида банк тизимида кенг даражада қўлланилаётган энг самарали молиявий хизмат турларидан бири бўлиши бугунги кунда ҳам ушбу молиявий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш кераклигини англатади.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегиясига асосан бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш ва иқтисодиётни либераллаштиришда хўжалик юритувчи субъектларни ноанъанавий усулда молиялаштиришда лизинг (молиявий ижара)дан кенг фойдаланилмоқда. Бунда талаб этилаётган машина ва ускуналар, яъни асосий воситаларни халқаро стандартлар даражасига чиқаришда, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни янги техника билан таъминлашда маблағ ажратаётган молия институтлари, айниқса, тижорат банклари муҳим ўрин эгаллайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг “Банк, суғурта, лизинг, консалтинг ва бошқа турдаги бозор хизматлари барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, улар хусусий сектор ва кичик бизнес ривожига хизмат қилмоқда”[35], деб таъкидланганлиги, ўз навбатида, миллий иқтисодиётда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда

[35] Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси: Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. http://uza.uz

барча молиявий хизматлар сингари лизинг хизматининг муҳим аҳамият касб этаётганлигини англатади.

Хўжалик юритувчи субъектлар учун тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган лизинг хизматлари инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларидан бири сифатида, ўзида бир пайтнинг ўзида ижара муносабатларини, гаров остидаги кредитли молиялаштириш элементларини, қарзли мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа муҳим молиявий механизмларни мужассамлаштиради. Шу сабабли лизинг ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича банкларнинг ишбилармонлик доираси билан ўзаро муносабатларининг тарихий таркиб топган шакл ва услубларини инкор этмасдан, аксинча, уларни тўлдиради ва бойитиб боради.

Молия бозорида ушбу хизмат тури ҳам мижозлар, ҳам тижорат банклари учун қуйидаги афзалликка эга эканлиги туфайли ривожланиб бормоқда:

- Тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган лизинг хизмати ва у билан боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўламининг доимий кенгайиб бораётганлиги;
- Тижорат банклари томонидан лизинг жараёнига жалб этилаётган маблағнинг лизинг объекти кўринишидаги реал таъминотга эга эканлиги;
- лизинг жараёнида кўрсатилаётган хизмат сифатини ва ҳажмини ошириш ҳамда янги мижозларни жалб қилиш имкониятининг юқорилиги;
- асосий ишлаб чиқариш воситаларини янгилашга эҳтиёжи юқори бўлган мижозлар (хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар) билан тижорат банклари ўртасида сифат жиҳатидан янги ҳамкорлик муносабатларининг йўлга қўйилиши.

Бундай афзалликларнинг мавжудлиги тижорат банклари ва лизинг компанияларида амалга оширилаётган лизинг амалиётини янада такомиллаштириш заруратиятини юзага келтиради. Лизинг хизматлари бўйича халқаро амалиётни кузатадиган бўлсак, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Япония, Германия, Англия ва бошқ.) лизинг хизматлари молиялаштиришнинг энг муҳим ва нисбатан инновацион усулларидан бири сифатида қўлланиб келинмоқда. Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш ҳамда диверсификациялашда лизинг хизматларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

2018 йилда мамлакатимиз лизинг бозори иқтисодиёт фаоллигининг кўрсаткичларидан бири сифатида фаол ўсишни кўрсатди, хусусан лизинг берувчилар томонидан 7771 дан ортиқ янги лизинг битимлари тузилган, бунда уларнинг ҳажми 2634,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 2017 йил билан солиштирганда 2634,4 млрд сўмга, миқдор жиҳатдан эса 42 та битимга ошган (1-диаграмма).

1-диаграмма

Янги лизинг битимлари сони динамикаси[36]



2018 йилда мамлакатимиз лизинг бозорида янги лизинг битимлари ҳажмининг ўсиш тенденцияси лизинг бозори қатнашчилари орасида қуйидагича тақсимланди:

1-жадвал

Янги лизинг битимлари ҳажмининг лизинг бозори қатнашчилари орасида тақсимланиши[37]

	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Лизинг компаниялари						
- мулк қиймати, млрд. сўм	560,2	592,6	668,2	630,8	963,8	1912,2
-улуши	69,6%	71,7%	78,5%	64,8%	62,0%	72,6
Банклар						
- мулк қиймати, млрд. сўм	244,9	233,6	183,0	342,3	589,8	722,2
-улуши	30,4%	28,3%	21,5%	35,2%	38,0%	27,4
Жами	**805,2**	**826,2**	**851,2**	**973,1**	**1 553,6**	**2634,4**

Жадвалдан кўриниб турибдики, лизинг бозорида лизингга берувчи сифатида лизинг компанияларининг иштироки юқори (яъни 73 фоизга яқин) бўлган. Тижорат банкларининг улуши эса 27,4 фоизни ташкил этган. Гарчи ўтган йили ушбу кўрсаткич юқори бўлган бўлсада (яъни 38,0 фоиз), абсолют миқдорда банклар томонидан лизингга берилган мулк миқдори ошган (722,2 млрд. сўм). Лизинг берувчилардан олинган маълумотларга кўра, тузилган

[36] 2018 йил якунлари бўйича Ўзбекистондаги лизинг хизматлари секторининг обзори. Ўзбекистон лизингга берувчилар уюшмасининг расмий сайти маълумотлари асосида. www.ula.uz.

[37] 2018 йил якунлари бўйича Ўзбекистондаги лизинг хизматлари секторининг обзори. Ўзбекистон лизингга берувчилар уюшмасининг расмий сайти маълумотлари асосида. www.ula.uz.

лизинг битимларининг ярмидан кўпи лизинг берувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган бўлиб, уларнинг фақат 30 фоизигина банклар томонидан жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган. Ушбу тенденция шу билан шартланганки, банклардан кредит сифатида жалб этилган маблағлар лизинг олувчи учун анча қимматроққа тушади, шу боис лизинг берувчилар, хусусан лизинг компаниялари лойиҳаларни ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни афзал кўрадилар.

Лизинг берувчилар орасида лизингга берилган технологик ускуналар объектларининг ҳажми бўйича бир олдинги йилларда “Asaka Bank” АТБ, “Kapital Bank” АТБ ва “Ipoteka Bank” АТИБ етакчилик қилган бўлса, 2018 йилда “Ўзсаноат қурилишбанк” АТБнинг иштироки юқори даражада бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

2018 йилда лизинг бозорида банклар ТОП – 5 талиги[38]

№	Банк номи	2018 йилда кўрсатилган лизинг хизматлари ҳажми (млрд. сўмда)
1	«Sanoat qurilish Bank» АТБ	197,3
2	«Kapital Bank» АТБ	124,1
3	“Asaka Bank” АТБ	110,9
4	«Trust Bank» ХАБ	76,2
5	«Ipoteka Bank» АТИБ	73,8

Лизинг бозорини таҳлил қилиб, унда тижорат банклари фаолиятида лизинг хизматларини амалга ошириш бўйича қуйидаги янги имкониятларнинг кузатилганлигини қайд этишимиз мумкин:

- лизинг компанияларини молиялаштиришда маҳаллий банклар томонидан миллий валютада молиялаштириш амалиётининг жорий этилиши;
- кичик бизнес субъектларини молиялаштиришда, шунингдек, валюта бозорининг эркинлаштирилиши натижасида асбоб-ускуналар импортини молиялаштиришда тижорат банклар ролининг ошиши;
- тижорат банклари томонидан лизинг хизматларини амалга оширишда чекловларнинг бекор бўлиши ва б.

Аммо шунга қарамасдан, лизинг хизматларининг мамлакат ЯИМдаги улуши ҳозирги кунгача 1,0 фоизни ҳам ташкил этмаслиги бу борада маълум бир муаммолар борлигидан далолат беради. Хусусан, лизинг берувчилар ва лизинг олувчиларнинг лизинг муносабатлари доирасидаги ўз вазифаларининг моҳиятини ва унинг афзаллигини етарлича тушуниб етмаганлиги, лизинг операцияларига хизмат қилувчи молиявий инфратузилма элементлари (тижорат банклари) ва консалтинг фирмалар сонининг нисбатан камлиги ҳамда молия бозорида уларнинг сустлиги, лизинг хизмати таклифлари ҳақида доимо

[38] 2018 йил якунлари бўйича Ўзбекистондаги лизинг хизматлари секторининг обзори. Ўзбекистон лизингга берувчилар уюшмасининг расмий сайти маълумотлари асосида. www.ula.uz.

тўлдириб туриладиган ва тушунарли ахборот билан таъминлайдиган лизинг ахборот таъминоти тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, тижорат банклари томонидан лизинг хизматларини амалга ошириш учун маблағларининг бирламчи жойлаштирилиши натижасида улар ихтиёридаги маблағлар тақчиллигининг юзага келиши ва ҳ.к. Ушбу муаммоларни бартараф этиш ҳамда лизинг хизматларини янада ривожлантириш мақсадида, энг аввало лизинг фаолиятини рағбатлантирувчи меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришни давом эттириш лозим. Барча лизинг субъектларига тенг имтиёзларни, даромадларни солиққа тортиш негизини аниқ белгилаш ҳамда амортизацион фонд яратишни такомиллаштириш талаб этилади. Бундан ташқари:

- лизинг бозорида инновацион лизинг турини фаол қўллаш, бу жараёнга ҳам тижорат банкларини, ҳам лизинг компанияларини лизингга берувчи сифатида кенг жалб қилиш;
- лизинг компаниялари ва тижорат банкларини лизинг бозоридаги иштирокини соғлом рақобат муҳити асосида ташкил этиш;
- лизинг компаниялари ва тижорат банкларининг бозордаги улушини тартибга солиш мақсадида ҳукумат томонидан келгуси давр учун уларнинг ҳар иккаласига маълум бир миқдордаги қийматда лизинг операциясини амалга ошириш режасини тузиш;
- қўйилган режани бажариш учун ҳар бир тижорат банклари ўзининг кредит ресурсларидан маълум бир белгиланган миқдорини лизинг бозорига йўналтириши зарур;
- лизинг компанияларига молиявий ресурсларни жалб қилишда хорижий мамлакатлар амалиётидан фойдаланиш. Бу борада Ирландия амалиёти қўл келиши мумкин. Ирландияда тижорат банкларининг шуъба бўлими сифатида лизинг компанияларига аҳолидан омонатларни жалб қилиш орқали лизинг операцияларини молиялаштириш имконияти яратиб берилган. Аҳолига омонатларни қайтариш қисман банк ва лизинг объекти ҳисобига амалга оширилиши кафолатланади.

Ушбу таклифларнинг амалиётда жорий қилиниши миллий иқтисодиётда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, техник-технологик янгилаш ҳамда маҳсулот сифатини ошириш каби муҳим ижобий ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ОММАБОПЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Н. Мурадова- СамИСИ ўқитувчи.
О. Алламуродов- СамИСИ талаба.

Бугунги кунда тижорат банклари зиммасига бир қатор долзарб масалалар қуйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Пезидентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сон қарорида: “... 2017-2021 йилларда тижорат банклари умумий капиталини ўртача 2 баробарга ўсишини таъминлаш мақсадида қўшимча акциялар чиқариш, тижорат банкларини ресурс базасини 2.1 баробардан кам бўлмаган ҳолда мустахкамлаш учун 2017-2021 йиллар давомида аҳоли ва хўжалик субъектларини омонатларга жалб қилиш” вазифаси юкланган[39].

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизмлари жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгаймоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик ошиб бормоқда. Шу билан бирга, банк хизматлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Бундай муаммолар қаторига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- кредитларни ажратиш бўйича қарор қабул қилишда ваколатлар ҳаддан ташқари марказлашганлиги бош банклар ва уларнинг филиаллари ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланишига тўсқинлик қилмоқда;
- кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг мураккаб механизмлари кредитларни тезкор олиш имкониятларини чегараламоқда;
- тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг мавжуд эмаслиги микроқарзларни олиш даражасини оширишни таъминламаяпти, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фоиз ставкалари аксарият ҳолларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда;
- чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги ортиқча бюрократия ва сансалорлик учун замин яратмоқда;
- банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича давлат процессинг ташкилотининг мавжуд эмаслиги чакана тўлов тизимларининг хавфсизлик, узлуксизлик ва ишончлилик даражасига таъсир кўрсатмоқда ва аҳолининг кенг қатламлари учун очиқ инновацион лойиҳаларни

[39] http://lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Пезидентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сон қарори. 2017 йил 12 сентябрь. №1 илова.

амалга оширишда замонавий технологик ечимларни илгари суришга тўсқинлик қилмоқда;

- шартномаларга хизматлар учун тарифлар, ажратилган кредитлар ва қабул қилинган депозитлар бўйича фоиз ставкаларни бир томонлама ўзгартиришни назарда тутувчи шартларни киритиш, шунингдек, бир хизматни қўшимча хизматдан фойдаланиш шарти билан кўрсатиш банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузмоқда.

Кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш ва инновацион ривожланишнинг тенденсияларини инобатга олган ҳолда молиявий очиқлик даражасини ошириш, шунингдек, 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг банк соҳасида босқичма-босқич эркинлаштириш жорий этилмоқда ва тижорат банкларига ўз фаолиятида эркин бўлиш, мижозларга йўналганлигини ошириш, соҳада рақобатлашиш имкони яратилмоқда. Бу ўзгаришлар, шубҳасиз, Марказий банк хизматларидир. Жорий операциялар бўйича конвертация жорий этилиши ва нақд пул муомаласига чекловларни олиб ташлаш каби ислоҳатларнинг амалга ошишида ҳам бу ташкилотнинг муҳим роли бор. Бироқ, банк соҳасидаги ислоҳатлар ҳануз ўз ниҳоясига етказилгани йўқ. Соҳанинг асосий муаммоси Standart&Poors томонидан яқинда эълон қилинган ҳисоботда аниқ ва лўнда аксини топган: “Ўзбекистон банк соҳасида банк тизими активларининг умумий 84 фоизига эгалик қилувчи давлат банклари етакчи ўринга эга ва унда тўғридан-тўғри кредитлаш улуши жуда юқори, бу эса рақобатни чеклайди ва хусусий банкларнинг кредитбардошлигига салбий таъсир ўтказади. Бундан ташқари, ҳукумат иқтисодиётнинг асосий соҳаларига молиявий ёрдам бериш учун давлат банкларнинг кўпчилигидан фойдаланади”. Халқаро валюта фондининг илгарироқ эълон қилинган ҳисоботи юқорида таъкидлаб ўтилган “ташхис” ни тўлдиради: “Кредит бозорининг кучли сегментлашгани, 60 фоиз кредитлар имтиёзли шартларда берилаётгани туфайли пул-кредит сиёсати воситаларининг кредитлаш шартларига таъсири кучсизлигича қолмоқда. Гарчи Марказий банк қайта молиялаш ставкаси миллий валютада тижорат ставкалари бўйича кредитлар берилишига сезиларли таъсир ўтказсада, бу сегментнинг улуши жами ажратилган кредитларнинг бор-йўғи 20 фоизини ташкил этади”.

Тижорат банклари банк хизматлари оммабоплигини ошириш учун қуйидаги масалаларни амалга ошириш керак:

- банкларга ташриф буюрувчилар хизматлар тўғрисида маълумот олиш, маслаҳат сўраш, хизматлардан фойдаланиш учун банк биносига рухсатномасиз ва шахсни тақдим этмасдан кира олиш учун шароит яратиш;
- кредит (микрозаём) аризаларини очиқ рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш жараёнининг кетма-кетлигини аниқ белгилаш, натижалари бўйича

мижозга кредит(микрозаём) ажратиш ёки ажратмаслик тўғрисида асослантирувчи маълумот юбориш тартибини тасдиқлаш;

- кредит ажратишда мижозларга “кредитнинг тўлиқ қиймати”, кредит бериш ва унга хизмат кўрсатиш (қайтариш) билан боғлиқ бўлган барча тўловлар тўғрисида олдиндан тўлиқ тушунтириш бериш тизимини йўлга қўйиш.
- кўрсатилаётган барча хизматлар турлари бўйича белгиланган тарифлар банкларнинг веб-сайтларида жойлаштирилиши, шунингдек шартномаларда тегишли хизматлар бўйича белгиланган ҳақлар аниқ кўрсатилиб борилиши;
- микроқарз ажратиш ҳуқуқини бериш бўйича қонунга киритилган ўзгартиришлар кучга кириши билан банклар мижозларга камида 3 та микроқарз турини таклиф этишга тайёр бўлиши;
- кредитлашнинг қисқа муддатли, экспресс механизмларини йўлга қўйиш.

Шунингдек, банк тизими фаолиятини янада такомиллаштириш, иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш борасида банк тизимига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ижро этилишини таъминлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИДА ТИЗИМЛИ РИСКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ф.М.Даминов – катта ўқитувчи (СамИСИ)
О.Ш.Ибодуллаев – талаба (СамИСИ)

Авваламбор шуни қайд қилиш зарурки, бугунги кунда назорат остига олинмайдиган локал (минтақавий) рисклар енгил тарзда алоҳида олинган мамлакатлар иқтисодиёти ва молиявий барқарорлигига, шунингдек, жаҳон молия тизимига жиддий хавф тўғдирувчи тартибга солиш мумкин бўлмаган тизимли рискларга трансформацияланиши бирор шубҳа остига олинмайдиган факт. Бугунги кунда тизимли рискларни бошқариш тажрибаси мавжуд эмас, чунки улар ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган ва ўлчанмаган, шу билан бир қаторда мазкур рискларнинг юзага келишининг дастлаб босқичидаёқ аниқлаш ва бошқариш механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Тизимли рискларнинг юзага келиши ва тарқалиши табиатини таҳлил қилиш, «инфекция» нинг тарқалиш триггерлари ва каналларини аниқлаш, шунингдек, бошқариш тизимининг «касаллик»га стратегик «иммунитет» даражасини ошириш ҳамда молия бозорларининг фаолияти шароитининг ўзгаришига мос тарзда тартибга солиш ва назорат тизимини трансформациялашда тизимли динамика ва мураккаб тизимлар назариясидан келиб чиқиш зарур. Фақат шу тарзда нима учун аҳамиятсиз воқеъа ёки ҳодисанинг мураккаб тизимларни критик ҳолатга келтириши мумкинлигини тушуниш имконияти юзага келади.

Тизимли риск тушунчаси нисбатан янги атама: библиографик манбаларнинг таҳлили мазкур атама иқтисод ва молия соҳасига алоқадор бўлган илмий ишларда 1994 йилдан бошлаб қўлланила бошлаганлигини кўрсатади. Шуни қайд қилиш зарурки, аксарият ҳолатларда тизимли риск тушунчасининг моҳияти тўлиқ очилмасдан қолган. Айни пайтда тизимли рисклар даражасини баҳолаш учун мазкур тушунчани таснифлаш ва унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш керак. Бунинг учун замонавий иқтисодий манбалар ва тегишли расмий ҳужжатларда тизимли рискларга берилган таърифларни танқидий тарзда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2001 йилда 10 гуруҳи (Group of Ten) томонидан эълон қилинган «Молия секторидаги консолидация» номли докладда тизимли рискларнинг келгуси ишчи таърифи келтирилган: «Тизимли молиявий риск – бу қандайдир воқеъа активлар қиймати ёки уларга бўлган ишончнинг йўқотилишига олиб келиши риски бўлиб, бунинг натижасида молия тизимидаги ноаниқлик шундай даражага етиб борадики, бунда иқтисодиётнинг реал секторига аҳамиятли салбий таъсир ўтказиши эҳтимоли юзага келади». Мазкур тасниф молия секторидаги эҳтимолий хавфларни белгилаш жиҳатидан етарли даражада адекват бўлишига қарамасдан, «ишонч», «ноаниқлик» ва «салбий таъсир ўтказиши эҳтимоли» каби тушунчаларни аниқлаш ва уларни баҳолаш жуда мураккаб масала. Бундан ташқари, бу дифинация тизимли рискларга нисбатан кенгроқ муаммога тегишли. Хусусан, қандайдир воқеъа жумласига экологик муаммолар ёки харбий ҳатти-ҳаракатларнинг бошланишини киритилиши мумкин, улар эса сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тизимга оид рисклар ҳисобланади.

2003 йилда банк рисклари соҳасининг таниқли америкалик мутахассислари Жорж Г.Кауфман ва Кеннет Скот томонидан таклиф қилинган таснифга кўра: «Тизимли риск – бу тизимнинг алоҳида элементлари ёки компонентларининг ишдан чиқиши ҳисобига бутун тизим фаолиятининг бузилиши риски ёки эҳтимоли; тизимнинг асосий ёки барча элементлари ўртасидаги параллел динамика (корреляция) натижасидир». Мазкур таснифни 10 гуруҳи томонидан томонидан берилган ишчи таърифга нисбатан анча чуқурроқ ҳисоблашимиз мумкин. Биринчидан, унда таҳлил қилинаётган воқелик (тизимнинг бузилиши) ва сабабга (ишончнинг йўқотилиши) бир маъноли ҳолат сифатида ёндашилмайди. Иккинчидан, тизимли рискларни баҳолаш унинг элементларини ҳамда улар ўртасидаги алоқадорликни баҳолаш асосида амалга оширилишига олиб келишига эътибор қаратилган. Айни пайтда тасниф бир қатор камчиликларга эга. Авваламбор, тизим фаолиятининг издан чиқиши унга алоқадор бўлган барча тизимларга (биринчи навбатда метатизимларга) таъсир ўтказади ва у синергетик хусусиятга эга. Шу билан бир қаторда, тизим фаолиятининг бузилишини фикримизча, фақат элементлар ёки компонентларнинг издан чиқиши билан изоҳлаш унчалик тўғри эмас. Элементлар ёки компонетлар фаолияти траекториясининг ўзгариши (тизим ва элементлар мақсадлари ўртасидаги фарқнинг пайдо бўлиши), шунингдек, фаолият тартибининг ўзгариши (тизим ва элементлар фаолияти

тамойилларидаги фарқ) ҳам тизимнинг бузилишига олиб келади. Бунда элементлар фаолияти ҳатто ривожланиб бориши ҳам мумкин. Бундан ташқари, тизим фаолиятига ташқи тизимлар доимий равишда салбий ёки ижобий таъсир ўтказиб боради. Мазкур таъсир кўп ҳолатларда элементлар ўртасидаги алоқадорликни парчалаб ташлайди ва тизимни ишдан чиқаради.

Америкалик математик олим Даррилл Хендрикс 2009 йилда чоп этилган илмий изланишларида тизимли рискларни «бир барқарорликдан анча оптимал бўлган иккинчи барқарорлик ҳолатига фазавий (циклли) тарзда ўтиш риски бўлиб, текари алоқанинг ўз-ўзини кучайтирувчи кўплаб механизмлари билан характерланади ва уларни қайтариш жараёнини мураккаблаштиради» тариқасида таснифлаган. Албатта мазкур таъриф (иқтисодий фан нуқтаи-назаридан) жуда кўплаб методологик камчиликларга эга ва унинг қўлланилишининг ўзи бир қатор тизимли рискларни юзага келтиради. Уларга тўхталиш фикримизча, мақсадга мувофиқ эмас. Таърифнинг ижобий жиҳати муомалага (илмий тадқиқот методологиясининг жуда муҳим жиҳатни) тескари алоқа тушунчасининг киритилиши ҳисобланади.

Тизимли рискларнинг моҳияти борасидаги юқорида келтириб ўтилган фикр ва мулоҳазаларнинг турли туманлиги ва қайсидир жиҳатдан қарама-қаршилиги (бир ҳолатда ўта тор, бошқа ҳолатда ўта абстракт тушунчалар орқали ифодалаш) мазкур муаммо етарли даражада ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Кўриб чиқилаётган масала бўйича хулоса қиладиган бўлсак, биринчидан, ўрганиш объекти ва предметининг моҳияти ва дифиниция юзасидан аниқ тушунчанинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, тизим бўйича рискларнинг юзага келиши ва тарқалиши сабаблари ва қонуниятларининг аниқланмаслиги молиявий воситачилар фаолиятини тартибга солиш тизимини самарали ислоҳ қилишда жиддий тўсиқларни юзага келтириши мумкинлигини қайд этиш зарур. Бу эса ўз навбатида микро ва макро даражада ҳисобга олинмаган дисбалансларнинг юзага келиши, уларнинг бутун тизим бўйича тарқалиши ва янги тизимли инқирозларни шакллантириши диққатимиз марказида туриши зарурлигидан далолат беради.

Иккинчидан, молия бозорлари, валюталар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқадорликни тушуниш, шу билан бир бир қаторда молия тизимидаги рискларнинг «манзилини» аниқ белгилаш нафақат тизимли рисклар мониторинги билан шуғулланувчи давлат органлари, шунингдек, кредит ташкилотлари учун ниҳоятда зарур. Шуниси аниқки, мазкур масала юзасидан тўлиқ маълумотларнинг мавжудлиги тизимли рискларнинг тўпланиши (йиғилиши) ва кучайиши пайтида самарали чора – тадбирларни амалга ошириш имкониятини яратади. Негаки, банк фаолиятини тартибга солиш ёки олиб бориш соҳасида қабул қилинадиган исталган қарор молиявий барқарорликга хавфлар тўғрисидаги шубҳалар асосида эмас, балки аниқ маълумотларга таянган ҳолда қабул қилиниши зарур.

Учинчидан, тизимли рискларнинг назарий ва амалий жиҳатлари тизимли тадқиқотларни талаб қилади. Бундай фаолиятнинг долзарб йўналишларидан бири сифатида рискларнинг турли турларини аниқ дифференциялаш (биринчи

навбатда эмперик таҳлил асосида) зарурлигини келтириш мумкин. Нима бўлганда ҳам глобал макроиқтисодий моделлар молиявий барқарорликнинг барча жиҳатларини акс эттирмаслиги сўнгги йиллар давомида ўз исботини топди деб ҳисоблаш мумкин. Бу билан боғлиқ тарзда фикримизча, молиявий инновацияларнинг ижобий томонлари ва у билан боғлиқ харажатларни баҳолашнинг адекват усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Шунингдек, алоҳида олинган тизимли аҳамият касб қилувчи молиявий воситачилар фаолияти тизимли тадқиқот объектига айланиши зарур. Шу билан бир қаторда макропредунциал даражада тартибга солиш самарадорлигини ошириш мақсадида биржа ва биржадан ташқари савдонинг таққослама рисклари, деривативларнинг роли ва муомалада бўлиши каби муаммоларни назарий ва амалий тадқиқ қилиш кўламини кенгайтиришни тақозо қилади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА ТАШҚИ МУҲИТ ТАҲЛИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ф.М.Даминов – катта ўқитувчи (СамИСИ)
Ф.Ф.Даминов – ўқитувчи (ХТВ)
Г.Г.Жалилова – талаба (СамИСИ)

Ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнининг барча босқичларида банк фаолиятининг ташқи муҳитини таҳлилдан ўтказиш зарурий тадбирлардан бири ҳисобланади. Ташқи муҳитни тадқиқ этиш жараёни уч таркибий қисмни ўрганилишини тақозо қилади: ташқи муҳит, бевосита қамраб турувчи муҳит ва банкнинг ички муҳити.

Ташқи муҳит таҳлили шундай жараёнки, унинг ёрдамида стратегик режани шакллантирувчилар банкга нисбатан ташқи бўлган омилларни назорат қилишади. Ташқи муҳит таҳлили ўз таркибига иқтисодиёт, ҳуқуқий мувофиқлаштириш ва бошқариш, сиёсий жараёнлар, табиий муҳит ва ресурслар, жамиятнинг ижтимоий ва маданий жиҳатлари, жамиятнинг илмий-техник ва технологик тараққиёти, инфраструктура ва бошқаларнинг таъсирини ўрганишни олади. У жуда муҳим натижаларнинг олинишига ёрдам беради. У банкга имкониятларни башоратлаш, кўзда тутилмаган вазиятлар учун режаларни тузиш, эҳтимолий хатарларни тезкорлик бартараф қилиш тизимини яратиш ва хатарларни исталган имкониятларга айлантирувчи стратегияларни ишлаб чиқиш учун маълум вақтни беради.

Банкларнинг ташқи муҳитини тадқиқ қилиш учун одатда етти йўналиш белгилаб олинади: иқтисодиёт, сиёсат, бозор, технология, ҳуқуқий мувофиқлаштириш, халқаро вазият ва ижтимоий ҳолат.

Иқтисодий омиллар. Иқтисодиётнинг жорий ва башоратланаётган ҳолати ташкилот мақсадларига драматик таъсир ўтказиши мумкин. Иқтисодий ташқи муҳитнинг баъзи омиллари доимий тарзда диагностикадан ўтказилиши

ва баҳоланиб борилиши зарур. Макромуҳитнинг иқтисодий компонетлари таҳлили ресурслар қандай тарзда шаклланиши ва тақсимланиши юза бераётганлигини тушуниш имкониятини беради. Иқтисодиётнинг ўрганилиши бир қатор кўрсаткичлар таҳлилининг ўтказилишини назарда тутади: ЯИМ ҳажми, инфляция суръатлари, ишсизлик даражаси, фоиз ставкалари, меҳнат унумдорлиги, солиқ ставкалари, тўлов баланси, жамғарма нормалари ва х.к. лар. Иқтисодий компонентларнинг ўрганилиши пайтида иқтисодий ривожланишнинг умумий даражаси, табиий ресурсларнинг мавжудлиги, иқлим, рақобат муносабатларининг даражаси ва тури, аҳоли структураси, ишчи кучининг малакаси ва иш ҳақи миқдори каби омилларга эътибор қаратиш жуда муҳимдир.

Сиёсий омиллар. Бу йўналишдаги таҳлил жамиятни ривожлантириш нуқтаи-назаридан давлат органларининг мақсадлари ва устуворликлари ҳамда давлат ўз сиёсатини амалга оширишда қўллайдиган воситалар тўғрисидаги аниқ тушунчанинг шаклланишига олиб келади.

Бозор омиллари. Беқарор бозор банк учун хатар жиддий ташвишларни яратувчи соҳадир. Бозор соҳасини таҳлил қилиш доирасида банкнинг муваффақияти ёки мағлубиятларига бевосита таъсир ўтказиши мумкин бўлган омиллар ўрганилади.

Технологик омиллар. Бу йўналишдаги таҳлил янги товар ва хизматларни ишлаб чиқиш ёки мавжудларини модернизациялаш учун фан томонидан очилаётган имкониятларни аниқлашга ёрдам беради.

Халқаро омиллар. Хатарлар ва имкониятлар хом-ашё материалларини олишдаги енгилликлар, хорижий картеллар фаолияти (масалан, ОПЕК), валюта курси ва инвестицион объект ёки бозор сифатида чиқадиган мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши ҳисобига пайдо бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий омиллар. Қонунлар ва ўзга норматив ҳужжатларнинг ўрганилиши, ҳуқуқий тизимнинг ҳолати.

Ижтимоий омиллар. Инсонларнинг меҳнатга ва турмуш сифатига бўлган муносабати, анъаналар ва диний қарашлар, демографик структура, қадриятлар, аҳолининг ўсиш суръатлари, таъли даражаси ва х.к.

Ташқи муҳит таҳлили ёрдамида банк ушбу муҳитда дуч келиниши мумкин бўлган хатарлар ва имкониятлар рўйхатини яратиши мумкин. Ташқи муҳит ҳолатини кузатишнинг энг кенг тарқалган усуллари жумласига қуйидагилар киритилади:

- оммавий ахборот воситалари, китоблар ва ўзга информацион нашрларда чоп қилинган материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- профессионал конференцияларда иштирок этиш;
- ташкилот фаолияти тажрибасини таҳлил қилиш;
- ташкилот ходимлари фикрини ўрганиш;
- ташкилот ичида йиғилишлар ўтказиш ва фикр алмашувини ташкил қилиш.

Бевосита қамраб турувчи муҳит қуйидаги асосий компонентлар бўйича таҳлилдан ўтказилади:

- харидорлар;

- таъминотчилар;
- рақобатчилар;
- ишчи кучи бозори.

Харидорлар йўналишида уларнинг географик жойлашуви, демографик ва ижтимоий – психологик хусусиятлар, харидорларнинг махсулотга бўлган муносабати таҳлил қилинади. Харидорнинг савдо қилиш кучи маълумот эгалик даражаси, харид ҳажми, сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабатлар, бозорда ўхшаш (ўрнини босиши мумкин бўлган) махсулотларнинг мавжудлиги, харидорнинг ўзга сотувчига ўтиши учун сарфланиши мумкин бўлган вақт ва маблағ миқдори, шунингдек, унинг нархнинг ўзгаришига сезувчанлиги.

Таъминотчиларни баҳолаш пайтида етказилиб берилаётган товарнинг қиймати, сифат кафолати, шартнома шартларининг таъминочи томонидан сўзсиз бажарилишини ўрганиб чиқилиши таклиф қилинади. Таъминотчининг рақобат кучи қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таъминотчининг ихтисослашуви даражаси;
- ўзга мижозларни жалб қилиш қиймати;
- маълум ресурсларни харид қилишда харидорнинг ихтисослашуви даражаси;
- алоҳида олинган мижозлар билан ишлашга таъминотчининг концетрациялашуви;
- таъминотчи учун сотиш ҳажмининг муҳимлиги.

Рақобатчиларни таҳлил қилиш давомида (биринчи навбатда) уларнинг кучли ва кучсиз жиҳатлари аниқланади.

Ишчи кучи бозори таҳлили банк учун мақсадга мувофиқ меҳнат ресурслари мавжудлиги, уларни жалб қилиш имкониятлари ва бошқаларни аниқлашга қаратилади.

Ички муҳит таҳлили ўз мақсадларига эришиш жараёнидаги рақобат кураши пайтида ташкилот таяниши мумкин бўлган потенциалнинг очилишига йўналтирилади. Ички муҳит қуйидаги йўналишларда таҳлил қилинади:

- банк ходимлари, уларнинг потенциали, малакаси, қизиқишлари ва х.к.;
- бошқарувнинг ташкил қилиниши;
- ишлаб чиқариш, ташкилий, операцион ва техник – технологик омиллар ва илмий тадқиқотлар ва ишланмалар инобатга олинган ҳолда;
- банкнинг молиявий ресурслари;
- маркетинг;
- ташкилий маданият.

Хулоса сифатида эътироф этиш зарурки, ташқи муҳит таҳлили доимий равишда амалга оширилади ва шу асосда банкнинг жорий ва стратегик ҳолатининг баҳоланиши учун асос бўлувчи маълумотлар олинади.

BANK TIZIMINI RIVOJLANTIRISHDA HORIJ TAJRIBASI

Xudoyberdiyev N.U -SamISI, i.f.n.
Jo'rayev A.U-Samarqand Bank kolleji, o'qituvchisi
Uralov Sh.A - SamISI, talaba

Bugungi kunda mijozlar o'zlariga xizmat ko'rsatishning tanlovi va sifatiga nisbatan murakkablashib bormoqda. Hayot davomida mijozlar o'z talablarini bajarish uchun qo'lidan kelgancha harakat qilishadi. Bunda narsalar takomillashtirilgan yoki umumiy ehtiyojlarni qondiradigan joy bozor deb ataladi. Odamlarni takliflaringizdan xabardor qilish uchun ularni siz bilan engish uchun ilhomlantirishi va bularning barchasida o'z ehtiyojlarini qondirish uchun marketing deb atashlariga ruhsat berishga harakat qilishdir. Bank sohasi yaxshilanganidan so'ng, marketing moliya xizmatida yanada kengroq funksional vazifa sifatida belgilandi. Banklar sifatida moliyaviy institutlar operatsion muhitda tezkor o'zgarishlar qildilar. Bank mahsulotlari marketingi juda murakkab masalaga aylandi, chunki u iqtisodiyot, sotsiologiya, psixologiya va marketing bo'yicha muhim g'oyalarni o'z ichiga oladi. Marketingda, shaxsiy tanlovi va bank mahsulotlarini samarali marketingini intonasiya qilish mijozning ehtiyojlarini qondirish uchun muntazam va professional taktikada yotadi.Bangladeshning bank sektori mamlakat iqtisodiyotiga katta hissa qo'shgan asosiy moliyaviy sektorlardan biri. Bank sohasi ko'plab guruhlar qatoriga kiradi. Mulkchilikka ko'ra, banklar davlatning tijorat banklari, ixtisoslashgan banklar, xususiy tijorat banklari va ko'p millatli banklar kabi to'rtta asosiy toifaga bo'linishi mumkin. Tijorat bank sektori Bangladeshning moliyaviy sektorida muhim rol o'ynaydi. Bangladeshdagi o'rtacha banklar iqtisodimizda 3.28% ni tashkil qiladi. Bangladesh Markaziy banki - Bangladesh banki va moliyaviy sektorning asosiy tartibga solish organi. Bangladeshda 55 ta davlat, xususiy, xorijiy va banklarga ixtisoslashgan banklar mavjud. Bank sektori 31 ta tijorat banklari, 4 ta davlat tijorat banklari, 10 ta ixtisoslashgan banklar va 10 tijorat banklaridan iborat.

Tadqiqning maqsadi:

Maqsad - istalgan tadqiqot yoki ish yoki hisobotga erishishning istalgan darajasi. Har bir ishda aniq maqsadlar bo'lishi kerak.

• Bangladesh bank sektorida bank operatsiyalarining qanday amalga oshirilganligini bilish.
• Bank xodimlarining topshiriqlarini, vakolatlarini va majburiyatlarini tushunish.
• Milliy Kredit va Savdo Banki Limited (NCCBL) umumiy bank tizimini bilish.
• Bangladesh banklarining valyuta (valyuta) faoliyati to'g'risida tushunish.
• Milliy Kredit va Savdo Bank Limitedning hozirgi marketing strategiyasiga rioya qilish va faoliyatni baholash.
• Amaliy sohada nazariy bilimlarni qo'llash.
• Kundalik bank operatsiyalarining nazariyasi va amaliyoti o'rtasida ko'prikni yaratish.
• Bangladeshda NCC Bank Ltd. Kompaniyasining xizmat doirasini aniqlash.

• Bangladeshda NCC Bank xizmatlarini dunyoning boshqa davlatlari kabi talablarini aniqlash.
• NCC Bank Ltd professional axloq kodeksini topish.
• NCC Bank Ltd. Xodimlari va mijozlari tomonidan taqdim etilgan qoidalar va qoidalarni bilib olish.
• NCC Bank Ltd. orqali bankning umumiy faoliyatini aniqlash.

Muammo bayonoti: Banklar tobora ko'proq o'z mamlakatlari tashqarisida raqobatlashmoqda va operatsion muhitlar odatda moliyaviy bozorlar hamda kredit xavfi nuqtai nazaridan mamlakatlar o'rtasida keskin farq qiladi. Ko'p o'lchovli miqdordagi yangi iste'mol mahsulotlari uchun yangi g'oyalar yaratish uchun foydalaniladigan keng miqyosli marketing tadqiqotlari kabi zamonaviy marketing tadqiqotlari yangi bank mahsuloti g'oyalarini yaratish uchun keng qo'llanilmadi. Yaxshilangan taxminlarga ko'ra, yaxshilangan ehtiyojni izlash uchun kamida talab qilingan talab mavjud. Bu asosan bank mahsulotlari marketingiga bog'liq. Lekin ba'zan banklar mahsulotlarini to'g'ri tarzda sotishmaydi. Bangladeshdagi mahalliy banklar muhim bankni rivojlantirishga qaramay, ko'plab sohalarda kapitallashuv, chet el tarmog'i, zamonaviy boshqaruv tajribasi, texnologik taraqqiyot va boshqalar bilan taqqoslaganda ko'plab sohalarda orqada qolmoqda. Bu xizmat sifati va mahsulotning nisbatan kamligi mahalliy banklar tomonidan mijozlarga etkazib berish sifati. Mahalliy banklarning menejmentlari daromadni oshirish uchun ijobiy holatni shakllantirish uchun hozirgi vaqtda yaxshi xizmat ko'rsatish sifatiga diqqatni tortmoqda. Replikatsiya bank mahsulotlari marketingida muhim strategik rol o'ynaydi. Bank mahsulotlarini mijozlarga sotish bugungi arzon bank sektorining erishish va mavjudligi uchun muhimdir. Shuning uchun Bangladeshdagi istalgan bank uchun mijozlarning ehtiyojlarini tushunish va mahsulotlarini sotish muhimdir.

TIJORAT BANKLARDA BERILADIGAN KREDITLARNI MUAMMOLI KREDITLARGA AYLANMASLIGI UCHUN KREDIT SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISH YO‘LLARI

Urazov S.Sh., - SamISI o‘qituvchisi
Axmedov J.N., - SamISI o‘qituvchisi

Bugungi kunda jamiyatning barcha sohasida, jumladan iqtisodiyotda ham tub o`zgarishlar yuz bermoqda, xalq xo`jaligining barcha sohalarida amalga oshirilgan tarkibiy islohotlar natijasida bozor iqtisodiyotining poydevori yaratildi. Iqtisodiyotning yetakchi tarmog’i bo`lmish bank tizimida tarkibiy o`zgarishlar, ayniqsa, jadal kechmoqda.

Muntazam iqtisodiy o`sishga erishish uchun iqtisodiyotning real sektorini mablag’lar bilan ta`minlash, investitsion jarayonlarini yanada tezlashtirish korxonalarni texnik jihatdan qayta jihozlash va modernizatsiyalashni moliyaviy mablag’lar bilan ta`minlash to`lovlarni tezkor amalga oshirishda bank tizimini o`ziga xos o`rni borligini e`tirof etish lozim. Iqtisodiy o`sishni ta`minlashda bank tizimini o`rni beqiyos, buning uchun albatta, uni yanada erkinlashtirish va kredit siyosatini isloh qilishni chuqurlashtirish muhim ahamiyat kasb etadi. Izchil pul-kredit siyosatini

o`tkazish orqali iqtisodiyotni tarkibiy o`zgarish va inflyatsiya darajasini yanada pasaytirishga ijobiy ta`sir ko`rsatish, bank tizimiga bo`lgan ishonchini mustahkamlash, bozorda sog'lom va erkin raqobatni kuchaytirish bu islohatlarni tub mohiyati va mazmunini tashkil qilish kerak.

Bugungi kunda bank tizimidagi eng asosiy muammo-ular kapitalining asosiy qismi, ya'ni, 83 foizi davlatga tegishli ekanidir. Bu, o'z navbatida, bank sektorida sog'lom raqobatga to'siq bo'lib, xizmat ko'rsatish sifatiga salbiy ta'sir qilmoqda[40].

Bunda bank tizimiga xususiy va xorijiy kapital kirib kelishi hisobidan biz davlat banklari ulushini bosqichma-bosqich kamaytirib boramiz. Bu esa sohada raqobat muhitini yaxshilashga, tijorat banklari faoliyatini, kreditlash sifati va madaniyatini har tomonlama oshirishga xizmat qiladi.

Bugungi kunda respublikamizda 29 ta tijorat banklari va ularning bo`limlari faoliyat ko`rsatmoqda. Shulardan 5 ta bank davlat, 13 ta bank davlat aksiyadorlik tijorat banki, 6 ta bank xususiy, 5 ta chet el kaptitali ishtirokidagi banklar faoliyat ko'rsatmoqda[41].

Respublika kichik biznes va tadbirkorlik sub`ektlarini qo`llab-quvvatlash hamda ularni rivojlanishi uchun barcha shart-sharoitlar domiy ravishda rag'batlantirish va iqtisodiy jihatdan qo`llab-quvvatlash maqsadida, ularga turli xil soliqlardan ozod qilish hamda imtiyozli foiz stavkalarini qo`llagan xolda bank kreditining foydalanish imkoniyatlari berilgan. Shu jumladan tijorat banklari faoliyatining asosiy yo`nalishi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub`ektlariga kredit berish bilan bog'liqdir. Shu sabab ular faoliyatining moliyaviy barqarorligi ko`p jihatdan kredit siyosati to`g'ri va oqilona amalga oshirilishini taqozo etadi, shu boisdan **tijorat banklari kreditlash amaliyotini chuqur tahlil etish muhim amaliy ahamyatga egadir**.

Respublikamiz bank amaliyotida kreditlash shakllaridan keng foydalanish mijozlarni kreditga bo`lgan ehtiyojini to`laroq qondirishga banklarning kredit operatsiyalari ko`lamini kengaytirishga kredit riskini ma`lum darajada minimallashtirishga va nihoyat banklarning kredit operatsiyalaridan oladigan daromadlari oshishiga olib keladi. Qonuniy-huquqiy bazani yanada rivojlantirib banklarda bu masalada erkinliklar berishi lozim, kredit ta`minoti sifatida garovga qo`yilgan mulk kredit oluvchining hamda uning oila a`zolari ishtirokida natorus shartnomasi asosida rasmiylashtiriladi. Shunday bo`lsada, kreditning to`lov muddati o`tgach mulk egasi kreditni qaytarish uchun mulkini o`z xohishi bilan bank ixtiyoriga berishdan bosh tortadi. Bu esa o`z-o`zidan muammolar yanada ortadi hamda "muammoli kreditlar" yoki "sud jarayonidagi ssudalar" hisob raqamida banklarning summalari ko`payishiga daromad keltiruvchi bank aktivlarining chetga tortilishiga olib keladi.

Bugungi kunda tijorat banklari kredit portfelining ma`lum bir qismini muammoli kreditlar bo`yicha ixtiyoriy yo`qotishlarni oldini olish maqsadida tijorat

[40] 2018 yil 29 dekabrdagi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojatnomasi www.lex.uz

[41] **www.cbu.uz**

banklarining kredit portfeli doimiy ravishda tasniflanib boriladi. Kreditlarni tavakkalchilik darajasiga ko`ra 5 turga ya`ni;

1. Yaxshi kredit;
2. Standart kredit;
3. Substandart kredit;
4. Shubhali kredit;
5. Umidsiz kredit turlari bo'yicha tasniflash mumkin[42].

Yaxshi kredit-qarzdorlarning moliyaviy ahvoli barqaror rentabellik darajasi yuqori debitorlik qarzlari, qisqa muddatlarda undiriladi garovga qo`yilgan mulki tez sotilishi mumkin. Mijozning moliyaviy holati kredit uchun foizlarni ham to`lash uchun yetarli mazkur kreditlar bo`yicha bankning zarar ko`rish ehtimoli juda ham past darajada bo`ladi.

Standart kreditlar-qaytarish muddati yoki foizlarini to`lash ba`zi paytlarda 30 kungacha kechikib ketgan yoki qaytarish muddati bir martadan uzaytirilgan, qarzdorning moliyaviy ahvolining yomonlashuv tendensiyasi ehtimoli bor. Standart kreditlar bo`yicha qarzlarni 10 % ga undirolmay qoladi, deb hisoblanadi.

Substandart kredit-qaytarilishini qiyinlashtiradigan belgilarga ega bo`ladi. Bu kreditni, barqaror moliyaviy ahvoli va to`lov qobiliyati bilan himoyalanmagan qaytarilishi birlamchi manbalarga yetarli darajaga ega emas. Shuning uchun bank garovidagi mulkni sotish yoki boshqa yo`llarni qidirishi lozim. Garov xujjatlarini yetarli bo`lmasligi bu ishni qiyinlashtirib qo`yishi mumkin. Qaytarish muddati yoki foizlarini to`lash ba`zi paytlarda 60 kungacha kechikib ketgan

Shubhali kreditlarga-90 kundan ortiq muddatda harakatsiz va to`lanmay kelayotgan foizlar ham kiritiladi. Ulardan 50 % undirilmay qoladi,deb hisoblanadi.

Umidsiz yoki zararli kredit-qaytarilishi iloji bo`lmagan aktivlardir. Bu aktivlarni amaldan tugatish qiymati juda ham past. 365 kun va undan ortiq muddat ichida harakatsiz aktivlar va to`lanmagan foizlar zarar sifatida baholanishi mumkin. Qarzni undirilish ehtimoli juda past bo`lganda ham bank uni aktivlarda va hisobga olib borishi mumkin.

Shubhali hamda umidsiz kredit deb tasniflangan kreditlar muammoli kreditlar deb qaraladi. Muammoli kreditlar tijorat banklari faoliyatiga salbiy tasir ko`satadi. Banklarning asosiy vazifasi, kredit berish o`rniga, kreditlarni o`z muddatida qaytaruvchanligini ta`minlashdangina iborat bo`lib qolmoqda. Chunki muammoli kreditlar tijorat banklarining foyda olib keladigan aktivlarini kamaytiradi. Bu esa o`z navbatida bankning istiqlol rejasi ko`rsatgichlariga erisha olmasligidan dalolat beradi.

Yuqoridagilarni dolzarbligini hisobga olgan holda ilmiy maqola tijorat banklarida beriladigan kreditlarni muammoli kreditlarga aylanmasligi uchun kredit siyosatini takomillashtirish yo`llari mavzu asosida bajarilgan. Ilmiy maqolaning asosiy maqsadi muammoli kreditlarni yuzaga kelmasligi uchun kredit resurslaridan samarali foydalanish va kichik va o`rta biznesni rivojlantirishda

[42] Abdullayev Yo., Qoraliyev T., Toshmurodov Sh., Abdullayeva S. bank ishi. o'quv qo'llanma-t.: "iqtisod-moliya", 2010-yil, -127-129 betlar.

kredit ta`minotidan keng maqsadli foydalinish samaradorligini oshirish yo`llarini nazariy jihatdan asoslab berishdir.

Ushbu maqsadda qo'yidagi vazifalarni amalga oshirish belgilangan;

-kredit muddatini uzaytirish choralarini ko`rish;

-qo`shimcha ravishda ta`minot talab qilish;

-garov sifatida qo`yilgan mulk yoki uchinchi shaxs kaflligi bo`yicha kreditni qaytarish choralarini ko`rish va kreditni boshqa bankga sotish

-korxona rahbariyatiga mavjud muammoni hal etish bo`yicha konsalting xizmatlarini taklif etish;

-korxonaning bo`sh turgan aktivlari mol-mulklarni sotish, debitorlik qarzlari mavjud bo`lgan tarzda ularni undirish evaziga muammoni hal etish kabi vazifalar amalga oshiriladi.

Mamlakatimiz real sek`tori korxonalarini kreditlash hamisha bank siyosatining bosh yo`nalishi bo`lib kelgan va hozir ham shunday bo`lib qolmoqda. Bank an`anaviy tarzda kreditlash sohasida oqilona siyosatni yuritmoqda. Qo`llanilayotgan amaliyot qarz oluvchining moliyaviy ahvolini, kredit tarixini bilishga, uning oldidagi muammolarni, xo`jalik faoliyati manfaatlarini, maqsadlari va strategiyasini tushinishga, xatarlarning ob`ektiv va sub`ektiv baholari orasidagi nisbatini aniqlashga asoslanadi.

Muammoli kreditlarni yuzaga kelmasligi uchun bank qarzdorlari ahvoli ustidan doimiy nazoratni olib borish, mobaynida kredit portfeli sifatini tahlili etib borishi, ya`ni korxona bir kredit bo`yicha tavakkalchilik darajasini muntazam aniqlab borishi lozim.

Ushbu muammoli kreditlarni bartaraf yetish masalalari bo`yicha respublikamizda tegishli qonuniy hujjatlar qabul qilingan. Biroq, bu masala yuzasidan muammolar hali ham mavjud.

Mamlakatimiz real sek`tori korxonalarini kreditlash hamisha bank siyosatining bosh yo`nalishi bo`lib kelgan va hozir ham shunday bo`lib qolmoqda. Qo`llanilayotgan amaliyot qarz oluvchining moliyaviy ahvolini, kredit tarixini bilishga, uning oldidagi muammolarni, xo`jalik faoliyati manfaatlarini, maqsadlari va strategiyasini tushinishga, xatarlarning ob`ektiv va sub`ektiv baholari orasidagi nisbatini aniqlashga asoslanadi.

Banklar tomonidan beriladigan kreditlarni muammoli kreditlarga aylanmasligiga ta`minlash maqsadida quyidagi taklif va mulohazalarni keltiramiz;

- kredit uchun kelib tushgan ariza bo`yicha atroflicha yondashuv ya`ni dastlabki monitoringni to`g'ri va mukammal amalga oshirish Bu yerga birinchi navbatda mijozning harakteriga, uning moliyaviy ahvoliga, biznes hamkorlari o`rtasidagi mavqeiga hamda ushbu sohadagi tajribasiga e`tibor berish;
- kredit arizasi ko`rib chiqilayotgan davrda uning bankka taqdim etayotgan xujjatlar to`plamini to`liqligini ta`minlash, ularni to`g'riligini tekshirish talab etiladi. Kredit bo`limi xodimi tomonidan uning moliyaviy ahvoli chuqur tahlil etishi va xolisona baho berilishi kerak;
- kredit ajratilgan davrdan boshlab mijozning biznes-reja bo`yicha amalga oshirayotgan ishlarini, hisobraqamidagi mablag'lar aylanmasining doimiy ravishda nazorat qilib borish, mol yetkazib beruvchilar bilan hisoblashishlar, o`z muddatida

amalga oshirilishi, muddati o`tgan debitorlik-kreditorlik qarzdorliklariga yo`l qo`ymasliklari kerak.

- kreditorlik ta`minoti sifatida taqdim etilgan mol-mulkni saqlashni doimiy ravishda nazorat qilib borish;
- kredit ta`minoti sifatida uchinchi shaxsning kafillik shartnomasi taqdim etilgan bo`lsa, kafilning moliyaviy hisobotlarini chorakda bir marotaba tahlil qilib, uning to`lov qobiliyatini o`rganib borishi kerak.
- korxonaning mol-mulkini baholashda bankning mulkni baholash bo`yicha mutaxxasisiga ko`proq imkoniyatlar yaratib berish, chunki mijoz, pullik baholash xizmatidan foydalanadigan bo`lsa, uning kredit olguncha qiladigan xarajatlari ortib boradi. Yuqoridagi jarayonlarning barchasini amalga oshirish uchun kredit bo`limi xodimlaridan qat'iyatlilik hamda mas`uliyat talab etiladi Barcha amallar o`z vaqtida to`liq bajarilgan taqdirda kreditning "muammoli kreditlar"ga aylanishini oldini olgan bo`lamiz.

BANK FAOLIYATINI INNOVATSION BOSHQARISHDA YANGI TEXNOLOGIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISH

Narziyev N.T-SamISI "Xorijiy tillar" kafedrasi o'qituvchisi

Respublikamizda bank tizimini innovatsion shakllanishining ilk bosqichidanoq kompyuterlashtirish va yangi texnologiyalarni joriy etishga katta e'tibor berildi. Zamonaviy axborot texnologiyalaridan unumli foydalanish natijasida xo'jalik sub'ektlari o'rtasidagi har qanday to'lov aniq vaqtda amalga oshirilishi ta'minlandi. Axborot texnologiyalaridan bank tizimi faoliyatiga dadillik bilan tadbiq qilish, ular asosida mukammal dasturlar yaratish va bank xizmatlarini yo'lga qo'yishning mustahkam platformasi yaratildi. Ko'p o'tmay "Bank-Mijoz" dasturiy ta'minoti amaliyotga kiritildi. Bu esa milliy to'lov tizimini yangi texnika va texnologiyalardan foydalangan holda mijozlarga o'z ish joylaridan turib, kompyuter va elektron aloqa tizimi orqali ayrim bank operatsiyalarini amalga oshirish imkoniyatini yaratdi.

Hozirgi paytda respublikamiz bo'yicha qariyb 14,5 mingdan ziyod tadbirkorlik sub'ekti "Bank-Mijoz" dasturiy majmuasi xizmatlaridan foydalanib kelmoqda.

Bozor munosabatlari kengaya borgan sari tijorat banklari ham chakana operatsiyalarni rivojlantirish, mijozlarga taqdim etadigan xizmatlar turlarini ko'paytirish orqali o'z faoliyatini diversifikatsiya qila bordilar. Chunki banklar tomonidan zamonaviy axborot texnologiyalari yangi bank mahsulotlari paydo bo'lishining asosiy omili, binobarin, bank xizmatlari bozori rivojlanishiga sharoit yaratishi tushunib yetilgan edi.

Masofaviy bank xizmatlarini tadbiq qilishning turlaridan biri, bu bankomat va terminallar hisoblanadi. Foydalanishi qulay va sodda bo'lgan bankomat bugungi kunda mijoz va kassir o'rtasidagi an'anaviy muomalaga chek qo'yib, o'ziga xos kichik bank yoki ofis vazifasini bajarmoqda, desak mubolag'a qilmagan bo`lamiz. Hozirgi kunda bankomatlarda nafaqat naqd pul echib olish qulay va oson, balki ular orqali tovar va xizmatlar bo'yicha turli to'lovlarni amalga oshirish mumkinligi ham aholiga naqadar ulkan imkoniyatlar yaratdi. Shuni ta'kidlab o`tish joizki, mijozlarga qulay

shart-sharoit yaratish maqsadida bankomatlar yagona tarmoqqa ulangan bo'lib, mijozlar nafaqat o'z bankidan foydalanishi, balki boshqa banklar bankomatidan ham foydalanishi mumkin.

Bank plastik kartalari asosida naqd pulsiz hisob-kitoblar tizimini yanada rivojlantirish va uyg‘unlashtirish, xalqaro plastik kartalar standartlari, qoidalari va tartibotlari asosida ilg‘or yutuqlarni joriy qilish, yagona va unifikatsiyalangan infratuzilmani shakllantirish, bank plastik kartalarining funksional imkoniyatlarini kengaytirish maqsadida GLOB.UZ chakana to‘lovlar tizimi Xalq bankida joriy qilinmoqda.

Hozirgi kunda “PayMe” hamda “CLICK” tizimlari orqali kredit undirish tizimi yo‘lga qo‘yilmoqda.

Plastik kartochkalarga xizmat ko‘rsatishni yanada yaxshilash maqsadida, 2018 yil boshidan Xalq banki tomonidan yangi o‘rnatilgan terminallar 1 228 taga yoki 4,6%ga oshdi, natijada, bank terminallari soni 28 056 donaga yetkazildi.

Bundan tashqari, 84 dona infokiosk va 21 dona bankomatlardan mijozlarga samarali bank xizmati ko‘rsatib kelmoqda.

2017-yilning yanvar-iyul oylari davomida bank plastik kartalari hisobvaraqlariga 3 592,3 mlrd. so‘m miqdorida mablag‘lar kirim qilindi.

To‘lov terminallari orqali amalga oshirilgan to‘lovlar summasi 2016-yilning mos davriga nisbatan 926,6mlrd. so‘mga yoki 30,0 foizga oshib, 2017-yilning 1-avgust holatiga 3 998,9 mlrd. so‘mni tashkil qildi.

Xalq banki mijozlarga plastik kartochkalar orqali xizmat ko‘rsatishni kengaytirish bo‘yicha bir qator samarali ishlarni amalga oshirib kelmoqda. Qilingan ishlar samarasini qiyosiy tahlillarda ko‘radigan bo‘lsak, Yil boshidan plastik kartochkalar soni 241,5 ming donaga ko‘payib, 3 mln.734mingtaga yetkazildi.

Aytib o'tish o'rinliki, ayni yo'nalish jahon bank tizimi va uning ajralmas tarkibiy qismi bo'lgan milliy bank tizimining ustivor yo'nalishilaridan biriga aylandi. Banklar Internet imkoniyatlaridan samarali foydalanish maqsadida yangi chakana xizmatlarni taqdim etib, mijozlarga qator qulayliklar yaratmoqda. Hozirgi paytda mamlakatimizning barcha banklari Internet-banking (e-banking yoki Internet-banking) dasturi imkoniyatlarini to'liq safarbar etish choralarini ko'rmoqdalar.

Ayni paytda barcha tijorat banklari Internet tarmog'ida o'zlarining websaytlarini ochib, ularda bank faoliyati, yangi xizmat turlari va shartlari va mijozlar manfaatiga tegishli ma'lumotlar bilan muntazam boyitib borilmoqda.

Aholi o'rtasida mobil telefonlardan foydalanishning kengayib borishi banklar tomonidan mobil-banking (wap-banking) va sms-banking xizmatlari yo'lga qo'yilishiga olib keldi. Hozirgi paytda 10 mingdan oshiq mijozlar ayni xizmat turlaridan foydalanmoqda. Yil oxirigacha zamonaviy texnologiyalar asosida bank xizmatlaridan foydalanuvchilar sonini 100 mingtadan oshirish ko'zda tutilmoqda.

Matbuot anjumani chog'ida jurnalistlarga axborot texnologiyalarining innovatsion yutuqlariga asoslangan yangi bank xizmatlarining amaliyotga qo'llanilishi namoyish etildi.

Tijorat banki (xususiylashtirilgan yoki yaqinda tashkil etilgan) o’zining asosiy vazifalarini rivojlanayotgan muhitning beqarorligini hisobga olgan holda belgilashi kerak. Bunda innovatsion faoliyatning ustivor yo’nalishlar qilib, quyidagilar olinadi:

1. Bankning mijozlar bilan mavjud bo’lgan aloqalari va bu mijozlarga xizmat ko’rsatish tajribasi.

2. Bevosita geografik muhitning iqtisodiy tuzilmasi.

3. Mavjud bank raqobati (raqobatli muhitda xizmat ko’rsatilgan sohalar va tarmoqlarni belgilash).

4. Bank xususiy sarmoyasi, depozitlarining hajmi va tuzilishi.

5. Iqtisodiyotning turli sohalrida yuzaga kelishi muhim bo’lgan daromadlilik.

6. Bank xodimlarining boshqaruvchilik va texnik omilkorligi.

Bank geografik bozorlari ob'ektlarini belgilovchi omillar:

1. Bevosita tijorat, moliya va sanoat muxitini mikyosi va tuzilishi.

2. Mintakaviy va milliy joylashishidan kelib chiqib boshqarish maqsadlari (bozoni geografik jihatdan bo’lib olish maqsadlari).

3. Geografik printsiplarga rioya qilishga ehtiyoj va xohish hamda ehtimoldagi mijozlarni ko’paytirishga intilish.

4. Xodimlarning omilkorligi bilan bog’liq cheklovlar.

Har qanday menejmentning tadbirkorlik xususiyati va mulkchilik turidan qat'iy nazar eng muhim ikki vazifasi mavjud:

a) mukammal va samarador tashkiliy tuzilmani tashkil etish va undan foydalanish;

b) qaror qabul qilish jarayonini amalga oshirish uchun zarur bo’lgan ichki nazorat tizimini yaratish.

Yangi innovatsion iqtisodiy va tadbirkorlik muhitida muvaffaqiyatli faoliyat ko’rsatish uchun menejment mehnat resurslarini boshqarish bo’yicha departament tashkil etishga munosib e'tibor berishi zarur.

Shu ma'noda o’rta bo’g’in xodimlarining texnik ko’nikmalarini takomillashtirish bo’yicha majburiy tarzda muntazam kurslarni, menejmentning o’rta va yuqori darajasi uchun seminarlar va konferentsiyalarni o’z ichiga oluvchi dasturlarni rejalashtirish bankning samarali faoliyati uchun zarur hisoblanadi. Yirik banklarda bu departamentning ahamiyatini hisobga olgan holda uning menejeri bank boshqaruvchilari kengashining to’la huquqli a'zosi hisoblanadi.

Banklarning innovatsion faoliyatidagi maqsadlarni belgilash, ularni amalga oshirishning borishini doimiy baholash menejmentning muhim vazifalaridan hisoblanadi. Rahbarlar bank ishining tashkil etish holati haqida yaxshi xabardor bo’lganida tavakkalchilik darajasi uning barcha shakllarida eng past darajaga yetadi.

ТИЖОРАТ БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Б.Хонтўраев- ТДИУ ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари
ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказининг
кичик илмий ходими

Замонавий иқтисодиётнинг ривожланиш кўрсаткичи рақобатбардош молия-кредит тизими ҳисобланади. Ушбу тизимнинг асоси - бу молиявий

воситаларни қайта тақсимлайдиган молия институтлари бўлиб, ушбу муассасалардан бири тижорат банкларидир.

Бевосита банк тизими, бир томондан, иқтисодиётнинг молиявий базасини ташкил этади, иккинчидан эса, иқтисодиётнинг барча соҳаларида бошқарувнинг самарадорлигини намойиш етади.

Давлатнинг банк тизими муҳим иқтисодий ва ижтимоий функцияларга эга бўлиб, бундай тизимнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги иқтисодиётнинг ривожланишини сезиларли даражада сусайтиради ва ҳар қандай мамлакат учун жиддий инқирозларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабли давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан ***"Энг муҳими, бугунги кунда мамлакатимиздаги тижорат банклари энг замонавий хизматларни кўрсатиб, ҳар бир мижознинг кўнглига йўл топа оладиган, уни ўзига жалб этиш учун рақобат қилиш салоҳиятига эга бўлиши керак"***[43]лигини, банк-молия тизимини расмиятчилик билан, юзаки ислоҳ қилиш амалиётига чек қўйиб, тизимни замонавий услублар асосида ишлайдиган соҳага айлантириш вазифаси ўртага қўйилди.

Банк тизими умумий пул-кредит механизми доирасида фаолият кўрсатувчи молиявий воситачилар мажмуаси сифатида қаралади. Бу молиявий битимлар рўйхатини тартибга солувчи, бирлаштирилган, яхлит, бир-бирига боғланган ва ўзаро таъсир қиладиган кредит ташкилотларининг тўпламидир, натижада банк хизматларига бўлган умумий талаб тўлиқ қондирилади ва натижада юқори даражада ишлаш мумкин бўлади. Банк сектори нафақат мамлакатнинг иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнайди, чунки у ишончнинг иқтисодий жиҳатларига оид далилларнинг асосий элементи бўлиб, ҳизмат қилади[44].

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида банк тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг дастлабки натижалари банк фаолиятининг фундаментал асосларини шакллантириш ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўртасида маълум узилишлар мавжудлигидан далолат бермоқда. Мазкур ҳолат биринчи навбатда, банк тизимининг яқин ва узоқ истиқболдаги ҳолатини белгилаб берувчи стратегик ривожланиш дастурлари ва йўналишларига таъаллуқлидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[45]: ***"Банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий этиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш йўналишида 2018-2019 йилларга мўлжалланган банк фаолиятини янада такомиллаштириш"*** бўйича чора-тадбирлар зарурлиги қайд этилган.

---

[43] http://www.uza.uz

[44] Глушкова, Н.Б. Банковское дело [Текст] : учеб. пособие для вузов / Н.Б. Глушкова. - Москва : Академический проект, 2007. – 8-10 с.

[45]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Фзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947 сонли Фармонининг 8 иловаси 121 банди.

Шунинг учун тижорат банклар фаолиятини бахолашда халқаро тажрибадан фойдаланиш мамлакатимиз банк тизимини такомиллаштиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Банкнинг иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан унинг фаолиятининг молиявий натижалари, банк томонидан қабул қилинадиган таваккалчилик даражаси, унинг ликвидлиги ва рентабеллиги билан боғлиқ.

Тижорат банклар фаолиятини бахолашда банклар **IFRS - International Financial Reporting Standards**[46] (Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари) - бўйича банкнинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ўлчайдиган **CAMELS**[47] америка моделидан фойдаланадилар.

Ҳозирги кунда **CAMELS** моделидан фойдаланган ҳолда тижорат банкларининг самарадорлигини баҳолаш тобора муҳим ва долзарб бўлиб келмоқда. **CAMELS** модели АҚШ банкларини баҳолайдиган рейтинг тизими бўлиб, 1978 йилда Федерал Резерв тизими томонидан ишлаб чиқилган. **CAMELS** модели (тоифаларнинг ҳар бирида 1 (энг яхши) дан 5 (энг ёмони) гача берилади) тижорат банкининг самарадорлигини баҳолаш учун ишлатиллади, у банкнинг ва бошқа манфаатдор томонларнинг ички бошқаруви учун фойдалидир. Ушбу модел олтита элементдан иборат:

1-Жадвал[48].

C A M E L S	**C A M E L S:**
(C)**apital adequacy**	C - капиталнинг етарлилиги;
(A)**ssets**	A - актив сифати;
(M)**anagement Capability**	M - менеджмент;
(E)**arnings**	E - даромадлар;
(L)**iquidity**	L - ликвидлиги;
(S)**ensitivity**	S - сезувчанлик.

Сармоялаш етарлилиги ташкилотнинг рискларни ҳисобга олган ҳолда аниқ активларни баҳолаш талабларига мувофиқлигини англатади. Банклар фоиз ва дивидендларни тўлаш нормалари ва амалиётига риоя қилишлари керак. Ушбу омиллар банкнинг меьёрий ҳужжатларга нисбатан қандай ишлашини акс эттириши биланоқ, уни самарадорлик ва рентабеллик омили сифатида ҳам кўриш мумкин.

Активларнинг кўплиги ва сифати таваккалчилик юз берганда компаниянинг барқарорлигини кўрсатади. У ташкилотнинг кредитлари сифатини қамраб олади ва бу даромаднинг асосий манбаларига тегишли бўлади. Самарали нуқтаи назардан, активларнинг кўплиги ва сифати банк фаолиятининг самарадорлигини акс эттиради.

---

[46] IFRS Foundation, Who we are and what we do: The IFRS Foundation and the International Accounting Standards Board (PDF), archived from the original (PDF) on 17 May 2017, retrieved 18 May 2017.

[47] Рейтинги CELS или рейтинг Camels - это надзорная рейтинговая система, первоначально разработанная в США для классификации общего состояния банка. Он применяется к каждому банку и кредитному союзу в США (приблизительно 8 000 учреждений), а также внедряется за пределами США различными регуляторами банковского надзора.

[48] Муаллиф тамонидан изоҳ

2-ЖАДВАЛ. (БАНК АКТИВЛАРИ БЎЙИЧА ТРИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ. 2018 ЙИЛ)[49]

БАНК	МАМЛАКАТ НОМИ	ЖАМИ АКТИВЛАР	Ўрни
INDUSTRIAL & COMMERCIAL BANK OF CHINA	ХИТОЙ	4,005.58	1
CHINA CONSTRUCTION BANK CORP	ХИТОЙ	3,397.13	2
AGRICULTURAL BANK OF CHINA	ХИТОЙ	3.232.68	3
BANK OF CHINA	ХИТОЙ	2,989.16	4
MITSUBISHI UFJ FINANCIAL GROUP	ЯПОНИЯ	2,773.82	5
JPMORGAN CHASE & CO	АҚШ	2,533.60	6
HSBC HOLDINGS	БУЮК БРИТАНИЯ	2,521.77	7
BNP PARIBAS	ФРАНЦИЯ	2,348.11	8
BANK OF AMERICA	АҚШ	2,281.23	9
CHINA DEVELOPMENT BANK	ХИТОЙ	2,201.86	10
CREDIT AGRICOLE GROUP	ФРАНЦИЯ	2,112.04	11
WELLS FARGO	АҚШ	1.951.76	12
JAPAN POST BANK	ЯПОНИЯ	1,873.50	13
MIZUHO FINANCIAL GROUP	ЯПОНИЯ	1,850.10	14
SUMITOMO MITSUI FINANCIAL GROUP	ЯПОНИЯ	1,847.47	15
CITIGROUP INC	АҚШ	1,843,06	16
DEUTSCHE BANK	ГЕРМАНИЯ	1.766.85	17
BANCO SANTANDER	ИСПАНИЯ	1,730.08	18
BARCLAYS PLC	БУЮК БРИТАНИЯ	1,528.89	19
SOCIETE GENERALE	ФРАНЦИЯ	1,527.43	20

Юқоридаги жадвалда жами активлар бўйича дунёдаги энг кучли банклар рўйхати келтирилган. Хитойнинг саноат ва тижорат банки (ISBS-INDUSTRIAL & COMMERCIAL BANK OF CHINA) дунёдаги энг кучли банк бўлиб, унинг активлари 26.087 триллион юан (4 триллион АҚШ доллари) ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, у дунёдаги энг йирик банк бўлиб, омонатлар, кредитлар, мижозлар ва ишчилар сони бўйича етакчилик қилмоқда. Хозирги кунда дунёда энг йирик банклардан тўрттаси Хитой молия институтлари ҳисобланади.

Биринчи ўнталикка эга банкларнинг жами активлари 28 трлн долларни ташкил қилмоқда. “**Banks around the World**”[50] хабарига кўра дунёда энг кўп

[49] https://www.relbanks.com

активлар 100 та банк таркибига 20 та хитойлик банк, 10 та АҚШ банки, 6 та Буюк Британия банки, 6 та Франция банки, 9 та Япон банки, 6 та Германия банки, 5 та Канада банки, 5 та Жанубий Корея банки, 5 та Бразилия банки, 4 та Австралия банки, 3 та Италия банки, 3 та Испания банки, 3 та Голландия банки, 2 та Сингапур банки, 2 та Швейцария банклари кирган.

“Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами активлари 2018 йил 1 май ҳолатига кўра 179,67 трлн. сўмни ташкил этди. Банкларнинг активларининг номинал ўсиш суръати 2017 йилга нисбатан 93,4% ни ташкил этди. Активлар ҳажми бўйича Ўзбекистон Миллий банки (50,94 трлн. сўм), «Асака» банк (26,76 трлн. сўм) ва «Ўзсаноатқурилишбанк» (25,27 трлн. сўм), Ўзбекистон Миллий банки (5,37 трлн. сўм), «Асака» банки (3,13 трлн. сўм) ва «Ўзсаноатқурилишбанк» (2,27 трлн. сўм) ни ташкил қилган”[51].

Хулоса қиладиган бўлсак ҳозирги кунда Ўзбекистонда умуман банк тизимининг ишончлилиги, самарадорлиги, рентабелиги, барқарорлиги масалалари ва унинг рисклари – мамлакат учун тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Таклифлар:

1. Ўзбекистонда тижорат банклар фаолиятини бахолашда халқаро моделлардан фойдаланишнинг методларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.

2. Банкларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, тижорат банкларини янада акциялаштириш, банкларга раҳбарлик қилишда акциядорларнинг ролини ошириш йўли билан корпоратив бошқариш тизимини мустаҳкамлаш;

3. Банк тизимини институционал ривожлантириш, банкларнинг активлари, шу жумладан валюта активлари сифатини яхшилаш ҳисобига уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, банк ишини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш;

4. Тижорат банкларининг инвестиция жараёнларидаги ролини ошириш ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги тадбиркорлик тузилмаларининг кредит ресурслари, шу жумладан, халқаро молия ташкилотлари линияси бўйича кредит ресурслари олиши механизмини такомиллаштириш.

ПОТРЕБИТЕЛЬСКОЕ КРЕДИТОВАНИЕ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Л.Кудратуллаева- магистранта СамИЭС

Потребительское кредитование занимает особое место в общей банковской системе и играет немаловажную роль в современной рыночной экономике. Оно служит средством удовлетворения различных потребительских нужд населения и способствует выравниванию потребления групп населения с различным уровнем доходов.

[50] https://www.relbanks.com
[51] https://www.uzdaily.com

Актуальность данной темы заключается в том, что кредитование населения является одной из перспективных в сфере предоставляемых банком услуг, которая с каждым годом должна получать большее распространение и развитие.

Предметом исследования являются экономические отношения, возникающие в процессе потребительского кредитования.

Потребительский кредит существует в двух формах – прямой потребительский кредит (без посредничества торговых фирм, например, в виде кредитных карт, платежных карт); с поручительством торговых фирм (банк заключает договор с торговой фирмой о кредитовании ее покупателей, а фирма берет на себя поручительство по долговым обязательствам покупателей-заемщиков перед банком и заключает договор с покупателями об условиях кредита, погашаемого частями). Эти договоры передаются банку, который выплачивает фирме 80–90% суммы кредита, а остальную часть зачисляет на особый – блокированный счёт. Покупатель погашает кредит по частям; купленные им в кредит товары служат обеспечением платежа. В случае непогашения в срок кредита соответствующие суммы взыскиваются банком с блокированного счёта. То есть, часть общей суммы кредита – 10–12% – зачисленная банком на блокированный счет, является гарантией погашения кредита в срок.

В основном потребительские кредиты имеют следующую классификацию:

1. По направления использования (объектам кредитования):

– Кредиты на неотложные нужды;

– Овердрафт

– Под заклад ценных бумаг

– Автокредиты;

– Кредиты на строительство и приобретение жилья;

– Кредиты на платные услуги (медицина, туризм, образование);

– Кредиты на покупку товаров.

2. По субъектам кредитной сделки:

– Банковские потребительские кредиты;

– Кредиты, предоставляемые населению торговыми организациями;

– Потребительские ссуды кредитных учреждений небанковского типа (ломбардов, пунктов проката, пенсионных фондов);

– Потребительские ссуды, предоставляемые заемщикам непосредственно на предприятиях и в организациях, в которых они работают.

3. По срокам кредитования:

– До востребования;

– Срочные:

– Краткосрочные (до 1 года);

– Среднесрочные (от 1 до 3 – 5 лет);

– Долгосрочные (свыше 5 лет).

4. В зависимости от порядка предоставления:

– Кредиты, выданные наличными деньгами;

– Кредиты, выданные безналичным путем.

5. По способу предоставления:

– Одной суммой, т.е. в разовом порядке;

– В форме открытия кредитной линии (возобновляемой, не возобновляемой);

– Путем кредитования расчетного счета клиента (овердрафт).

6. По методу погашения:

– Погашаемые единовременно (на определенную дату, обычно в конце срока договора);

– С рассрочкой платежа (ежемесячно, ежеквартально и т.д.).

7. По методу взимания процентов:

– С удержанием процентов в момент предоставления ссуды;

– С уплатой процентов в момент погашения кредита;

– С уплатой процентов равными взносами на протяжении всего срока пользования.

8. По размерам кредиты бывают:

– Мелкие (менее 1% собственных средств банка);

– Средние (от 1 до 5% собственных средств банка;

– Крупные (более 5% собственных средств банка).

9. По степени риска:

– стандартные (без рисковые);

– нестандартные (умеренный уровень риска);

– сомнительные (средний уровень риска);

– проблемные (высокий уровень риска);

– безнадежные (практически безвозвратные).

10. В зависимости от обеспечения:

- обеспеченные;

- необеспеченные

В целом представленная выше классификация отражает многообразие потребительских ссуд, но не исчерпывает всех возможных критериев классификации, поэтому ее можно продолжить в зависимости от других признаков.

По данным предоставленным Самаркандским филиалом АКБ «Капиталбанк» в 2018 году наиболее пользовавшим спросом видов потребительского кредита являлся автокредит. Автокредитование является одним из наиболее популярных способов приобретения автомобиля. Общее количество выданных кредитов в 2018 году составило 1 658 на сумму 20 576 272 млн сум, что составляет 88,70% от общего кредитного портфеля.

Ипотечное кредитование – долгосрочный кредит, который предоставляется физическому лицу банками под залог недвижимости. Самаркандский филиал АКБ Капиталбанк за 2018 год выдал 32 ипотечных кредита на общую сумму 2 618 872 млн сум, что составляет 11,29% от общего кредитного портфеля.

Остальная часть кредитного портфеля составляют кредиты, выданные по постановлениям Президента РУз, кредиты на приобретение техники и мебели, овердрафты и микрозаймы.

Данные показывают, что среди населения спросом пользуемся автокредитование, как наиболее доступный способ приобретения автомобиля.

Увеличение спроса на кредитные продукты является безусловным плюсом, как для развития экономики страны, так и для самих банков. Но есть большие проблемы, которые связаны с чрезмерным ростом данного сегмента. Для банков всегда существует кредитный риск или риск невозврата заемных средств. Чем больше таких невозвратов, тем большие резервы должен создавать банк.

DEVELOPMENT OF INVESTMENT PROJECTS FINANCING AND MONITORING IN BANKS

Barakaeva D.K, Samarkand Institute of Economics and Service.
Abdukholikova F.A, Samarkand Institute of Economics and Service.

In the years since independence the country has taken a serious attention to the banking system and has developed a banking system in accordance with international standards. To date, the country has undergone major changes in its system of reform.

In this regard, it was noted by President Mirziyoev, "reforming the banking system, enhancing the capitalization of banks' capitalization, strengthening their financial stability and reliability, promising investment projects and lending to small businesses and entrepreneurship" which is a sign that politics is gaining momentum.

A robust and stable banking and financial system is of great importance in the development of the economy. We can not get rid of the "hidden economy" without increasing the confidence of the population and business entities in the banking system. It is necessary to pay special attention to the issues of effective and mutually beneficial cooperation between the banks and business entities in the implementation of the tasks for the development of the banking system in 2018.

At the same time, many countries of the world have been able to prevent such negative events in our country as the result of a wide range of external and internal factors in the banking system, resulting in the growth of credit and currency risks, deterioration of the financial condition of credit institutions, and the growth of the volume of loans classified as troublesome in their loan portfolio, stable functioning of the banking system is ensured.

In the economy of the Republic of Uzbekistan in 2016, 53.0% of the main source of financing for capital investment was enterprises and population's own funds, while the remaining 47.0% of total investments were attracted. To date, the share of enterprises and population's own capital in fixed capital has increased by 4.0 points compared to 2010. The share of state budget funds in total capital investments was 4.5%, down 1.1% compared to 2010, while the share of other sectors of the banking sector and other real sector loans decreased by 0.7% compared to the previous year.

This is accompanied by effective monetary policy and effective banking supervision, prudent policies to attract foreign capital, ensuring stability of the national currency, building on the banks' resource base mainly on internal sources, strict adherence to principles and guidelines for credit operations, and applying advanced risk management techniques was obtained.

The role and importance of banks in the development of commercial enterprises to increase their capital depend on the issues of direct lending and how this policy is implemented. The role of commercial banks in the provision of material well-being in the country is significant. The main reason is that the policy of lending to further increase the employment of the population and stimulate the production of consumer goods in our country and ensure the stability of domestic demand. Therefore it is worthwhile to mention the opinion of Russian scientist O.Lavrushin: banks are the "roots" of the economy, without which it is impossible to imagine a modern economic mechanism.

Measures taken in the banking system in the context of globalization of the economy are based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further increase the financial stability of commercial banks and their resource base development" dated May 6, 2015

In recent years, commercial banks have been expanding their investment activities. The investment loans allocated by commercial banks are primarily aimed at financing investment projects included in "State Programs for 2015-2019, primarily aimed at deepening structural transformations, modernization and diversification of the industrial branches of the economy, forming modern infrastructure".

In particular, by 2016, commercial banks issued 12.2 trillion soums to modernization, technical and technological re-equipment of enterprises.

(Figure 1).



Figure 1. Dynamics of investment loans of commercial banks of the Republic of Uzbekistan

Such indicators have had a significant impact on the effective monitoring of investment projects in banks. The main objective of the system of monitoring of investment projects implemented by banks is timely solution of the impediments to the planned data, which leads to the effectiveness of investment activity, analysis of

the reasons for this discrepancy and the development of proposals on normalization and increase of efficiency of investment activity.

Monitoring of investment projects is carried out not only for the process of its implementation, but also in the period of their financing. The significance of monitoring prior to the project financing is that it is better and more important than the project financing period. As a result of this, investors will have the opportunity to advance their project goals in advance. Monitoring of the project funding includes a number of tasks.



Picture 2. Monitoring of project financing

Throughout these stages, the project will ensure investment. In order to create such a situation it is necessary to thoroughly prepare all the aspects of the investment idea and develop a corresponding business plan (investment project). Such a project is in the interest of potential investors and shows that the research efforts have led to the creation of the results.

The advantages of this approach are evident in demonstrating and increasing the effectiveness of the cost of project preparation. It also allows you to identify and select the most promising and effective project. This ensures timely identification and rejection of unsupported projects and the prevention of unnecessary spending of large sums of money. This sort of project is always important. The most important starting point for investing in searching and selecting business ideas that are worthwhile to invest is. The reason is that this can ultimately be the basis for mobilizing investment funds. To do this, initial work on the project should be carefully conducted.

The higher the quality of the investment project, the smaller the cost of its evaluation. In designing a well-grounded summary, the focus is on the project implementing firm. If a firm is experienced and competent, it can provide a complete solution to the organizational and financial problems of the project. The most recent evaluation of the project is based on the technical, commercial, market, management, financial aspects of the analysis.

Bank institutions invest in financing investment projects and analyze the borrower's creditworthiness, control over the target use of the loan, ie project finance monitoring.

Currently, a common system of monitoring of all projects funded by the Republic of Uzbekistan is implemented. Each financing organization or credit

organization develops and operates on their own behavior based on their type and characteristics of activities.

That is why hundreds of projects are being funded annually in our country. These projects are funded by state budget funds, international credit lines (European Bank for Reconstruction and Development, Asian Development Bank, International Finance Corporation and other European banks), which are funded by off-budget funds, local banks, foreign and private investors, returns and a certain amount of benefits. Monitoring of projects is carried out by creditors, as well as suppliers of goods, in particular leasing, insurance companies and guarantee organizations, to identify, analyze and analyze the return of these funds.

In our opinion, in order to improve control over the use of investment banking loans it is advisable to implement the following measures:

1. A comprehensive approach to the loan application, that is, accurate and comprehensive implementation of initial control over the use of investment loans, first of all, attention should be paid to the nature of the client, his financial position, position of business partners and experience in this field.

2. Verify the completeness of the package of documents submitted to the bank during the period under review, verify their accuracy. An employee of a credit department should carefully review his financial situation and give an objective assessment.

3. From the moment of allocation of the loan, it is necessary to constantly monitor the client's business plan, funds circulation, timely execution of settlements with suppliers, take measures to prevent overdue accounts receivable.

4. It is desirable for a quarterly review of the financial statements of the guarantor and review its solvency, provided that the continuity of the maintenance of the property provided as a credit, as well as the guarantee of a third party as a loan, are appropriate.

In conclusion, it can be said that the banking system reform, its operation in line with world standards, and attracting and directing foreign and local investment to support the bank's projects will provide the future of banks. We hope that our suggestions and comments will help us to keep up with projects in banks.

БАНК ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ЎРНИ

Ф.Зубайдуллаев- Сам ИСИ и.ф.н., катта ўқитувчи
Б.Мамарасулов- Сам ИСИ магистранти

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект, айниқса, тижорат тузилиши иқтисодий тизимининг муайян инвестициялар субъекти бўлиб, жорий харажатларни шакллантириб, охир-оқибатда даромад олиш ва молиявий натижаларни олиш воситаси сифатида бўлиши керак. Бир-бири билан ўзаро боғлиқ элементлар мажмуи бўлиб, иктисодий бизнес тизими жиҳатдан таркибий диспозицияда кенгайтирилган икки кўринишда кўриб чиқиш мумкин.

Биз томондан ишлаб чиқилган стратегик бошқарувнинг молиявий-иқтисодий модели қуйидаги диаграммада кўрсатилган (1 - схема). Стратегик бошқарув ва унинг асосий қисми -режалаштиришни маҳаллий ва тармоқлараро корпоратив даражадаги стратегиялар, тармоқлар ва минтақалар ҳудудларидан технологик жиҳатдан мураккаб сифатида кўриш мумкин.

Маълумки, банк инвестиция стратегияси молиявий стратегиясининг қисми бўлиб ва унинг ишлаб чиқиш механизмига биринчи навбатда молиявий таҳлил ва қарорларни қабул қилишга стратегик ёндашиш нуқтаи назаридан эътиборимизни қаратишимиз лозим.

Аслида барча молиявий қарорлар "SOFIA"нинг (инглиз тилида) машҳур методологияси бўйича бешта асосий турга бўлиниши мумкин: стратегик қарорлар; операцион қарорлар; молиялаштириш қарорлари; инвестиция қарорлари; аналитик қарорлар. Инвестиция қарорлари банкнинг ҳаёт айланиш даври билан боғлиқ бўлган стратегик молиявий қарорлардан мустақил равишда амалга оширилмайди ва турли хил комплекс усуллардан фойдаланган ҳолда стратегик молиявий таҳлилга таянади.

Бундай таҳлилнинг замонавий усуллари орасида бизнеснинг ички ва бозор қийматини баҳолаш, барқарор ривожланиш модели, молиявий стратегик моделлар матрицаси, Дюпонт моделлари ва бошқалар кўзда тутилган. Бироқ, инвестиция стратегиялари нафақат молиявий стратегик режанинг бир қисми сифатида яратилади. Концептуал даражада улар бизнесни ривожлантириш стратегияси билан белгиланади ва стратегик ташаббуслар инвестицияларнинг катта қисмини шакллантиришни талаб қилади. Банкнинг инвестицион стратегиясига биноан, компаниянинг узоқ муддатли инвестицион фаолияти учун тузилган тизимли мажмуи, инвестицион қарорларни белгилаш, шаклланган молиявий стратегияга асосланган ҳолда тушуниш биз томондан таклиф этилади.

Молиявий стратегия инвестиция стратегиясининг ҳажми, тузилиши ва шаклига нисбатан ривожланиш стратегиясига нисбатан тартибга солиш функциясига эга. Стратегик ташаббуслар инвестиция стратегиясини янада аниқ ва конкрет яратишга имкон беради.





1 - схема. Банкнинг стратегик бошқаришини амалга ошириш.

Биз банкнинг инвестицион стратегияси ўзларининг молия блокидаги стратегияларнинг категориясига кирганини кўрдик. У стратегик ва тактика мамлакат даражасидаги ўзаро муносабатларнинг олдида турибди. Бундан ташқари, компаниянинг лойиҳа портфелини шакллантириш механизми бевосита инвестиция стратегиясига қаратилган ва режалаштириш жараёнида эълон қилинган стратегик ташаббусларни амалга оширишга хизмат қилади.

Инвестиция стратегияси асосан компаниянинг инвестицион фаолиятининг концептуал муҳитини белгилайди. Унинг асосий таркиби юқорида кўрсатилган олти функционал йўналиш шаклида кўрсатилади. Стратегик танловларни

бошқариш ва уни инвестицион компонентни режалаштиришдаги ўзгаришларни бир қатор процессуал элементлар ўз ичига олади.



2- схема. Инвестиция стратегиясини ошкор қилиш бўлимларининг таркиби

Инвестицион стратегияси мақсадларини шакллантириш босқичлари:

- Инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва мослаштириш.
- Инвестицион ресурслар тузилмасини таҳлил қилиш ва оптималлаштириш.
- Ички инвестиция тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш.
- Ташқи инвестиция муҳитида муносабатларни узоқ муддатли режалаштириш.

Инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тегишли даражадаги танланган бошқарув объектларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Стратегик бошқарувнинг қуйидаги объектлари анъанавий тарзда ажратилади:

- банкнинг ўзи ягона бизнес сифатида;
- кўпинча бизнес йўналишларига тўғри келадиган стратегик бизнес-бирликлари (СББ);
- стратегик инвестиция марказлари деб аталадиган инвестиция фаолият марказлари;

Банк - кредит ташкилоти доирасида стратегик бизнес бирликлари СББ бир нечта белгиларга эга. Улар орасида:

- маҳсулотлар ва хизматлар учун ягона бозор;
- технологик ва техник базасининг бир хиллиги;
- даромадлар учун молиявий масъулиятнинг ягона нуқтаси.

Инвестицион фаолият марказлари инвестицион тизимнинг энг дискрет элементлари ҳисобланади. Улар асосий ва қўллаб-қувватловчи жараёнларни амалга оширишда иштирок этувчи алоҳида бошқарувчи бўлинмалар ва бошқарувнинг функционал бўлинмалари бўлиши мумкин.

Молия менежменти ва бюджетни бошқариш тизимидан инвестиция фаолиятининг стратегик марказлари инвестицияларни бошлайдиган марказларга бўлинади ва инвестицион харажатлар келиб чиқадиган жойлар.

Банкнинг инвестиция стратегиясининг турлари режалаштириш асосида шаклланган инвестиция фаолиятининг стратегик мақсадлари ва танланган умумий корпоратив стратегиянинг нисбати билан белгиланади.

Инвестиция стратегияси уларни шакллантириш даврини инобатга олган ҳолда таснифланиши мумкин, лекин ҳозирги пайтда, иқтисодиётнинг ҳолати барқарор деб аталмайдиган бўлса, 5 йил ёки ундан ҳам кам эмас, балки уч йил муддат ҳақида гапириш керак.

Бизнинг таклифимиз, Инвестиция стратегияларининг самарадорлигининг сифат кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш лозим:

- Соғлом ва мувозанатли инвестиция мақсадлари.
- Инвестициявий сиёсатнинг мувофиқлиги ва синхронлиги.
- Умумий корпоратив ривожланиш стратегиясидан кейин кетма-кетлик.
- Ташқи муҳитда инвестиция жараёни билан изчиллик.
- Молиявий стратегик таҳлил ва режалаштириш натижалари билан муносабатлар.
- Инвестицион таваккалчиликнинг ўрнатилган тартибга солиш қийматларига риоя қилиш.
- Ишлаб чиқариш, маркетинг, молиявий ва ижтимоий натижаларнинг уйғунлиги.

Инвестиция стратегияси уларни амалга ошириш муаммоларини узоқ муддатли ўзига хос хусусиятларга асосланиб ҳал қилиш учун мўлжалланган. Инвестиция мақсадларининг иқтисодий мазмуни ҳукмрон бўлса-да, фаолиятнинг тижорат компонентидан ташқари мақсадларни белгилаш билан боғлиқ бошқа контекстларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Хавфсизлик, экология, ижтимоий ҳимоя ва бошқа жиҳатлари назарда тутилган, буларсиз этарлича ривожланган бизнеснга эга бўлиш қийин масаладир.

Худди шундай, биз барча таснифлаш мезонларидан ўтишимиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам, инвестиция стратегиясининг шаклланиши кўп ўлчовли матрица нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши мумкин. Функционал жиҳатдан, стратегия асосий капиталга инвестициялар нисбати ва портфел (молиявий) инвестицияларининг муаммоларини ишлаб чиқади, маблағ манбалари масаласи

шу қадар жиддийки, у инвестиция стратегияси бўйича бутун йўналишни эгаллайди.

Маълумки, стратегик менежмент объектларининг таркиби ва тузилиши уларнинг ривожланишидаги тизимлилиги ва мувозанатлилиги учун жуда муҳимдир. Ушбу позициядан инвестицияларнинг муҳим массаси концепциясининг аҳамияти жуда катта, бу узоқ муддатли инвестицияларнинг минимал ҳажмини белгилайди. Шунинг учун тижорат банклари кўпроқ реновация мақсадлари ва ривожланиш мақсадларига катта аҳамият беришлари мумкин.

БАНК КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Ф.Зубайдуллаев- Сам ИСИ и.ф.н., катта ўқитувчи
Б.Мамарасулов- Сам ИСИ магистранти

Банкнинг инвестиция стратегияси, агар бир томондан маблағларни инвестициялашнинг истиқболли йўналишларида ва уларнинг манбалари бир-бирига нисбатан аниқ тизимли характерга эга бўлиши керак бўлса, бундан ташқари, айрим тизимли мезонлар асосий бўлиб, бошқалари эса иккинчи даражалига айланади.

Масалан, оҳиргилар қаторига тармоқлараро ва минтақавий мезонлари алоҳида эътибор берилишига эга. Шу билан бирга, банкнинг фаол ҳудудий кенгайиши даврида стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бу иккинчи даражали асослар биринчи даражали бўлиб кетиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, анъанавий равишда биринчи даражали тизимли мезонларга асосланиб, инвестиция стратегиясининг қисми сифатида бир қатор маҳаллий стратегиялар таъкидланганади ва улар қуйидагилар:

1. Мавжуд ишлаб чиқаришга, логистика ва сотилишга инвестиция қилиш стратегияси.
2. Банкнинг янги ишлаб чиқариш объектларига инвестиция киритиш стратегияси.
3. Портфелли инвестицион стратегияси.
4. Ўзининг мақсадли жамғармаларини шакллантиришга йўналтирилган инвестицион стратегия.
5. Инвестициялаш мақсадларига жалб қилинган маблағларни йўналтиришини шакллантириш стратегияси.
6. Инвестицион таваккалчиликни бошқариш стратегияси.
7. Инвестиция фаолиятининг сифатини бошқариш соҳасидаги стратегия.

Инвестиция стратегиясининг ишлаб чиқариш механизми стратегик режалаштиришнинг асосий тамойилларига асосланади ва узоқ муддатли режаларни энг оқилона ва тўлиқ бажаришга имкон берувчи ўз махсус қоидаларига эга. Банкнинг ҳаёт айланиш жараёнининг ҳозирги босқичининг маъносига қараб, режалар нафақат ривожланиш ва инвестицияларга йўналтирилиши мумкин.

Инвестиция стратегияси, йўқолиб кетиш, мавжуд бўлган бизнес тизимидан максимал фойдаланиш ёки унинг йўналишини эътиборга олинади. Шунинг учун инвестиция стратегияни ишлаб чиқиш тамойиллари келгусидаги ҳодисаларнинг бундай сценарийларини ҳисобга олиши керак бўлади.

Инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш тамойиларини келтирамиз:

1. Ташқи инвестиция муҳити ва макроиқтисодий муҳит билан очиқ муносабатлар тамойили.
2. Бўйсуниш (субординация) тамойили. Инвестиция стратегияси умумий корпоратив стратегиянинг унинг натижавий бўлимларидан бири сифатида киритилиши лозим. У молия стратегияси ва ривожланиш стратегиясининг (баъзан банкнинг ўсиш стратегиясининг) ўрнатилган умумий мақсадларига бўсинади ва ичига олади.
3. Операцион фаолиятнинг манфаатлар устуворлиги тамойили. Даромад ва молия натижаларини ишлаб чиқариш жараёни бу эрда яратилади, чунки бу эрда қўшимча қиймат яратилади. Инвестиция стратегияси, авваламбор, компаниянинг асосий бизнес-жараёнларини самарали ва самарали жойлаштириш учун кўприк вазифасини бажаради.
4. Тадбиркорлик тамойили. Инвестиция стратегиясининг шакллантириши ва ишлаб чиқариши инвестицион йўналишнинг янги ғоялари ва маъноларини излашнинг энг ижодий ва фаол тадбиркорлигини қўллашни назарда тутади. Таққослантирилган қўшимча ўсиш ёндашуви, эришилган инвестиция даражасига асосланган бўлиши мумкин, аммо жуда хавфли. Бу стратегик фикрлаш ва қарор қабул қилиш вақтида батафсил қайта кўриб чиқишни талаб қилади.
5. Мослашувчанлик ва муқобиллик тамойили.
6. Инновацияларни рағбатлантириш тамойили. Фақат инвестициа стратегияси Инновация фафолиятини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнларини ўз ичига олган механизмни ишга туширади. Белгиланган сегментларнинг стратегик мақсадларини бажариш учун аниқ қарорлар ва ажратилган маблағлар билан таъминланади.
7. Инвестицион таваккалчиликларни минималлаштириш тамойили.
8. Ўлчовлилик ва аниқлилик тамойили. Барча стратегиялардан инвестиция стратегияси лойиҳа портфелини, лойиҳалар дастурларини ва маҳаллий (локал) ноанъанавий ривожланиш мақсадларини шакллантирганлишда вазифали ёндашувига яқин бўлади.

Бизнинг фикримиз, инвестиция стратегиясини яратиш ва амалга ошириш жараёнининг асосий босқичларига қуйидагиларни критишимиз лозим:

1. Инвестиция соҳасида стратегик таҳлилни. Уни амалга оширишда инвестицион жиҳатларга нисбатан SWOT-, PEST-, SNW-, GAP-таҳлиллари, шунингдек, портфел элементлари, экспертлар ва ссенарийларни таҳлил қилиш усуллари қўлланилади.
2. Инвестицион фаолиятнинг умумий йўналишларини белгилаш. Узоқ муддатли бизнес инвестицияларини ривожлантириш концепциясини шакллантиришда келажакда таклиф қилинаётган инвестициялар ва

улардан келадиган даромадларнинг юқори сифатли алгоритмларини ишлаб чиқиш лозим.

3. Инвестицияларнинг стратегик режалаштириш даврини белгилаш. Бу хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолияти ҳаётий айланиш даврининг босқичи ташқи муҳит ҳолатига боғлиқ: инқироз, турғунлик (стагнация), тикланиш ва ҳ.к. Режалаштириш уфқини танлашда, инвестиция стратегиясининг жорий инвестиция сиёсатини кўриб чиқиб ва унинг даврини қисқартириш ёки вақтида тузатиш сиёсатини амалга ошириш қўшимча равишда муҳимдир.
4. Стратегик инвестиция мақсадларини аниқлаштириш ва синхронлаштириш. Бир қатор стратегик ташаббуслар, аксинча, уларнинг асосий қисми ривожланиш стратегияси билан мос келади ва мақсадлар шаклланадиган вазифа форматига айланиши мумкин. Мақсадларни синхронлаштириш ички ва ташқи форматда амалга оширилади. Ички форматда мақсадлар инвестиция дастурлари қоидаларига мос келиши лозим, ташқи - мувофиқлаштириш бизнес муҳитининг прогноз параметрларига асосланади.
5. Инвестицион фаолият шакллари ва йўналишларини молиявий-аналитик асослаш.
6. Инвестицион ресурсларни жалб қилиш ва жалб қилиш стратегиясини шакллантириш. Молиявий стратегияни тузишда олинган асосий кўрсаткичларга асосланиб, олинган қийматлар ва устуворликлар доирасида доимий инвестиция жараёни таъминланиши керак.
7. Банкнинг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш ёки ўзгартириш.
8. Инвестицион таваккалчиликларни минималлаштириш бўйича режани идентификациялаш, баҳолаш ва ривожлантириш.
9. Шаклланган инвестицион стратегиянинг самарадорлигини баҳолаш. Инвестицион йўналишидаги банкнинг лойиҳа портфели ва молиявий қўйилмалар йигиндиси банкнинг молиявий сиёсати ва стратегияси инвестиция жараёнининг амалга оширилиши кўп ҳолларда бир молиявий йилга тўғри келмайди. Шунинг учун бундай фаолиятнинг инвестиция стратегиясининг узоқ муддатли характерини алоҳида ҳужжатда тақсимлаш йўли билан белгилаб қўйилади.

Лойиҳа портфелидаги муайян вазифалар учун жиддий пойдевор қўйилиши, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун асос яратилиши, пул маблағларини жалб қилиш ва қарз олиш жараёнини яхши тузилган инвестицион стратегиясини белгилайди.

Бу банк корпоратив бошқаруви, унинг муассислари ва лойиҳа менежерларига бизнесни ривожлантириш ва трансформациясининг стратегик тимсолини қандай қилиб ўзлаштириши мумкинлигини аниқ англашади.

Инвестицион стратегиясининг таснифи схематик шаклда келтириш мумкин (1 - схема). Уларнинг турлари бўйича тақсимланиши корпоратив ривожланиш стратегияларининг равшан мантиғига асосланади.



1 - схема. Корпоратив ривожланиш стратегияларининг равшан мантиғига асосланган банк инвестиция стратегиясининг таснифлаш намунаси

THE ECONOMIC ESSENSE OF THE EFFECTIVENESS OF COMMERCIAL BANKS ACTIVITY.

F.Daminov-Senior Lecturer, SamIES
Sh.P.Mardiev-student,SamIES.

Over the past years, great attention has been paid to the issues of improving the efficiency of the banking system. On the one hand, it is connected with function of commercial banks' redistribution of financial resources and on the other hand, the efficient use of these resources is one of the key factors of financial stability of the subjects of the economy. Despite the fact that the Bank's efficiency is reflected in many international and national scholars' scientific conferences, international and regional conferences, international forecasts published by various international organizations and audit firms, and methodology has not been developed. Specifically, EY (Global Banking outlook 2018) and Deloitte Development LLC. Experts of international audit companies (2018 Banking Outlook, Accelerating the Transformation) concluded that it would be expedient to evaluate the effectiveness of banking activity based on the level of banking organization based on innovative digital technologies, including in 2017 years 17-18 october days on Amsterdam the conference, which was attended by representatives from Danske Bank, European Commission, European Banking Federation, HSBC, MoneYou, Nordea, RBS, Societe Generale, focused on risk management and banking regulation key role in the process.

The above mentioned and other scientific sources provide evidence that the concept of "efficiency"does not have a well-known interpretation, norms and criteria. This concept is one of the most important topics of scientific debate among scientists conducting research in various fields.

One of the most important theoretical problems within the framework of the theory of economic theory is to define the concept of "efficiency" and to determine the relationship between objective economic laws. Some economists believe that productivity is an objective economic category and has particular quality and quantity within the framework of economic laws. It reflects the level of social work and capital used in social and economic spheres (economy category). However, it must be admitted that this interpretation was absolutely not accepted by all scientists.

The similar situation can be traced in the interpretation of the concept of "efficiency of banking". Analyzing the effectiveness of the commercial bank's activities in the work of researchers on the Bank's activites, the analysis of the specific areas and circumstances (in particular, the effectiveness of crediting or investment activity, etc.), general concepts do not give you an opportunity to formulate a comprehensive approach to a system of indicators that can be used to evaluate it.

V.Pareto tried to convey the concept of "efficiency" through the "economic efficiency model" (or "Pareto Optimum"). According to this model, the well-being of the society has been maximized and the allocation of resources is optimal, so any

change in that division should not adversely affect the welfare of at least one of the economic systems.

Based on the above analysis and the results of the study of other scientific sources, several conclusions can be drawn: First, "productivity" is a separate economic category that reflects a combination of general, significant and sustainable relationships that are related to production performance and costs associated with obtaining this result. The category of efficiency, like the general category of the theory of economics, is not limited solely to the economic parameters, but also to the nature of its relationships with the outside world, including its relationships with partners and competitors.

In addition, productivity has a complex structure as an economic category. Relatively independent elements representing relationships and relationships can be as efficient as productivity and productivity, resource allocation efficiency, efficiency of management and capital investments, innovation and economic growth. These elements, on the one hand, allow each other to evaluate the overall state of the subject of the economy. On the other hand, each of the elements can perform relatively independent functions, be in conflict situations, and represent different aspects of the economic activity. The structural subdivision of the effectiveness category, along with interactions with the environment, shows the existence of a social impact (regardless of whether or not it has been assessed or not). Therefore, in our opinion, there are two factors of efficiency. In this case, the first feature can be assessed through the ratio of the result obtained and the cost needed to achieve it, while the second can be assessed by the degree of achievement of social variables.

Secondly, the category of efficiency should be considered in accordance with general economic laws. The first research in this area was carried out by L.Walras and V.Pareto. The role and significance of the categories of "efficiency" within the framework of general economic laws has been explained by the general economic equilibrium developed by L.Walras and V.Pareto overall economic equilibrium is fully consistent with maximum efficiency in the economy. Thus, the category of efficiency relates to maintaining economic balance and increasing the efficiency of the overall equilibrium of the economic system.

Distribute efficiency – a situation where goods or services at the moment of purchase are equal to the highest level of expenditure for production of the last unit of the given product or service. The effectiveness of banking services in the banking services is due to the fact that the value of the bank services is equal to the cost providing such banking services.

II ШЎЪБА. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЁТ СУБЪЕКТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАДОРЛИККА ЭРИШИШДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

А. А. Бектемиров - СамИСИ доценти, и.ф.н.

Ҳар қандай хўжалик субъектларини бошқаришдан асосий мақсад унинг молиявий натижадорлигига яъни кўпроқ фойда(даромад) олишига қаратилган ҳаракатлар комплекси ётади. Бу ҳаракатларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан бошқарув қарорларининг қанчалик даражада илмий асосланганлигига ва сифатига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан аввало бошқарувнинг мазмун моҳиятини очиб бериш учун, унинг айрим молиявий йўналишларига тўхталишни лозим топдик. Аввало бошқарув моҳияти

Бошқарув бу бошқарув субъектининг бошқарув объектига таъсир кўрсатишидир. Шу асосда молиявий менежмент молиявий ресурсларнинг ҳаракати жараёнида хўжалик юритиш субъектлари ўртасида бўладиган молиявий ресурслар ҳаракати ва муомаласини бошқаришга қаратилган жараёндир. Бу жараён маълум бир технологияга асосланади. Технология эса ҳар бир хусусий ҳол учун бошқарув функциялари ва усулларининг таркиби ва тартибини белгилаб беради. Бу йўналишда россиялик етук олимлардан Е.Г.Бланк, Л.Н.Павлова, С.Б.Пряничников, Р.З.Яблукова, В.В.Ковалев, А.Д. Шереметлар[52] ҳамда Ўзбекистонлик олимлардан А.Юлдашев, И. Сирожиддинов, М.Хусаинов,А.Г.Ибрагимов, З.Р. Мадаминов ва М.Е.Рахматалиевлар[53] тадқиқот олиб бориб, молиявий менежмент механизм ва унинг усуллари тўғрисида бир қатор асарлар чоп этган бўлсада, уларда бизнинг назаримизда молиявий менежментнинг ҳар бир элементи тўғрисида маълумот етарли эмаслиги сезилиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан молиявий менежмент механизми элементларини комплекс тарзда қараб чиқамиз. Молиявий менежмент бу молияни бошқариш жараёнини ўз ичига олиб, молиявий механизм усуллари ва дастаклари ёрдамида уларга таъсир кўрсатади. Таъсир кўрсатиш жараёнининг даврий характери унинг стратегиясини ёки тактикасини белгилаб беради. Бунда молиявий менежмент бошқарувининг стратегияси бу қўйилган мақсадга эришиш учун маблағларни ишлатишнинг умумий йўналишлари ва усулларидан иборат. Бу усулларга қарор қабул қилиш учун маълум қоида ва чегаралар мос келади. Стратегияда қуйилган мақсадга

[52] Бланк Е.Г. “Основқ финансового менежмента”.-М.:Инфра, 2004., Павлова Л.Н. “Финансовқй менежмент”.-М.:ЮНИТИ-Дана, 2003., Пряничников С.Б. “Финансовқй менежмент”.-Н.:Новгород.НОВО., Яблукова Р.З. “Финансовқй менежмент в вопросах и ответах”.-М.: Проспект,2005., Ковалев В.В. “Финансовқй учет и анализ: концептуальнқе основы”.-М.: Финансы и статистика, 2004., Шеремет А.Д. “Финансы предприятий: менежмент и анализ” .-М.:ИНФРА М,2006й.

[53] Юлдашев А., Сирожиддинов И., Хусаинов М. “Молиявий менежмент”.-Тошкент.:”ВОРИС-НАШРИЁТ”,2013., Ибрагимов А.Г., Мадаминова З.Р., Рахматалиев М.Е. “Молиявий менежмент”.-Тошкент.: “Баркомол файз медия”, 2016 й.

эришгандан сўнг у тўхтатилади.Тактика бу конкрет шарт шароитда мақсадга эришиш учун конкрет усул ва йўллардир. Тактиканинг мақсади бу хўжалик вазиятларига мос бўлган усул ва йўлларни танлашдан ва мақбул қарорларни аниқлашдан иборатдир[54]. Молиявий бошқарув фаолияти соф бюрократик ва маъмурий иш бўла олмайди. Молиявий бошқарувда шундай ҳолатлар, вазиятлар вужудга келиб қолиши мумкинки, бундай холатларда бошқарувчидан ижодий ёндашишини тақозо қилади. Ҳақиқатда ҳам атрофда бўлаётган ўзгаришларга нисбатан самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш фақатгина атрофлича ўйлаш, фикрлаш, орқалигина мумкин бўлади. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки молиявий менежмент бу молиянинг стандарт ҳолатдаги бошқаруви эмас, балки режалаштириш ва бошқариш, молиявий таҳлил қилиш, инновациянинг илмий асосларидан фойдаланган ҳолдаги бошқарувни тақоза этади.

Молиявий менежментни қўлаш соҳаси бу молиявий бозор ҳисобланади. Молиявий бозорда молиявий ресурсларни ва инвестиция бойликларини сотувчилар ва олувчилар ўртасида шу бойликлар нархи (қиймати)ва истеъмол нархи (қиймати)га нисбатан иқтисодий муносабатлар вужудга келади. Молиявий бозор қуйидаги бозорлар тизимидан ташкил топади: валюта, қимматбаҳо қоғозлар, ссуда капитали, олтин бозорлари. Бу бозорнинг асосий иштирокчиларидан бири бу банклардир. Шунинг учун ҳам айтишимиз мумкинки, молиявий бозорнинг ишлаши банкларнинг молиявий ресурслар ва молиявий муносабатлар соҳасидаги тадбиркорлигига асос яратади. Банкларнинг бу жараёндаги самарадорлигига эришиши молиявий механизм усуллари ва дастакларининг комплекс боғлиқликда ишлатилишига боғлиқ. Молиявий механизм бу молиявий ресурслардан фойдаланишда уни ташкил қилиш, режалаштириш ва рағбатлантириш каби молиявий дастаклар тизимининг харакатидир. И.Т.Болабанов фикрича молиявий механизм тузилмасига бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган бешта элемент киради. Улар қуйидагилардир: Молиявий усуллар, молиявий дастаклар, хуқуқий меъёрий ва ахборот таъминоти. Молиявий усулни хўжалик жараёнидаги молиявий муносабатларга таъсир кўрсатиш усули каби аниқлаш мумкин. Молиявий усуллар икки йўналишда таъсир кўрсатади: молиявий ресурсларнинг ҳаракатини бошқариш йўналишида ва харажатлар ва натижалар, моддий рағбатлантириш ва пул фондларидан фойдаланиш самарадорлиги учун жавобгарлиги билан боғлиқ бўлган бозор тижорат муносабатлари йуналиши бўйича. Бозор мазмунининг молиявий усулларида намоён бўлиши тасодифан эмас. Бу шу билан асосланадики, молия функцияси ишлаб чиқариш ва муомала соҳасида тижорат ҳисоб китоблари билан узвий боғланган. Ўз-ўзидан маълумки тижорат ҳисоб китобининг асосий мақсади рақобат кураши шароитида минимал капитал харажатлари билан максимал даромад ёки фойда олишдан иборат. Шунай қилиб молиявий усуллар ҳаракати пул фондларининг шаклланишида ва ундан фойдаланиш даврида намоён бўлади. Молиявий

[54] И.Т.Болабанов Основы финансового менежмента . Как управлять капиталом.- М.: “Финансы истатистика”, 1995г.

механизмнинг яна бир элементи бу молиявий дастаклардир. Молиявий дастак молиявий усулнинг қулланиш услубини билдириб, унинг таркиби фойда, даромад, амортизация ажратмаси, молия-вий санкциялар, баҳо, ижара тўлови, дивидендлар фоиз ставкалари, дисконт, мақсадли иқтисодий фондлар, омонатлар, пай бадаллари, инвестициялар (тўғридан тўғри, венчурли, портфел) валюта курсларини котировкалаш, ҳисоб-китоб шакли, кредитлар тури, франшиза, преференсиялар (валюта, қиммат баҳо қоғоз курслари) дан ташкил топади.

Молиявий механизм ишлашининг хуқуқий таъминоти Қонунлар, Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, вазирликлар хат ва буйруқлари, юридик шахс (хўжалик юритиш субъекти) уставидан иборат.

Молиявий механизмнинг меъёрий таъминоти инструктиялар, меъёрлар, таъриф ставкалари, услубий кўрсатмалар ва тушунтириш хатларидан ташкил топади.

Молиявий механизмнинг ахборот таъминоти турли хилдаги иқтисодий, тижорат, молиявий ва бошқа ахборотлардан ташкил топган.

Юқорида тавсифланган молиявий механизмнинг барча элементларининг биргаликда ишлаши керакли самарани беради. Бунинг учун молиявий менежмент функцияларининг (режалаштириш, прогнозлаш ёки олдиндан кўра билиш, ташкил этиш, тартибга солиш , координациялаш, рағбанлантириш ва назорат) ҳар бири маълум тартиб ва қоидалар асосида бажарилиши зарур бўлади. Бошқарув масалаларини ечиш йўллари жуда хилма-хил бўлиши мумкин, шунинг учун молиявий менежмент кўп вариантликка эга. Бундай кўп вариантлик стандарт ва оддий бўлмаган молиявий комбинациялар бирлигини, конкрет хўжалик вазиятидаги у ёки бу ҳаракат усулларинг қайишқоқлигини (мослашувчанлигини) ва такрорланмаслигини билдиради. Молиявий менежмент жуда ўзгарувчан (динамик) характерга эга бўлиб, унда тайёр рецептлар йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Энг асосий масала бошқарув объектининг молиявий қизикишларига жавоб берадиган мақсаднинг тўғри қуйилиши ҳисобланади. Унинг ишлаш самарадорлиги кўп жиҳатдан молиявий бозордаги шароитлар ўзгаришига нисбатан реакция тезлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам молиявий менежернинг у ёки бу хўжалик масалаларини ечиш усул ва услубларини билган ҳолда бошқаришнинг стандарт усулларига тегишли билимларга асосланиши, молиявий вазиятни тез ва тўғри баҳолай олиши ва бу ҳолатдан чиқишнинг қулай йўлларини тез топа билиши конкрет хўжалик юритиш субъектини сезиларли муваффақиятга олиб келади.

ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ СОҲАСИДА ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС ТИЗИМ ШАКЛЛАНМОҚДА

З.Д.Ниёзов – СамИСИ, и.ф.н. катта ўқитувчи,
Ш.З.Давронов – Молия вазирлиги,
Д.Рофиев – СамИСИ,
А.А.Амонов – СамИСИ.

Ахборот-коммуникация технологияларининг кенг ривожланиши кейинги ўн йилликларда жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун муайян чора-тадбирлар амалга оширилишмоқда.

Компьютерлаштириш ва телекоммукациялар, иқтисодий, ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган ҳолда коммуникацион технологиялари асосида фаолият кўрсатиш бугунги кун талабининг муҳим ташкилий асоси ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзияевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур.”лигини этироф этиб утдилар.

Шуни ҳисобга олиб, Молия Вазирлигининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳам мазкур йўналишда доимий ривожланиш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг стратегик устувор йўналиши сифатида қарамоқда.

Асосийси, пенсия соҳасида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланишнинг кенг қамровли равишда изчил ривожлантириш, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат пенсия тизимини 2017-2021 йилларда янада барқарор ривожлантириш, мақбул ижтимоий муҳит шакллантириш орқали фуқароларга кафолатланган давлат пенсияларини тақдим этиш шароитларини яхшилаш” Комплекс дастуридан алоҳида ўрин эгаллаган.

Шу мақсадни кўзлаган ҳолда, энг аввало, республикамизда истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган, ягона электрон базасини барпо этилиши билан бирга, замонавий автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Мазкур электрон ахборот базаси “Фидо бизнес” МЧЖ билан ҳамкорликда яратилган *ПК “Пенсия”* дастурий мажмуасида ўз аксини топди.

Давлат пенсия таъминоти тизимига ривожлананиб бораётган компьютер технологияларини жадаллик билан жорий этилиши, мамлакатимиз миқиёсида пенсия ва нафақаларни қонуний тайинланишига, уларнинг ўз вақтида тўланишига, аниқ ва далилий ҳисоботларни шакллантирилишига, бошқа соҳаларнинг электрон базалари ўртасида ахборотлар алмаштиришда, бюджет маблағларини ноқонуний харажат қилинишини олидини олиш воситасига айланмоқда.



ПК “Пенсия” дастурий таъминотида ахборот хафсизлиги юқори даражада таъминланган бўлиб, инсон омили таъсири остида ноқонуний пенсия ва нафақаларни тайинлови ва тўловларини амалга ошириш олди олинган.

Ушбу дастур асосида пенсияларни тайинланиши, бир неча босқичли даражада, фуқаролар томонидан Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларига тақдим этилган хужжатларни босқичли қайта текширув бизнес жараёнини қамраб олган ҳолда қуйиидаги мисолда келтирилган механизмда ўз ифодасини топган.

1-Мисол; ПК “Пенсия” дастурида пенсия тайинлаш “бизнес-жараёни”
1-Босқич: Пенсияларни расмийлаштириш учун тақдим этилган хужжатлар асосида испектор дастурга маълумот тарзида киритади ва ўрганиб чиқиш учун электрон тарзда ўзаро боғланган локал тармоқ орқали бош инспекторга юборади;

2-Босқич: Бош испектор томонидан электрон тарзда, локал тармоқ орқали қабул қилган хужжатлар ўрганиб чиқилади ва маълумотларни қонунийлиги тасдиқлангандан сўнг туман бўлим бошлиғига тармоқ орқали юборади;

3-Босқич: Бўлим бошлиғи томонидан қабул қилиб олинган пенсияга доир электрон маълумотлар тўлиқ ўрганиб чиқиб қонунийлиги тасдиқлангандан сўнг ушбу маълумотлар умумий электрон базага киритилади ва пенсия тўлови учун расмийлаштирилади.

Изоҳ: Агар тақдим этилган хужжатларда камчилик ёки номувофиқлик бўлган тақдирда, фуқарога мазкур камчиликлар бўйича батафсил маълумот берилади.*

Ушбу бизнес-жараённи жорий этилиши пенсия ва нафақа олувчиларга уларнинг Конституция билан кафолатланган хуқуқлар ва манфаатларини химоялаш учун замин яратади.

2-Мисол; ПК "Пенсия" дастурида марказлашган ҳолда пенсияларни қайта ҳисобланиши жараёни

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари асосида республика миқиёсида пенсия ва нафақларнинг миқдори оширилганда, ПК "Пенсия" дастурининг оммавий равишда Молия вазирлигиининг локал тармоғи асосида барча худудий бўлинмаларини қамраб олишини инобатга олиб, пенсияларнинг миқдорлари, Пенсия жамғармасининг ижро этувчи аппаратидан марказлашган ҳолда саноқли дақиқалар ичида амалга оширилади.

Бу эса, пенсия ва нафақа олувчиларнинг ўз вақтида пенсияларини қайта ҳисобланиши ва тўловларини ўз вақтида олишлари учун қулай имкониятдир.

Шу мақсадда, энг аввало, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча пенсия ва нафақа олувчиларнинг ишончли ҳимояланган, ягона марказлашган маълумотлар базаси шакллантирилди. Бу эса, республикамизнинг 2,9 млн.дан ортиқ пенсия ва нафақа олувчиларнинг ягона электрон маълумотлар базасини ташкил этилгани билан изоҳлаш мумкин. Ахамиятли жиҳати, бугунги кунда аниқ даврда марказлашган ҳолда 120 дан ортиқ ҳисоботларни ушбу дастур орқали шакллантиришга эришилди.

Амалиётга тадбиқ этилган дастур, ўз салоҳиятини жорий этилишининг биринчи кунлариданоқ кўрсата бошлади. Бунинг натижасида, жами 30 мингдан ортиқ ноқонуний тайинланган пенсиялар аниқланиб, умумий миқдори, ўрта ҳисобда йиллик 70,0 млрд. сўмдан ортиқ Пенсия жамғармасининг маблағлари ортиқча ишлатилишининг олди олинишига эришиш кутилмоқда.

Жорий йилнинг I-яримида ушбу дастурда 77 минг нафардан ортиқ фуқарога пенсия ва нафақалар тайинланди. Умумий ҳисобда 2,9 млн. нафардан ортиқ фуқарога ойлик талабномаларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши асосида ижтимоий тўловлар таъминланди.

Дастурнинг келажакда идоралараро интеграллашуви сифатида, бошқа ташкилот дастурларининг электрон базалари билан ўзаро маълумот алмашинувини ташкил этишни қайд этиш мумкин.

Хусусан, жорий йилда қуйида келтирилган идоралар электрон базалари билан ўзаро маълумот алмашинуви амалга оширилишини қайд этиш мумкин:

Молия вазирлиги Ғазначилиги:

- Даромад ва харажатларининг шаклланишини классификациялаш, тақсимотини таъминлаш ва ҳисобини юритиш;

- Харажатлар бўйича электрон тўлов топшириқномаларини электрон тарзда тақдим этиб бориш;

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ:

- Пенсия ва нафақаларни тўлови бўйича ойлик электрон тўлов рўйҳатларини шаклантириш ва on-line режимида тақдим этиб бориш;
- Ойлик пенсия ва нафақаларни тўлов якунлари бўйича электрон солиштирма далолатномаларни шакллантириш;
- Худудлар кесимида тўлов қолдиқлари бўйича оператив маълумотларни олиш.

ДТ “Халқ банк”и ва тижорат банклар:

- Тўлаб бориладиган пенсия ва нафақалар бўйича ойлик электрон тўлов рўйҳатларини шакллантириш ва уларни тақдим этиб бориш;
- Худудлар кесимида тўлов қолдиқлари ҳамда тўланган маблағлар миқдори бўйича маълумотлар олиш;
- Пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқаролар бўйича уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағларига амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумот алмашинуви;
- Пенсия ва нафақа олиш учун мурожаат этган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағлари бўйича олинган маълумотлар билан фуқаронинг Пенсия жамғармасига тақдим этган (иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги) маълумотларни солиштириб бориш

2013 йилда қуйида келтирилган идоралар электрон базалари билан ўзаро маълумот алмашинуви амалга оширилишини қайд этиш мумкин:

Давлат солиқ қўмитаси:

- юридик шахслар томонидан Пенсия жамғармасига ўз вақтида тўловларни амалга оширмаган ташкилотлар бўйича ва уларнинг тушган пуллари тўғрисида маълумотлар олиш;
- фуқароларнинг Пенсия жамғармасига тақдим этган (иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги) маълумотларни ойлик иш ҳақлари маълумотлари билан солиштириб бориш

Давлат статистика қўмитаси:

- тугатилган корхоналар тўғрисида маълумотлар олиш ҳамда ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни электрон тарзда юбориш

Дастурнинг яна бир жозибадор таърифи сифатида унинг интерактив маълумот сервис хизматини амалга ошира олишини қайд этиш мумкин. Ушбу хизмат турига, пенсия олувчиларга уларнинг пенсия миқдорлари хусусидаги маълумотларни мобил телефонларига sms-мактуб сифатида юборишдир.

3-Мисол; ПК “Пенсия” дастурининг интерактив сервис хизмати (sms-мактуб)

Жорий йилнинг 1 август куни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан республикамизда истиқомат қилувчи пенсионерлар ўз

пенсия миқдорларини 1,15 бараварга ошганлиги хусусидаги маълумотларни мобил телефонларига тўғридан-тўғри юборилган электрон мактуб орқали билиб олишлари қарияларимиз учун айни муддао бўлди.

Мазкур тадбирлар асосида соҳа самарадорлигининг ошиши, тезкор ва аниқ ҳисоботлар шаклланиши, пенсия тайинланиши ва тўланишида инсон омилини камайтириш орқали жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтиришга хизмат қилади албатта.

Пенсия жамғармаси фаолиятига ходимларнинг иш жойларини ахборотлашган-телекомуникацион ривожлантириш, уларга ишда фойдалиниш учун пенсия таъминотига доир норатив-ҳуқуқий база билан таъминланган қулай автоматлаштирилган иш ўрнини яратиш мақсадида соҳага *WSP "Personal"* кадрлар дастури жорий этилди.



Дастурнинг жозибадорлиги шундаки, Пенсия жамғармаси тизимида мурожаатлар, хатлар ва хужжатларни электрон тарзда кўриб чиқиш, уларни ижро этилишини назорат қилиш, ахборотларнинг электрон манбалардаги оқимини мақбуллаштириш ва таҳлил қилишнинг соҳа бўйича ягона электрон ахборот базаси шакллантирилди.

1-Мисол; WSP «PERSONAL» дастурининг электрон хужжат алмашинуви

Дастурнинг мазкур модули асосида Пенсия жамғармасига юридик ва жисмоний шахслардан келган хатлар, мурожаатлар, шикоятлар ва таклифларни электрон кўриниши қисқа фурсат ичида жойлардаги ижрочиларга юборилиши таъминланиб, ижро муддати жараёни назоратга олинади ва белгиланган муддатларда уларнинг эгаларига аниқ ва мақсадли жавоб берилишига имконият яратди.

Шу билан бирга, мазкур дастур доирасида Пенсия жамғармасининг жойлардаги ҳудудий бўлимлари томонидан фуқароларни иш стажи ва иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотларни текшириб олиш юзасидан республика бўйича туманлараро сўров хатларни юбориш ва жавоб олишни имконияти мужассамлашган электрон почта - "*Сўров хат*" модули амалиётга жорий этилди.

2-Мисол; WSP «PERSONAL» дастурида "Сўров хат" модули амалиёти

Дастурнинг мазкур модули асосида Пенсия жамғармасига пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган фуқароларнинг республикамизнинг олис шаҳар ва қишлоқларидаги меҳнат фаолиятларини текшириш учун шу ҳуддуда жойлашган Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларига электрон сўров хатлари юбориш орқали қисқа муддатда тасдиқлатиб олиш имкониятини беради. Қизиқарли томони шундаки, фуқарони ушбу меҳнат фаолиятини тасдиқлатиш учун ортиқча оворагарчиликка йўл қўйилмайди, балки Пенсия жамғармаси ходимлари уларга амалий ёрдам кўрсатишади.

Мазкур дастурнинг жорий этилиши, соҳада фаолият кўрсатувчи барча ходимларнинг сифат кўрсаткичи бўйича туман, вилоят шунингдек республика бўйича ҳисоботларни шакллантириш орқали тизимда кадрлар салоҳиятини назорат қилиб боришга имкон пайдо бўлди.

Бинобарин, тизимни замонавий ахборот технологияларига мувофиқ техник қуроллантириш, юқорида зикр этилган сайъи-ҳаракатларни давом этиришнинг асосий омилидир. Айни шу мақсадда, бугунги кунда ижро этувчи аппарати томонидан коммуникацион ускуналар чет элдан келтирилиб худудий бўлинмаларга етказилиши таъминланди. Амалга оширилган ишлар натижасида соҳани замонавий ахборот технологиялар билан техник қуроллантириш даражаси 2010 йилдаги 28,5 фоизга нисбатдан бугунги кунда тўлиқ (100 фоизга) компьютерлаштирилди.

Амалга оширилаётган ишлар доирасида Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳам асосий эътибор қаратилган.

Олиб борилаётган ишларнинг натижаси сифатида, 2012 йилнинг I-ярим йиллиги кўрсаткичларига мувофиқ Пенсия жамғармасининг даромадлари режаси 100,3 фоизга бажарилди ва 3,6 трлн. сўмни ташкил этди.



Бунда, Пенсия жамғармаси айланма маблағлари қолдиғи бир ойлик харажатнинг 102,7 фоизини қоплашга етарли бўлди.

Эътиборли жиҳати шундаки, Пенсия жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган узоқ муддатли макроиқтисодий-демографик истиқболли прогноз кўрсаткичларига мувофиқ 2020 йилгача бўлган даврда жамғарма даромадлари барқарорлиги таъминланиши кутилмоқда.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, нуроний ва пенсионерларни эъзозлаш, тизимни такомиллаштириб бориш орқали давлат пенсия таъминоти тизимини адолатли ташкил этишга даъват этади.

ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ – МАМЛАКАТ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Э.Шавқиев, СамИСИ доценти
И.Абдуллаев, СамИСИ магистранти
А.Ҳайдаров, СамИСИ магистранти

Ўзбекистон Республикасини социал-иқтисодий ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган туб таркибий ўзгаришлар жараёни инвестициялар билан бевосита боғлиқдир. Шундан келиб чиқган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти инвестицияларнинг нафақат кўлами, айни пайтда, уларнинг самарадорлигини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “... инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади.

Шу ўринда бир савол туғилади: инвестиция деймиз, ислоҳотлар деймиз, модернизация, деймиз.

Лекин бу ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад нима ўзи?

Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши – бизнинг бош мақсадимиздир”[55].

Республикада инвестиция жараёнлари иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизация қилишга йўналтирилган бўлиб, бунинг натижасида тадрижий иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва энг муҳими аҳолининг турмуш даражасини янада кўтаришга қаратилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда юртимизда инвестициялар сохасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши – янги ва юксак технологияларга асосланган, илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларни чуқурқайта ишлашни

[55]Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

таъминлайдиган ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш ҳамда мамлакатимиз экспорт салохиятини оширишга каратилган.

Мамлакат тараққиёти хусусида фикр юритилганда, қатор йиллар давомида асосий эътибор иқтисодиётга киритилган инвестициялар ва уларнинг салмоғига қаратилиб келинмоқда. Зероки, иқтисодиётни модернизация килиш жараёнида инвестициялар ҳажми ва уларнинг оқилона жойлаштирилиши муҳим ахамият касб этади. Шу сабабдан мамлакатимизда ҳар йилги социал-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда инвестицияларни кенг жалб этиш, айникса хорижий инвесторлар учун янада қулай муҳитни яратишга алоҳида урғу бериб келинмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар таркибидаги ўзгаришларга танқидий назар билан қаралганда, мавжуд имкониятлардан ва салоҳиятдан унумли фойдаланилмаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.

1-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар[56]

(жамига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	2015	2016	2017
Асосий капиталга киритилган инвестициялар - жами	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
-республика бюджети	4,5	4,6	5,1
-корхона ва аҳоли	52,9	51,4	44,5
-банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	11,8	11,5	13,3
-чет эл инвестициялари ва кредитлари	19,9	22,1	25,1
-давлат мақсадли жамғармалари, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаларни қўшган ҳолда	10,9	10,4	12,0

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики,2015-2017 йиллардажамиинвестицияларнинг 74,9 фоизи мамлакатимизнинг ички манбалари хисобидан – корхоналар ва ахоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек давлат бюджети ва бюджетдан ташкари жамғармалар маблағлари хисобидан шакллантирилган. 2017

[56]Ўзбекистон рақамларда (статистик тўплам). –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2017,164 бет; Ўзбекистон рақамларда (статистик тўплам). –Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2018,165 бет.

йил якунларига келиб, корхона ва аҳоли инвестицияларининг улуши умумий инвестицияларнинг улуши 44,5 фоизга тушиб қолган.

Сўнгги икки йилдан эътиборан маҳаллий ва хорижий инвесторлар капиталини манфаатли тарзда Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш, етишиб чиққан тадбиркорларга кенг имконият яратиб бериш, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитиш ҳамда ташқи бозорларга чиқиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг самарали олиб борилиши ва инвестиция муҳитининг такомиллаштирилиши натижасида иқтисодиётга киритилаётган капитал қўйилмалар ҳажми "2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда"[57].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрда "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4067- сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан тасдиқланган 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини молиялаштириш маблағлари таркибини кўриб ўтадиган бўлсак бунда энг юқори улушга эга бўлган муҳим манба давлат кафолатисиз тўғридан-тўғричет эл инвестициялари ва кредитлари 30,5 фоиз, давлат кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитлари 19,8 фоиз, корхоналар маблағларининг салмоғи 16,2 фоиз, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 15,3 фоиз, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари 6,9 фоиз, бюджет маблағлари 3,5 фоиз, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари 6,9 фоиз, ахоли маблағлари 0,9 фоиздаражасида улушга эга.

2019 йилда мамлакат иқтисодиётига киритиладиган инвестициялар таркибини 2017 йил билан қиёслаганда чет эл инвестициялари ва кредитлари (давлат кафолати остидаги ва кафолатисиз) 25,2 фоизга кўп бўлишлиги кўзда тутилган. Бу, табиийки, хорижий давлатлар ва инвесторлар билан фаол иш олиб боришликнинг натижасидир.

Хорижий инвесторлар ҳамда маҳаллий тадбиркорлар капиталини миллий иқтисодиётга жалб қилишда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг ташкил этилиши аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги "Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3607-сон қарорига асосан вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги 16 та бўш турган объектлар негизида 14 та кичик саноат зонаси ташкил этилди.

[57]Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

Кичик саноат зоналарида тадбиркорларнинг бизнес лойиҳалари ва ишлаб чиқариш имкониятларини амалиётга тадбиқ этишлари учун барча шароит яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари асосида Каттақўрғон шаҳрида 2018-2019 йилларда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид 4 та инвестиция лойихаси киритилган[58].

Каттақўрғон шаҳар иқтисодиётини кўтариш, аҳолини доимий иш билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш суръатини ошиш мақсадида маҳаллий корхона ва ташкилотларда олиб борилган тушунтириш ишлар натижасида бир қатор корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ишлаб чиқариш ускуналари шаклида) олиб кирилди.

2018 йилнинг март ойида “Каттақўрғон Ёғ-мой” акциядорлик жамиятига Хитой давлатида рўйхатдан ўтган “Quinco(Fujian) Machinery Industrial Co.Ltd” (маъсулияти чекланган жамият) хорижий ҳамкори томонидан ишлаб чиқариш сохаси бўйича 150,0 минг АҚШ доллари миқдорида 5 литрлик ПЭТ идишларда ёғ махсулотларини қадоқлаш асбоб-ускунаси киритилди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа тўлиқ ишга туширилган.

Шунингдек, 2018 йилнинг апрель ойида жами қиймати 1221,0 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилди. Жумладан:

- “ClassicMotor” маъсулияти чекланган жамиятига Хитойда давлатида рўйхатдан ўтган “Shangqiu Sihai Energy Technology Co.Ltd” (маъсулияти чекланган жамият) томонидан ишлаб чиқариш сохаси буйича жами қиймати 300,0 минг АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуна киритилди;
- “Mega Mebel Trade” маъсулияти чекланган жамиятига Хитой давлатида рўйхатдан ўтган “Shanxi Crulin Machenery Co.Ltd” (маъсулияти чекланган жамият) хорижий инвестори томонидан мебель ишлаб чиқариш соҳаси бўйича жами қиймати 159,0 минг АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуна киритилган бўлиб, ушбу лойиҳа тўлиқ ишга туширилди;
- “Каттақўрғон чарм” Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига корхона таъсисчилари, яъни Ўзбекистон томонидан фуқаро Исломов Икром ва Исломов Умрзоқ ҳамда Хитой томонидан “Chantsinsinsyan” савдо компанияси ҳамкорлигида корхонага жами қиймати 761,0 минг АҚШ долларлик терини қайта ишлашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар киритилди;
- “Qo’rg’on Universal Biznes” маъсулияти чекланган жамиятга 2018 йилнинг июнь ойида Германия давлатида рўйхатдан ўтган “Homag Co.Ltd” (маъсулияти чекланган жамият) хорижий инвестори томонидан жами қиймати 36,0 минг евро ва Чехия давлатидан

[58]https://samarkand.uz/.../samarqand-viloyati-kattaqorgon-sha

рўйхатдан ўтган “Akword Co.LTD” маъсулияти чекланган жамият хорижий инвестори томонидан жами қиймати 2,75 минг АҚШ доллари миқдорида мебель ишлаб чиқариш сохаси буйича асбоб-ускуна киритилди.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида 2018 йилда 2 та хорижий инвестор томонидан жами 480,0 минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган[59].

Жаҳон амалиётида саноат зоналари тадбиркорликни максимал экспортга йўналтириш учун ташкил қилинади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ташкил этилаётган кичик саноат зоналари қатнашчилари икки йил муддатга ягона солиқ тўловидан озод этилади. Агар имтиёзларнинг амал қилиш муддати давомида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг камида 30 фоизи экспорт қилинса, мазкур имтиёзлар яна икки йилга узайтирилади. Шунингдек, уларга давлат бинолари имтиёзли узоқ муддатли ижарага ёки “ноль” қийматда берилади.

Бугунги кунда кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган субъектларнинг аксарияти маҳсулотини ички бозорга сотишмоқда. Экспорт билан шуғулланаётганлар кам. Ички бозорга маҳсулот сотадиганлар субъектлар ҳамма солиқларни тўлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган субъектлар, нафақат экспортга йўналтирилган товарларни, айни пайтда, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаришмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай корхоналар учун ҳам имтиёзлар берилса (жумладан, ижара ҳақидан озод этиш) мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки, хорижий инвесторлар у ёки бу мамлакатга капитал киритишдан олдин, ундаги ишлаб чиқариш шароити, экспортга имкон ва хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги билан бир қаторда солиқ сиёсатига ҳам эътибор қаратишади. Шу сабабли, Ўзбекистонда фаолият юритаёган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун солиқ ставкаларини қўшни мамлакатларда амал қилаётган солиқ ставкаларидан юқори бўлмаслигини таъминлаш зарур.

Мамлакатимизда эришилаётган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий бўлишига оқилона амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар, жумладан, фаол инвестиция сиёсатининг олиб борилаётгани муҳим омил бўлиб хизмат қилиши керак.

[59]sampayarik.uz/uz/node/269

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРДА РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ АМАЛИЙ ТАДБИҚИ

А.А.Бектемиров – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектларнинг амалга ошираётган инвестицион лойиҳалари маълум бир таваккалчиликларга (рискларга) асосланади. Бундай ҳолатларда таваккалчилик даражасини баҳолаш ва уни пасайтириш учун кўриладиган чораларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги таваккалчилик даражаси дисперция, ўртача квадратик четланишлар ва вариация коэффициентлари ёрдамида ҳам аниқланади.

Тижорат таваккалчилиги бу бўладиган натижаларга ишончсизликни англатади. Тижорат таваккалчилигинин таркибий қисми бу молиявий таваккалчиликдир. Молиявий таваккалчилик бу қандайдир миқдордаги пул суммасини йўқотиш ёки ололмаслик хавфидир. Таваккалчилик икки хил бўлади: соф васпекулятив (чайқовчи). Соф таваккалчилик зарар кўришни ёки ноаниқ натижага эришишни билдиради. Спекулятив (чайқовчи) таваккалчилик ижобий, ҳам салбий натижаларга эришишни англатади.

Капитални инвестициялаш доимо инвестициялаш ва таваккалчилик вариантларини танлаш билан бирга бўлади. Тадбиркорликдаги таваккалчилик бошқа таваккалчиликларга ўхшаб, йўқотишнинг келиш эҳтимолини математик кўринишда ифодаланиши мумкин.

Таваккалчилик миқдори ёки унинг даражаси 2 мезон асосида ўлчанади:

1. Ўртача кутиш миқдори.
2. Кутилаётган натижанинг тебраниши.

Ўртача кутиш миқдори – бу ноаниқ ҳолатлар билан боғлиқ бўлган ходисаларнинг миқдорий кўрсаткичидир. Ўртача кутиш миқдори мумкин бўлган барча натижаларнинг ўртачаси ҳисобланиб бунда ҳар бир натижанинг эҳтимоли унинг частотаси сифатида фойдаланилади. Ўртача кутиш миқдори кутилаётган натижаларнинг ўртачасини ифодалайди. Ўртача миқдор ҳодисаларнинг умумлашма сонли характеристкаларини бериб у қайси вариантни қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги қарорни қабул қилишга асос бўла олмайди. Охирги қарорни қабул қилиш учун бу кўрсаткичларнинг тебранишини аниқлаш зарур. Яъни, кутилаётган натижаларнинг тебраниш миқдорини аниқлаш керак бўлади. Кутилаётган натижаларнинг - тебраниши кутилаётган миқдорнинг ўртача миқдордан четланишини билдиради. Бунинг учун амалиётда бир-бири билан жуда яқин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланилади: дисперсия ва ўртача квадратик четланиш.

Дисперсия қуйидаги формула орқали топилади[60]:

$$G^2 = \frac{\sum (x - \bar{x})^2 n}{\sum n},$$

[60]И.Т.Болабанов Основы финансового менежмента . Как управлять капиталом.- М.:“Финансы истатистика”, 1995г.

бунда:G^2 – дисперсия;
х – кузатилаётган ҳар бир ҳодиса учун кутиш миқдори;
$\overline{x}$- ўртача кутиш миқдори;
n - кузатувлар сони.
Ўртача квадратик четланиш қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$G = \sqrt{\frac{\sum (x - \overline{x})^2}{\sum n}}$$

бунда: G– квадратик четланиш;

Частоталар тенг бўлган пайтта бу кўрсаткичлар қуйидагига тенг бўлади:

$$G^2 = \frac{\sum (x - \overline{x})^2}{n}$$

$$G = \sqrt{\frac{\sum (x - \overline{x})^2}{n}}$$

Ўртача квадратик четланиш вариацияловчи белгининг бир хил ўлчовларида аниқланади. Дисперсия ва ўртача квадратик тебраниш абсолют тебраниш ўлчовларидир.

Таҳлил қилиш учун одатда вариация коэффицентидан фойдаланилади. Вариация коэффициенти ўртача квадратик четланишларнинг ўртача арифметик кўрсаткичига нисбати билан аниқланади, яъни

$$V = \frac{G}{\overline{X}} \times 100,$$

Бунда,V – вариация коэффициенти, %:

Варицция коэффициенти нисбий кўрсатгич бўлгани учун унинг ўлчамига ўрганилаётган кўрсаткичнинг абсолют миқдорлари таъсир кўрсатмайди. В

Бу кўрсаткичларни аниқлаш учун “Sarmoya quruvchi servis” масъулияти чекланган жамиятнинг Самарқанд туман Зарафшон 1-массиви ва Оқдарё туман Чоржуй массивида намунали уй жой қурилиши инвестицион лойиҳасининг маълумотлардан фойдаланамиз.

Лойиҳа бўйича дисперция ва ўртача квадратик четланишларни қуйидаги 1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб амалга оширамиз. Бунда ҳар бир ходиса учун эҳтимоллик даражасини 0,35 га тенг деб олиб (экспертлар хулосасига кўра), ўртача кутиш миқдорини аниқлаймиз, яъни:

$\overline{X}$ =0,19762х0,35 + 0,52064 х0,35 + 0,42302 х0,35 = 0,364448

Корхонанинг ҳисоб бўйича кутилаётган фойда кўрсаткичларини ҳамда ўртача кутиш миқдорини инобатга олиб ўртача квадратик четланишлар ва дисперция миқдорини ҳисоблаймиз.

1-жадвал

Дисперцияни ҳисоблаш жадвали

Ҳодиса номери	Кутилаётган фойда, млрд сўмда (X)	Ҳодисаларни кузатиш сони	$(X-\bar{X})$	$(X-\bar{X})^2$	$(X-\bar{X})^2 n$
1	-	3	-	-	-
2	0,19762	3	-0,20183	0,04074	0,122
3	0,52064	3	0,12119	0,01469	0,044
4	0,42302	3	0,14806	0,0056	0,002
$\bar{X}$ =0,39945		12			0,168

Юқоридаги маълумотлар асосида дисперция миқдорини аниқлаймиз:

$$\sigma^2 = \frac{\sum(x-\bar{x})n}{\sum n} = \frac{0{,}168}{12} = 0{,}014$$

Юқоридагига кўра ўртача квадртик четланиш қуйдагига тенг бўлади:

$$\sigma = \sqrt{0{,}014} = 0{,}118$$

У ҳолда вариация коэффиценти қуйидагига тенг бўлади

$$K = \frac{\sigma}{\bar{x}}100 = \frac{0{,}118}{0{,}39945}\ 100 = 29{,}5\%$$

Вариация коэффиценти миқдоридан кўриниб турибдики, қаралаётган лойиҳа бўйича риск катта бўлмаган тебранишлар зонасида ётибди. Бу эса инвестицион лойиҳани қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга асос бўлади.

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ТАШКИЛОТЛАРНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Ф.М.Даминов – катта ўқитувчи (СамИСИ)
Н.И.Эломонов – талаба (СамИСИ)

Амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда стратегик бошқарув – бу ташкилотнинг асоси сифатида инсон потенциалига таянишга, ишлаб чиқариш фаолиятини истеъмолчилар талабига йўналтиришга, ташқи муҳит вазиятига мос равишда рақобат афзалликларини яратувчи ташкилотдаги

ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган бошқарув фаолияти деб эътироф этиш имкониятини беради. Буларнинг барчаси умумлаштирилган ҳолда ташкилотлотга узоқ муддатли истиқболда фаолият юритиш ва ўз мақсадларига эришиш имкониятини беради.

Стратегик бошқарув объектлари сифатида ташкилот, стратегик хўжалик бўлинмалари ва ташкилотнинг функционал зоналари чиқади.

Стратегик бошқарув предмети тариқасида қуйидагилар чиқади:

- ташкилотнинг бош мақсадлари билан бевосита боғлиқ бўлган муаммолар;

- ташкилотнинг у ёки бу элементи билан боғлиқ бўлган муаммо ва қарорлар, гарчи бу элемент мақсадларга эриши учун зарур бўлиб, у бугунги кунда мавжуд эмас ёки етарли ҳажмда эга бўлмаса;

- назорат остига олиниши мумкин бўлмаган ташқи омиллар билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Стратегик бошқарув муаммолари одатда кўплаб ташқи омиллар таъсири натижасида юзага келади. Шунинг учун стратегияни танлашда хатоликларка йўл қўймаслик учун, ташкилот келажагига таъсир ўтказувчи иқтисодий, сиёсий, илмий – техник, ижтимоий ва ўзга омилларни аниқлаб олиш муҳимдир.

Стратегик бошқаришнинг ўзаги стратегиялар тизими бўлиб, улар ўз таркибига аниқ тадбиркорлик, ташкилий ва меҳнат стратегияларини олади. Стратегия – бу ташқи муҳитнинг ўзгаришига олдиндан режалаштиришган муносабати ва исталган натижага эришиш учун танланган ҳатти – ҳаракат жамланмасидир.

Стратегик бошқарувнинг моҳияти қуйидаги 3 саволга бериладиган жавобда жамланган:

1. Ташкилот бугунги кунда қандай ҳолатда?

2. Ташкилот 3,5,10 ойдан кейин қандай ҳолатда бўлишни истар эди?

3. Исталган натижага қандай усул билан эришиш мумкин?

Биринчи саволни ҳал қилиш учун ўтган, жорий ва келгуси вазиятларни таҳлил қилиш учун зарур бўлган тегишли маълумот базаси керак. Иккинчи савол стратегик бошқариш учун зарур бўлган жуда муҳим хусусият – келажакка йўналтириш йўлини акс эттиради. Учинчи савол танланган стратегияни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнда икки олдинги босқич корректировкаланади. Ушбу босқичнинг ниҳоятда муҳим элементлари бўлиб, мавжуд ёки олиниши мумкин бўлган ресурслар, бошқарув тизими, ташкилий структура ва ушбу стратегияни амалга оширувчи персонал ҳисобланади.

Стратегик бошқарув функциялари стратегик қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали амалга оширилади. Стратегик қарорлар – бу жорий қарорлар учун замин яратувчи ва кежакка йўналтирилган бошқарув қарорларидир. Улар назорат қилинмайдиган ташқи омилларни ҳисобга олиши ва катта миқдордаги ресурсларнинг жалб қилиниши ҳисобига аҳамиятли ноаниқликларга эга бўлиб, ташкилот учун фавқулодда жиддий ва узоқ муддатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Стратегик қарорлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ташкилотни реконструкциялаш;

- янгиликларни жорий қилиш (ташкилий – ҳуқуқий шаклни ўзгартириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни ташкил қилишнинг янги шакллари, таъминотчи ва истеъмолчилар муносабатларни ўзгартириш ва х.к)

- янги сотиш бозорларига чиқиш;

- ўзга ташкилотларни ўз таркибига олиш (қўшилиш).

Стратегик қарорлар бир қатор фақат унга хос бўлган хусусиятларга эга. Улардан энг муҳимлари:

- инновацион характерда бўлиши;

- истиқболий мақсадлар ва имкониятларга йўналтирилганлиги;

- стратегик алтернативаларнинг ноаниқлиги шароитида шакллантиришнинг мураккаблиги;

- баҳолашнинг субъективлиги;

- рискнинг юқори даражаси ва уни бартараф қилиш имкониятининг йўқлиги.

Стратегик бошқарув бир қатор принципларга асосланади ва уларни стратегияни амалга ошириш жараёнида албатта ҳисобга олиш зарур. Уларнинг асосийлари:

- *илмийликнинг санъат элементлари билан қотишмаси.* Менежер ўз фаолиятида кўплаб фанларнинг маълумотлари ва хулосаларига таянади, аммо шу пайтнинг ўзида доимий равишда импровизациялаши ва вазиятга индивидуал ёндашувларни излаши зурур. Бу масаланинг амалга оширилиши рақобат курашини олиб бориш санъатини эгаллаш билан бир қаторда, муаммоли вазиятлардан чиқиб кетиш кўникмалари, бош муаммоларга эътиборни жамлаш, ўз ташкилотининг энг аҳамиятли афзалликларини белгилаб олинишини назарда тутади.

- *стратегик бошқарувнинг мақсадлилиги*. Стратегик таҳлил ва стратегиянинг шакллантирилиши мақсадлилик принципига тобеъ бўлиши зарур, яъни доимо ташкилотнинг глобал мақсадларини амалга оширилишига йўналтирилган бўлиши керак. Импровизация ва интуицияга қарама – қарши тарзда, стратегик бошқарув ташкилотни чуқур ўйланган ва йўналтирилган ҳолда ривожлантирилиши ва бошқарув жараёнининг аниқ муаммоларни ҳал қилинишига қаратилишини назарда тутади.

- *стратегик бошқарувнинг қайишқоқлиги.* Бу принцип қабул қилинган қарорларга коррективалар киритиш ёки ўзгариб бораётган вазиятга мос тарзда вақтнинг исталган нўқтасида уларни қайта кўриб чиқиш имконияти бўлишини назарда тутади. Ушбу принципнинг амалга оширилиши тегишли жорий стратегиянинг ташқи муҳит талабларига мослигини баҳолашни ва ташкилотда рақобат курашининг кучайиши / пасайиши ва воқеаларнинг кўзда тутилмаган тарзда ривожланиши ҳолатида қабул қилинган сиёсат ва режаларни аниқлаштириш имкониятининг мавжудлигини таъминлайди.

- *стратегик режалар ва дастурларнинг бирлиги.* Турли даражадаги стратегик қарорларнинг муваффақиятига эришиш учун, улар келишилган ва бир – бири билан боғланган бўлиши зарур. Тижорат ташкилоти стратегик режаларининг бирлигига структуравий бўлинмалар стратегиясини

консолидациялаш ва функционал бўлимлар стратегик режаларини ўзаро боғланишини таъминлаш орқали эришилади.

- *стратегияни амалга ошириш учун тегишли шароитнинг яратилиши*. Стратегик режанинг ишлаб чиқилиши унинг муваффақиятли амалга оширилишини (амалиётга жорий қилинишини) таъминламайди. Стратегик бошқарув жараёни ўз таркибига стратегик режалар ва дастурларни амалга ошириш учун керакли ташкилий шарт – шароитларнинг яратилишини (яъни кучли ташкилий структурани, мотивациялар тизими ва бошқарув структурасини такомиллаштиришни) олиши зарур.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда ташкилот фаолиятини бошқариш тизимининг самарадорлиги биринчи навбатда ишлаб чиқилган стратегиянинг амалга оширилиши даражасига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида бошқариш жараёнларига стратегик бошқарув механизмларини жорий этишни тақозо этади.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДАГИ ТАСНИФИ

Б.Ф. Боронов – мустақил тадқиқотчи (СамИСИ)
Ж.А.Абдурасулов – талаба (СамИСИ)

Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармони билан «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тасдиқланди. Унинг асосида қабул қилинган давлат дастурларида кўрсатилган вазифаларнинг корхоналар томонидан бажарилишида корхона молиявий активлари, хусусан пул маблағлари муҳим рол ўйнайди.

Корхоналар фаолиятида пул маблағлари муҳим иқтисодий восита ҳисобланади. Пул маблағлари такрор ишлаб чиқаришга бевосита иштирок этади ва иқтисодий ўсишни таъминлайди. Пул шаклидаги маблағлар бозор муносабатлари орқали турли ресурсга айланади. Ушбу маблағлар иштирокида товарлар яратилади, улар сотилиб яна пулга айланади. Натижада иқтисодий жараён узлуксиз давом этади. Ҳар бир хўжалик юритувчи субект ўзининг иқтисодий жараёнини мунтазам равишда давом эттириши учун маълум миқдорда пул маблағларига эга бўлиши керак. Пул маблағлари ҳар бир мамлакатнинг валютаси ҳисобланади.

«Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белги. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир»[1].

Тарихдан маълумки, пулнинг эквиваленти ролини узоқ йиллар давомида олтин бажариб келган. Товар хўжалиги ва пул муомаласининг ривожланиши қоғоз пуллар, бошқа кредит воситалари, юзага келишига, кредит ва пул маблағларининг банкда бир счётдан иккинчи счётга ўтказилиши каби жараёнлар бўлишига олиб келган. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида пул маблағлари билан биргаликда пул эквивалентлари ҳам муомалада бўлади.

[1]Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида.-Т.: «Ўзбекистон», 1995, 217 б.

Пул эквивалентлари – бу пул маблағларига ўхшайдиган, лекин бошқача таснифланадиган активлардир. Улар пулли қоғозлардан иборат. Жумладан уларнинг таркибига пул қийматига эга бўлган йўлланмалар, чипталар, лоторея чипталари, қимматли маркалар ва бошқалар киритилиши мумкин. Бундай пул эквивалентлари корхона кассасида ва муомалада бўлади. Кўпинча пул эквивалентлари қисқа муддатли инвестиция шаклида намоён бўлади.

Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини бошқариш жараёни ўз ичига қуйидагиларни олади:

- пул маблағлари муомаласи вақтини ҳисобга олиш;
- пул маблағлари оқимини таҳлил қилиш;
- пул маблағлари оқимларини башоратлаш;
- ҳисоб-китоб счёти ва кассадаги пул маблағларининг оптимал миқдорини аниқлаш.

Пул маблағларининг аҳамиятини қуйидагилар билан асослаш мумкин:

* пул маблағлари жорий операцияларни амалга оширишда фойдаланилади. Корхонада пул маблағлари кирими ва чиқими орасида вақтинчалик узилишлар бўлганлиги сабабли доимо бўш пул маблағлари мавжуд бўлади;

* пул маблағлари ўзаро тўловларда ишлатилади, чунончи корхона фаолияти бозор ва бошқа ташқи омилларга боғлиқ;

* келажакда пул маблағлари инвестиция манбалари сифатида фойдаланилади.

Шундай қилиб, ҳар бир жамиятда пулга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши иқтисодий ва ижтимоий ўсишни рағбатлантиради, пул қадрининг тушиши эса тартибсизликка, жамият ривожланишида бошқа тўсқинликлар бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун пул маблағлари самарали фойдаланилиши ва унинг барқарорлигини таъминлаш керак.

Пулнинг барқарорлиги деганда, унинг сотиб олиниш қийматининг ўзгармаслиги, яъни унинг доимийлиги тушунилади.

Пулнинг сотиб олиш қобилияти шу пул бирлигига тўғри келувчи товар ва хизматлар миқдори билан ифодаланади. Бинобарин, пулнинг сотиб олиш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткич товарлар ва хизматлар баҳоси билан белгиланади. Агар товар ва хизматлар баҳоси барқарор бўлса, пулнинг сотиб олиш қобилияти ҳам барқарор бўлади. Агар пул ўзгармаган шароитда товарлар баҳоси ошадиган бўлса, бу ҳол пулнинг сотиб олиш қобилиятини пасайтиради ва аксинча, товар ва хизматлар баҳосининг тушиши пулнинг сотиб олиш қобилиятини ошганлигидан далолат беради.

Пул маблағлари ва пул эквивалентлари корхонада юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг муҳим объектига киради.

Пул маблағлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг **асосий вазифаларига** қуйидагилар киради**:**

***** пул маблағлари ҳолати ва ҳаракати устидан доимий назоратни олиб бориш;

* корхона кассасидаги пул маблағлари ўз вақтида банкга топширишни таъминлаш;

* кассада пул маблағларининг белгиланган миқдоридан кўп туриб қолишига йўл қўйилмаслик;

* пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш;

* пул маблағлари ҳаракатини ўз вақтида ва тўғри ҳужжатлаштириш;

* пул маблағлари бўйича моддий жавобгарликни ўрнатиш ва моддий жавобгар шахсларнинг фаолиятини доимий назорат қилиб бориш;

* пул маблағларининг бутлигини, талан-тарож бўлмаслигини назорат қилиш, бунинг учун уларни қонунда белгиланган муддатларда (ҳар ойда) инвентаризациясини ўтқазиш ва бошқалар.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб пулнинг моҳиятини қуйидаги таърифини бердик: **пул** – бу юқори ликвидли молиявий актив, махсус товар ҳамда умумий эквивалент бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда абстракт меҳнат харажатларини ўзида акс эттиради ва ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди. Бундай молиявий активларга ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари, кассадаги пул маблағлари, йўлдаги пул маблағлари, махсус счётлардаги пул маблағлари ва бошқа пул эквивалентлари киради.

Пулнинг хусусиятларини қуйидагича ифодалаш мумкин, биринчидан, пул бошқа товарлардан ажралиб турувчи махсус товардир; иккинчидан, пул бу умумий эквивалент - ягона товар бўлиб, қолган товарларнинг қийматини ўзида ифода қилади, учинчидан, пулнинг эквивалент сифатида товарни яратишга кетган меҳнат ва бошқа харажатларини ўзида ифода қилиши; тўртинчидан, пулнинг хар бир иқтисодий тизимда, товар ишлаб чиқаришда кишилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларини ифодалайди.

Бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида пул маблағларини маълум белгиларига қараб қуйидагича таснифлаш мумкин.

Кўринишига кўра пул маблағлари иккига бўлинади:

• *Миллий валютадаги пул маблағлари* – бу давлат томонидан метал ва қоғозларда қиймати ифодаланган, муомала, айирбошлаш, баҳолашда умумий эквивалент ролини бажарарувчи махсус банк белгилари. Пул белгилари бўлиб бизнинг мамалакатимизда сўм ва тийинлар ҳисобланади.

• *Чет эл мамлакатлари пул маблағлари* – бу ўзга давлатларнинг метал ва қоғозларда қиймати ифодаланган, муомала, айирбошлаш, баҳолашда умумий эквивалент ролини бажарарувчи махсус банк белгилари. Уларга АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, ЕВРО ва бошқа мамлакатларнинг миллий валюталари киради. Чет элмамлакатлари валюталаридан ўзаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш давлатлараро келишувларга асосан амалга оширилади.

Сақлаш жойига қараб пул маблағлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

• *Банкдаги пул маблағлари* – бу корхонанинг хизмат қилувчи банкларда очилган депозит счётларида сақланаётган пул маблағлари. Корхона битта асосий, ҳоҳлаганча махсус депозит счётларни хизмат қилувчи банкларда очиши ва уларда ўз пул маблағларини сақлаши мумкин. Чет эл валютаси билан муомаларга эга бўлган корхоналар хизмат қилувчи банкларда битта асосий ва ҳоҳлаганча махсус валюта счётларини, масалан, конвертация учун, консигнацион товарлар учун ва бошқа мақсадлар учун, очишлари мумкин.

•*Кассадаги пул маблағлари* – бу корхонанинг кунлик эҳтиёжлари учун зарур бўлган, турли мақсадлар ва манбалардан келиб тушган, белгиланган муддатлар ва миқдорларгача сақланадиган кассадаги пул маблағлари. Кассада сақланиши мумкин бўлган пул маблағларининг энг кичик миқдори касса лимити деб аталади ва у банк ҳамда корхона томонидан белгиланиб, хизмат қилувчи банк билан тузилган шартномада кўрсатилади.

Йўлдаги пул маблағлари – бу корхона кассасидан банкга турли йўллар билан топширилган, масалан инкассаторлар орқали, алоқа бўлими орқали, банкнинг кечки кассалари орқали, аммо ойнинг охирида ҳали ҳисоб-китоб счётига кирим қилинганлиги банк кўчирмаси билан тасдиқланмаган пул маблағлари. Пул маблағлари ҳисоб-китоб счётига кирим қилинган кундан бошлаб улар йўлдаги пул маблағлари ҳисобланмайди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида пул маблағларидан самарали фойдаланиш, ҳисоб-китобларни янада такомиллаштириш қуйидаги таклифлар асосида амалга оширилиши керак деб ҳисоблаймиз:

•Нақд пулсиз айланмасининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш. Ўзбекистонда нақд пулсиз айланмасининг қонунчилик асослари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуни.

• Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар фақат банкларда очилган ҳисоб-рақамлар орқали амалга оширилиши керак. Мижозлар ҳисоб рақам очишда банкларни эркин танлаш ҳуқуқига эга. Барча нақд пулсиз тўловлар тўловчининг жорий ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳисобидан тўлиқ амалга оширилиши лозим.

• Пул маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш кўп жиҳатдан корхоналарда пул маблағларининг ҳаракатини оптимал бошқаришни ташкил этиш ва улар устидан назоратни яхшилашга бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида корхона ва ташкилотларда пул маблағлари ва пул эквивалентлари ҳисобини тўғри олиб бориш билан боғлиқ.

• Корхоналарнинг банкдаги счётларига келиб тушаётган пул маблағлари, уларнинг мақсадли фойдаланилиши ҳам банк томондан ҳам хўжалик юритувчи субъект томонидан доимий равишда назорат қилиб борилиши керак.

МИЛЛИЙ ИННОВАЦИОН ТИЗИМ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР.

Б.Ф. Боронов- СамИСИ мустақил тадқиқотчи
Ж.А.Абдурасулов- СамИСИ БҲ116-гуруҳ талабаси.

Бугунги ривожланаётган бозор иқтисодиёти даврида мамлакатда миллий инновацион муҳитни шакллантириш, авваламбор, доимий равишда маҳсулот турларини янгилаш, ишлаб чиқаришдан келган фойда ҳисобига янги техника базасини шакллантириш ва шу аснода унумли маҳсулотни инновация асосда ташкил этиш учун жуда ҳам муҳимдир. Айни пайтга келиб, дунё миқёсида

айниқса ривожланган мамлакатларда инновацион ишланмаларни яратиш, оламшумул тараққиёт натижаларини сотиш ва сотиб олиш энг илғор фаолият турларидан бўлиб бормоқда. Шу мақсадда айрим ривожланган мамлакатлар инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга ва такомиллаштиришга урғу бермоқдалар. Чунки, мамлакатдаги инновацион тизимнинг мавжудлиги ижтимоий ҳамда иқтисодий тусдаги муаммоларни қисман бўлса ҳам бартараф этишга ижобий имкон беради. Шуни таъкидлаш жоизки, йилдан-йилга мамлакатимизда замонавий илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда, кенг миқёсда инновацион ишланмалар ҳаётга жорий этиб келинмоқда, бу эса ўз навбатида янги технологиялар ва инновацион ишланмаларнинг яратилишига, ишлаб чиқариш жараёнини техник ва технологик қайта жиҳозлашга, модернизация жараёнларини жадалаштиришга, ички бозорни тўйинтирган ҳолда ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотларни чиқаришга, яъни ишлаб чиқариш кўламини ошишига замин яратмоқда. Шу ўринда Америкалик олим Я.Шумпетернинг фикрини келтириб ўтадиган бўлсак, тадбиркорликнинг новаторлик характери қуйидагиларда акс этади:

- Бозор учун янги товар ишлаб чиқариш;
- Ишлаб чиқариш жараёнларига янги технологияларини тадбиқ этиш;
- Янги сотиш бозорларини ўзлаштириш;
- Хом-ашёнинг янги турлари ва манбаларини излаб топиш;[61]

Агарда бу миллий тизим сифатида аралашадиган бўлса, инновацион ишланмалар даставвал, янги маҳсулот турини яратишга, унинг ишлаб чиқариш жараёнини замонавий технология асосида тадбиқ этишга, тайёр бўлган маҳсулотни ўз бозорини топишга, бозорда рақобатбардошлик даражаси ҳамда бундан кейин ҳам уни такомиллаштиришга, маҳсулот турини янада шакллантиришга, энг асосийси эса миллий инновацион тизимнинг(МИТ) бир бўлаги бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу мақсадда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008-йил 15-июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 20-майдаги “Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари мамлакатимизда миллий инновацион ишланмалар ҳамда илм-фанда янги муҳим ўзгаришларга туртки бўлди.[62] Шунингдек, иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида академик фанларнинг аҳамиятини янада ошириш, Фанлар академиясининг нуфузини юксалтириш ва фаолиятини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини бошқариш ва тартибга солишнинг ягона тизимини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини ошириш мақсадида Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-йилнинг 17-февралдаги ПҚ2789-сонли қарори қабул қилинди.

[61] Шумпетер Я. Терория экономического развития. Москва. “Прогресс”. 1982.
[62] www.uzscience.uz

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш, илм-фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграцион механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, илмий-техник фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Фан ва Технологиялар агентлигини ташкил этишни таклиф этилишига розилик берилиши, Агентликга мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш вазифалари ва замонавий илм-фан ютуқларини инобатга олган ҳолда, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш тадбирларини бажариш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бажарилиши бўйича илмий-техник хизматлар кўрсатишда давлат топшириқларини шакллантириш, ҳар йилги Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўтказилишини ташкил этиш ва ҳамда унинг доирасида имзоланган шартномаларнинг бажарилиши бўйича мониторинг олиб бориш каби соҳада муҳим жиҳатлар бирма-бир таъкидлаб ўтилди.[63]

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда миллий иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизни келажакда бунданда яхши марраларга эришишини таъминлайдиган, жаҳон бозорида рақобатбардошлиги билан фарқланувчи маҳсулот ишланмалари ҳамда буларнинг асосида мақсадли инновацион лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Бунга яққол мисол қилиб, жорий йилнинг 10-12-май кунлари пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар мажмуасида Ўнинчи Республика инновацион ғоялар, технологиялар ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмарканинг якуни бўйича олий таълим ва илмий муассасаларнинг инновацион ишланмалар истеъмолчилар ўртасида умумий қиймати 33,3 млрд сўмга тенг яъни 457 та шартнома имзоланди.[64]

Мамлакатимиз миллий инновацион тизимни ривожлантириш учун илмий, меъёрий-хуқуқий асосларга эга, шунингдек кадрлар масаласида ҳам етарли даражада бўлиб, мавжуд салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишга ҳаракат қилиниб келинмоқда. Аммо Инновацион Марказлар сони мамлакатимизда саноқли бўлиб, изланишлар кўлами ҳали юқори суръатларда дея айта олмаймиз. Мамлакатда МИТ яратилиши катта иқтисодий самара берадиган ва мукаммал ишланмаларнинг тижоратлашувини жадаллаштириш каби янада қўшимча афзалликлар беради. Бунинг учун, аввало инновация тузилмаси шаклланиши зарур. Иқтисодиётда рақобатбардош кадрлар масаласи муҳим бўлиб, Илмий-амалий, юқори технолгияларга асосланган марказлар, олий ўқув юртлари фаолиятида ҳам айрим ўзгартиришлар киритиш лозим, яъни ўқув жараёнини бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан уйғунлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарига олий ўқув муассасаларининг бириктирилиши ҳамда улар қошида илмий инновацион текшириш марказлари ташкил этилиши,

[63] www.press-service.uz
[64] www.uzscience.uz

кадрлар тайёрлаш масаласида хориж тажрибасини ўрганган ҳолда миллий тизимни шакллантириш, юқори ҳажмда фаолият юрита оладиган технопаркларнинг маҳсулот турига қараб ташкил этиш, ҳозирги кунда оммалашиб бораётган кичик инновацион асосга эга бўлган Старт-уп(Start-up) фирмалари ташкил этилиши ва уларни доимий равишда молиялаштирилиб бориш зарур. Хориж тажрибаси сифатида Германияни мисол келтирадиган бўлсак, таълим тизими турлича шаклланган бўлсада, асосий эътибор натижага қаратилади. Ривожланган мамлакатлар талабаларни асосан икки йўналишда ўқитади. Биринчи йўналиш – иш берувчиларнинг талаби доирасида билим ва кўникмалар берилади келгусида талаба ўз иш ўрнини топиши учун ОТМ ва иш берувчи ўртасида шартнома имзоланади. Шунингдек, асосий мутахассислик фанлар назарияси бевосита иш жойларида ташкил этилади, сўнгра битирувчи талаба қўшимча тайёргарликсиз иш фаолиятини бошлайди. Иккинчи йўналиш – талабанинг кейинчалик илмий-тадқиқот фаолиятига урғу бериш бўлиб, келгусида тараққиётга ўз ҳиссасини қўшишига катта имкон беради. Инновацияларни янада кенгайтириш ва инновацион инновацияни ривожлантиришда нафақат замонавий технологияларга, балки иқтисодиёт, патентлаш, менежмент, маркетинг соҳасидаги билимли ва юқори салоҳиятли малакали мутахассислар талаб этилади(1-Расм). Зотан, МИТнинг шаклланиши мамлакатда мавжуд салоҳиятдан етарлича фойдаланилаёганидан, иқтисодий ўсишда яхши натижаларга эришишдан далолат беради.

1-расм. МИТнинг шаклланишидаги боғлиқликлар кетма-кетлиги.



Мухтасар қилиб айтганда, бугунги замон барча соҳалар сингари илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Зеро, жамият олдида турган ҳеч бир муаммо илм-фансиз ечилмайди. Илм-фаннинг юксак интеллектуал салоҳияти ва юқори технологияли ишланмалари инновацион иқтисодиётни ривожлантириш асоси ҳисобланади. Давлат аҳамиятига молик бўлган инновацион ишланмаларни амалга ошириш ва инновацион иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш сари муҳим ишларни амалга оширмоғимиз зарур. Шунинг учун ҳам инновацион янгиликларни бошқаларданда кўра тезроқ амалиётга жорий этиш мувафаққиятга эришишнинг истиқболидир.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА САВДО КОРХОНАЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Нозимов Э.А. – “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси ассистенти,СамИСИ
Нурмухаммедов С. – СамИСИ, МК – 516 гурух талабаси

Минтақавий иқтисодиёт реал тармоғининг баркарор иқтисодий ривожланишини инвестиция жараёнида банкларнинг фаол қатнашишига боғлиқ бўлиб, бунда давлат томонидан банкларни иқтисодиётнинг реал тармоғига мақсадли йўналтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз банк тармоғи ривожланишини характерловчи хусусиятлар, унинг савдо корхонаси билан ўзаро таъсирини билиш мухимдир.минтақаларда инвестиция ресурсларини жамлашнинг аниқ шакллари, банк ва савдо капиталини интеграциялашга йўналтирилган тадбирлар, минтақа миқёсида инвестиция ва инновация фаолликни рағбатлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилиниши мухимдир. Савдо корхоналар маблағларга эҳтиёжни устивор даражада микроиқтисодий вазият блгилайди. Юзага келаётган кулай шарт шароитларда кўплаб динамик ривожланувчи корхоналар ўзларининг молиявий фаолиятини ўз айланма маблағлари ҳисобидан олиб боришади ва олинган банк кредитларидан фойдаланишда юксак самарадорликни таъминлашади. Аксинча ҳолларда, яъни ялпи ички маҳсулот камайиши, инфляция ўсиши ва бошқа шу каби ҳолларига олиб келувчи турғунлик тенденциялари эса, реализация ҳажмининг қисқаришига, бу эса ўз навбатида хўжалик юритувчи субектнинг кредитларга бўлган эхтиёжини ўсишига ва хроник тарздаги ссуда қарздорлигининг ўсишига олиб келади.

Ҳозирги шароитда корхона реализация ҳажмининг ўсиши учун нафақат айланма капитални молиялаштиришга харажатларни ошириш лозим, балки асосий капитални молиялаштиришга айниқса бундай ҳол савдо тармоқларига биринчи навбатда тегишлидир. Шу туфайли хўжалик юритувчи субектлар томонидан маблағларга бўлган эҳтиёж талаби ўрта муддатли ва узоқ муддатли қарз ва кредитлар томонига қараб ўзгаради.

Кредит ташкилотларининг ресурсларни ҳар доим узоқ муддатли кредитларни савдо тармоқларни ривожлантиришга йўналтириш имконини бермайди. Шунинг учун ҳозирги вақтда кредит ташкилотлари иштироқида инвестицион фаолликни давлат томонидан кўллаб-кувватланиши мухим аҳамият касб этади. Республикамизда шунинг учун ҳам банкларнинг ресурс базасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва унинг манбаларини шакллантириш, жамғармаларни, жалб қилинадиган пул ва бошқа активларни инвестиция ресурсларига айлантириш демакдир. Амалиётда бу қайд қилинган маблағлар такрор ишлаб чиқаришдан олиниб, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Инвестицияларни молиялаштириш ҳажми ўсишининг яна бир асосий манбаларидан бири – фойда бўлиб, амортизация ажратмаларидан фарқли ўлароқ, фойда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш харажатларни қоплаган ҳолда, иқтисодиётга қўшимча молиявий оқим кириб келишини таъминлайди. Шу хусусдан фойда бошқа пул оқимлари билан ўрин алмаша олмайди. Фойданинг бир қисми ишлаб чиқаришга қаратилган инвестицияларга йўналтирилиши керак. Бундай қарор қабул қилиш корхонанинг ривожланиш истиқболи ва молиявий имкониятини аниқлаб беради. Этиборга олиш лозимки бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни молиялаштириш ҳажми акцияларга ҳам ўсиши мумкин, бундай шароитда акциялар қўйидаги афзалликларга эгадир:

- Олди сотди иштирокчилари ўртасида биржадан ташқари келишув шартномасини мутлақ эгаллаш;
- Бозор иқтисодиёти шароитида пул айланишининг асосий улушига эга бўлиш;
- Хусусийлаштирилган корхоналарнинг назорат пакетини истиқболли инвесторлар томонидан сотиб олиниши хисобига тўғри келиши;
- Жорий даврда инвестицион жараён тез пулга айланиши мумкин бўлган акцияларда акс этиши;
- Давлатда рўй бераётган сиёсий жараён билан бозор шароити ўртасида узвий алоқа ўрнатилиши;
- Дунё конъюктураси ўзгаришларига нисбатан акцияларни баҳолашнинг таъсирчанлиги ва ҳк.

Инвестицияларни молиялаштириш ҳажми марказлаштирилган маблағлар ҳисобига ҳам ўсиши мумкин, унга республика бюджети, маҳаллий бюджет, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ва ҳукумат кафолати остида жалб қилинган хорижий инвестицияларни киритишимиз мумкин. Республикамизнинг тасдиқланаётган инвестиция дастурида марказлаштирилган инвестицияларнинг салмоғи жами инвестицияларда 35 фоизни ташкил этиши режалаштирилган. Демак, замонавий инвестиция сиёсатида марказлаштирилган инвестицияларнинг улушини қисқартириш ва корхоналарнинг шахсий маблағлари, аҳолининг бўш маблағлари ва бевосита чет эл инвестицияларини жалб қилишни кўпайтириш масаласи асосий масалалардан ҳисобланади.

Республикада худудий ва маҳаллий бюджетлараро инвестицион жараёнлар амалга ошишини қуйидагиларга бўлиб кўриб чиқиш мумкин.

Республика бюджетига бир тарафдан, ягона иқтисодий юксалишни сақлашга қаратилган ва умумбашарий манфаатдан келиб чиқувчи истиқболли инвестицион дастурларни таъминлаш, шунингдек, макроиқтисодий тизим барқарорлигини шакллантириш шартларидан бири сифатида халқ хўжалигини баланслаштиришга эришишдан иборат вазифа юклатилган. Бошқа томондан эса, марказнинг асосий функцияси, бюджет, солиқ воситаси орқали қуйи бўғинларга таъсир этиш ва нафақат инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш, балки инвестиция талабини ошириш учун қулай инвестиция мухитини яратиш ва мавжуд шароитни яхшилашга қаратилган бўлиши керак.

Банк тизими ва қимматли қоғозлар бозори қарз маблағларини молиялаштиришнинг манбалари бўлиши мумкин. Корпоратив облигацияларни сотиш йўли билан қимматли қоғозлар бозоридаги ресурсларни жалб қилиш имкони ҳам туғилади. Кейинги йилларда корпоратив облигациялар бозорининг ривожланиши фаоллашиб бормоқда. Банк секторидан кредитларни жалб қилиш йўли билан ҳам инвестициялашни амалга оширса бўлади. Аммо бозор иқтисодиёт асосини ташкил қилувчи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш механизмида банк тизими орқали аҳолининг жамғармаларини инвестицияга йўналтириш масаласи суст кечмоқда. Барча инвестицияларнинг арзимаган қисмигина тижорат банклари улушига тўғри келмоқда.

Молиявий тақчиллик даврида иқтисодий ўсиш барча факторлардан самарали фойдаланиш натижасида амалга ошади.Молиявий потенциалнинг катта қисми айланма капиталнинг етишмаслиги ва инвестицион имкониятнинг пастлиги сабабли тўлиқ фаолият юритмаяпти. Шунинг учун инвестиция фаолиятида селенгдан фойдаланиш бизнинг фикримизча мақсадга мувофиқдир.

Молиялаштиришнинг ташқи манбалари чет эл банкларнинг кредитлари, халқаро банклар кредитлари кўринишидаги чет эл инвестициялари бўлиши мумкин. Чет эл капиталини жалб қилиш ҳар қандай иқтисодиётга хосдир.

Бугунги кунда савдо корхоналарини ривожлантириш ва тиклаш учун йирик инвестицияларни амалга ошириш тавсия этилади.

Хозирги даврда инвестицияга муҳтож савдо корхоналарнинг кўпчилиги уларни жалб қилиш ва фаолият кўрсатишга тайёр эмаслар, яъни кўп корхоналарнинг аниқ истиқболлари йўқлиги, корхоналарни бошқариш бўйича чет эл инвесторларни жалб қилиш талаб даражасида эмас. Бунинг учун эса корхоналарга ўз ва чет эл инвестицияларини жалб қилишни амалга ошира оладиган аниқ концепцияси яратилиши лозим.

ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

А.Азизқулов СамИСИ ф.ф.н.
А.Алимов СамИСИ ўқит.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз ижтимоий тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Мазкур Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй –жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик–коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга оид қатор тадбирлар аниқ белгилаб берилди[65].

Айниқса янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш Ҳаракатлар стратегиясида энг долзарб вазифа деб белгиланди.

Бу муаммоларни ҳал этишда тизимли ёндашиш зарурлиги ҳамда барча зарурий воситалардан фойдаланиш аниқ кўрсатиб берилди. Хусусан, банк хизматлари фаолиятидан унумли фойдаланиш аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бошқа фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Аҳолининг комунал–маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш вазифалари белгилаб берилади.

Бу вазифаларни амалга ошишида тижорат банклари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда тижорат банклари фаолияти тубдан ислох этилди. Одамларнинг кредит сўраб банкларга бориши эмас, банкларнинг хонадонларга бориб кредит олишларини таклиф этишдан иборат дунёда андозаси бўлмаган самарали тизим ишлай бошлади[66]. Ҳар қандай қоғозбозлик ва ортиқча расмиятчиликка барҳам берилди. Банк маърифати

[65] Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари Т.:ҒафурҒулом номидаги накшриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.-41 бет

[66] Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари Т.:ҒафурҒулом номидаги накшриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.-25 бет

сингари иборалар таомилга кирди ва уларнинг ҳолатига жамоатчилик томонидан баҳо бериб борилади. Тижорат банклари фаолияти мижоздлар тамонидан ижобий баҳоланмоқда.

Ҳозирги вақтда эса банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтиришга оид тадбирларга катта эътибор қаратилмоқда. Банк тизимини ислох қилиш натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш хажмини янада ошириш мақсадида банклар ва худудлар бўйича 2017 йилнинг 25 май холатига кўра , 281458 та ҳолатда мазкур мақсадлар учун 1,9 триллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, 285400 та иш ўринлари яратилди. Тижорат банклари томонидан 2017 йилнинг 25 май ҳолатига кўра, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 1,2 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Тижорат банклари томонидан 2017 йилнинг 25 май ҳолатига кўра, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилиш мақсадида 844 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди[67]. 2018 ҳамда жорий 2019йилларда бу борада тижорат банклари фаолияти янада жадаллашмоқда

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак аҳоли бандлиги ва реал даромадларини ошишларига оид ижтимоий соҳани ривожлантиришда тижорат банклари энг асосий восита ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек янги иш ўринларини яратиш, меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга оширишда тижорат банклари фаолияти яққол намоён бўлмоқда.

ИНВЕСТИЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ В ЦЕЛЯХ ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Бердикулов В., СамИЭС
Мурадова Н., СамИЭС
Рашидов Б., СамИЭС

Инвестиционная активность территории определяется объемом привлеченных инвестиций, как и в целом, так и по отраслям экономики. Условием развития социально-экономического уровня является инвестиционный поток. Под инвестиционной привлекательностью следует понимать совокупность экономических и финансовых показателей. Данная актуальность обоснована на государственном уровне, т.е. активное

[67] Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари Т.:ҒафурҒулом номидаги накшриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.-73 бет

привлечение инвестиций в отрасли экономики и регионы страны путем улучшения инвестиционного климата, где конечной целью станет развитие и либерализация экономики[68].

Имеются основные показатели, характеризующие инвестиционную привлекательность и эффективность функционирования региональной экономики. Эти показатели включают в себя:

- внутренний региональный продукт;
- внешнеторговый оборот;
- уровень капитальных вложений;
- объем промышленного производства;
- уровень жизни населения;
- уровень безработицы;
- уровень потребительских цен;
- среднемесячная заработная плата населения и т.д.

Все вышеперечисленные факторы взаимосвязаны между собой и дают комплексную экономическую оценку состояния региона.

В последнее время в научной работах актуальность преобретаются в большом количестве исследований по вопросам экономитрических анализов и моделей развития инвестиционных потоков[69], а также прогнозирование экономического развития, в т.ч. применительно к инвестиционым секторам[70].

К основными задачам в целях либерализации экономики можно отнести

устранение административных барьеров и инфраструктурных ограничений для развития инвестиционной деятельности;

совершенствование финансовых механизмов государственной поддержки инвестиционной деятельности;

создание условий для повышения инновационной активности хозяйствующих субъектов.

Объем инвестиций в основной капитал в текущем периоде составил 60 719,2 млрд.сум или 107,1% к соответствующему периоду прошлого года. Если рассмотреть данный показатель по источникам финансирования, то в текущем периоде большая часть освоенных инвестиций в основной капитал приходиться на долю привлеченных средств — 34 057,3 млрд.сум или 56% от общего объема освоенных инвестиций в основной капитал, а за счет собственных средств предприятий и населения освоено 26 673,5 млрд.сум или 44% от общего объема освоенных инвестиций в основной капитал. В составе привлеченных средств большую долю занимают прямые и другие негарантированные иностранные инвестиции и кредиты. Прямые и другие негарантированные иностранные

[68] Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. (Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354).

[69] Байхонов Б.Т., Бустонов М.М., Вахидов Б.В. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестициялар тақсимланишида эконометрик моделларнинг назарий ва амалий асослари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 г.;

[70] Абдуллаев А.М. Основные проблемы прогнозирования в условиях рыночной экономики. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2014 йил;

инвестиции и кредиты составляют 20,4% и 36,4% от общего объема освоенных инвестиций в основной капитал. [71]

Вышеизложенные цифры говорят о возможности потенциала и инвестиционной активности страны. Но в данном тезисе мы решили отдать предпочтение определения инвестиционного климата как набор внешних по отношению к предприятию факторов, поддающихся учету в его инвестиционной деятельности, формируемых на уровне региональной экономической системы и, в то же время, испытывающих влияние со стороны инвестиционной привлекательности хозяйствующих субъектов и инвестиционной активности регионе.

Вне сомнения, часть факторов, определяющих инвестиционный климат региона, в пределах которого функционирует хозяйствующий субъект, не поддаются воздействию со стороны менеджмента отдельного предприятия и могут быть лишь учтены при разработке его стратегии развития (в том числе стратегии инвестиционного развития). В тоже время, очевидно, что инвестиционный климат в известной степени следует рассматривать и как производную деятельности региональных хозяйствующих субъектов, прежде всего деятельности, направленной на привлечение инвестиционных ресурсов, их освоению, формированию высокого уровня результативности и инвестиционной привлекательности. Это следует, на наш взгляд из того обстоятельства, что нельзя ожидать высокую активность инвесторов (а именно по ней судят о благополучии инвестиционного климата территориально-организованной экономической системы), если предприятия региона низкоэффективны и не привлекательны для инвесторов.

Взаимозависимость и взаимодополняемость категорий «инвестиционный климат» и «инвестиционная привлекательность» отражены в рис. 1.



Рисунок 1. Природа взаимодействия инвестиционного климата, инвестиционной привлекательности и инвестиционной активности

[71] Инвестиции в основной капитал за январь-декабрь 2017г. Обзор государственного комитет Республики Узбекистан по статистике. Управление статистики инвестиций и строительство. Ташкент, 2018 г.

Делая вывод, хотим отметить, что взгляды на инвестиционный климат как на совокупность инвестиционной привлекательности и инвестиционной активности в значительно большей степени приемлемы для определения данного понятия с точки зрения общерегионального уровня. Кажется очевидным, что привлекательный в инвестиционном отношении регион отличается ростом инвестиционной активности, а значит лучшим инвестиционным климатом.

Говорить об инвестиционном климате предприятия неправомерно – скорее само предприятие через уровень результативности и инвестиционной привлекательности влияет на активность инвесторов и на инвестиционный климат, который таким образом выступает как фактор среды, способный, при этом, поддаваться учету при разработке стратегии инвестиционного развития хозяйствующего субъекта отрасли экономики.

Факторами формирования инвестиционного климата в регионе выступают и местные органы власти, которые своей деятельностью (прежде всего в области законотворчества и кредитной политики) воздействуют на инвестиционную активность и инвестиционную привлекательность региональных предприятий. Не случайно среди рассмотренных нами факторов развития инвестиционного климата преобладают те, что характеризуют параметры, в значительной степени поддающиеся воздействию со стороны региональных властей.

Региональные власти влияют, кроме того, и напрямую на инвестиционную привлекательность субъектов территориально-организованной экономической системы, путем тех или иных управленческих воздействий.

ФИНАНСОВО-ДЕЛОВАЯ АКТИВНОСТЬ ПРЕДПРИЯТИЙ СФЕРЫ УСЛУГ

Ахмедова А.Т-СамИЭС, асс.

Финансово-деловая активность предприятий сферы услуг является одним из основных факторов обеспечения структурных преобразований, связь между экономической активностью и экономическим ростом взаимообусловлена.

Активизация финансово-деловой активности достигается за счет увеличения объема ресурсов и его эффективного использования в приоритетных субъектах сферы услуг.

Финансово-деловая активность предприятий и его уровень оказывает существенное влияние на объем национального дохода страны, а динамика их формирования – на деятельность субъектов сферы услуг. Для достижения оптимальной структуры субъектов сферы услуг необходимо регулирование потоков и уровня оказываемых услуг в отраслевом, технологическом и воспроизводственных аспектах.

В последние годы изменилась деловая активность сферы услуг. Основным фактором роста роли финансово-деловой активности предприятия

должны стать внутренние ресурсы – сбережения населения и накопления. Для их эффективного использования необходимо дальнейшее развитие финансовой инфраструктуры – банковской системы, фондового рынка и рынка страховых услуг. На накопление собственных средств предприятию направляются отчисления от амортизации и прибыли. Одним из основных источников собственных средств является амортизация. Разные расчеты показывают, что снижение только на один процентный пункт уровня капиталоемкости приводит к приросту добавленной стоимости до 10%. Этот резерв может быть использован в процессе производства за счет мер, связанных с модернизацией оборудования и совершенствованием амортизационной политики.

В странах с развитой рыночной экономикой амортизация является важнейшим источником вложений, на нее приходится около 40% общего объема затрат предприятий. В Узбекистане амортизационные отчисления составили лишь 9,6% от уровня собственных средств, направляемых на развитие сферы услуг, и 6,6% от общего объема капитальных вложений.[72] Увеличение собственных средств субъектов сферы услуг станет возможным с пересмотром размеров амортизационных отчислений с максимальным приближением их к нормам, существующим в странах с рыночной экономикой.

В настоящее время финансово-деловая активность предприятий и экономический рост в большем числе стран поддерживаются и укрепляются участием иностранного капитала. Предприятия формируют производственный капитал на новой научной и технической базе и предопределяют конкурентную позицию страны на мировом рынке.

Финансово-деловая активность продолжает быть движущей силой процесса глобализации, характеризующего современную мировую экономику. Наибольший удельный вес пришелся на легкую промышленность. Доля вложений в эту отрасль выросла и составила 49,4% от общего объема, направляемых на развитие промышленности. Значительный рост капитала предприятий в легкую промышленность был обусловлен созданием СП в текстильной промышленности. Однако существует ряд проблем, с которыми пришлось столкнуться субъектам сферы услуг в связи с вложением средств.

Во – первых, предпринимательский капитал вкладывается в национальную экономику одноразово (при покупке или создании субъекта сферы услуг), в то время как репатриация прибыли происходит постоянно, и рано или поздно наступает момент управления ввезенного и вывезенного капитала. Вопрос о реинвестировании прибыли достаточно деликатен, и его решение зависит от большого количества факторов, в частности, от общего инвестиционного климата в стране и условий конвертируемости национальной валюты.

Во – вторых, предпринимательский капитал приходит, как правило, в те субъекты сферы услуг, где возможна максимальная прибыль, что может вызвать непропорциональное с точки зрения национальных интересов развитие сферы услуг в целом. Кроме того, встает вопрос об экологически «грязных»

[72] По данным Госкомстат Республики Узбекистан за 2018г.

предприятиях, которые вывозятся из развитых стран с более строгими экологическими нормами в менее развитые, с низкими экологическими требованиями.

В – третьих, масштабы привлечения капитала ограничено, связаны с динамикой государственного долга страны. Конечно, большинство кредитов, предоставляемых Узбекистану, имеет льготный характер, но, во – первых, это еще не прямые вложения, а во- вторых, в условиях крупномасштабного внешнего капитала выплаты даже по льготным процентам могут составить довольно значительную величину и стать непосильным бременем для отечественной экономики. Помимо глубоких фундаментальных причин на динамику ресурсов повлиял ряд факторов технического характера: ухудшение финансового положения в ряде субъектов сферы услуг. Собственные средства это, прежде всего прибыль, а она на протяжении многих лет, особенно у субъектов в хозяйстве, обнаруживает тенденцию к снижению.

Прямые вложения сыграли свою позитивную роль на отдельных прорывных направлениях: развитие сферы услуг (туризм, банковские услуги, и так далее). Однако значительное число зарегистрированных совместных предприятий сферы услуг еще не начали финансово – хозяйственную деятельность, не полностью внесены средства в их уставные фонды, слабо развиваются услуги связи и банковские услуги. Кроме того, привлеченные ресурсы со стороны следует осуществлять таким образом, чтобы не превратить сферу услуг вместо сбыта устаревших технологий и производств обслуживать их. Для осуществления крупных проектов по оказанию новых видов услуг, предназначенных как на экспорт, так и на импорт необходимо учитывать конъюнктуру мировых рынков и возможные изменения в мировом спросе. Важно, что импорт иностранных лизинговых услуг сопровождался адекватным ростом экспорта лизинговых услуг. Однако изучение показателей деятельностей предприятий показывает, что этого пока не наблюдается. Хотя доля этих предприятий в общем объеме производства ВВП растет, их удельный вес в экспорте республики все еще не велик.

Одно из основных проблем финансово- деловой активности предприятий является недостаточное количество имеющихся аудиторских, консалтинговых, инжиниринговых услуг, инвестиционное – финансовых компаний, финансовых консультантов и брокерских фирм. Обозначенные проблемы требуют решение задач, связанных с повышением эффективности использования ресурсов, среди которых:

- разработка программ ускоренной и постоянной модернизации деятельности субъектов сферы услуг, определение необходимой системы льгот и механизмов реализации;
- ускоренное развитие услуги финансов на фондовом рынке и вовлечение в их оборот крупного капитала;
- совершенствование амортизационной политики с пересмотром норм амортизационных отчислений и ежегодной индексацией стоимости основных производственных фондов субъектов сферы услуг;

- расширение системы корпоративного управления - внедрение услуг по ипотечному кредитованию;
- реализация механизма услуг по защите прав вкладчиков и владельцев ценных бумаг для трансформации сбережений граждан в инвестиционные ресурсы;
- обеспечение прозрачности финансовой деятельности сферы услуг для объектов инвестирования.

Обобщая, нужно отметить, что приведенный позитивный опыт финансово деловой активности предприятий и его капитала для субъектов сферы услуг заставляет задуматься о возможности повышения их конкурентоспособности предприятий.

BUYUK BRITANIYANING YEVROPA ITTIFOQINI TARK ETISHI NATIJASIDA FUND STERLING VA YEVRONING DOLLARGA NISBATAN QADRSIZLANISHI.

U.X.Qalandarov, O.N.Tog'aev, D.B.Egamkulova-Сам ИСИ

Buyuk Britaniya hukumati Yevropa Ittifoqi dan chiqishiga faqat 3 kun qolishiga qaramay, Brexit bo'yicha siyosiy maslahatchilar bir necha yuqori martabali ish o'rinlari uchun bo'sh ish o'rinlari borligini e'lon qildi. FN portali taklif qilganidek, Guardian Jobs va ijtimoiy media Mumsnet va LinkedIn kabi ishga qabul qilish veb-saytlarida joylashtirilgan ishlar hukumat Bosh vazir Theresa May Brexitdan chiqish haqida aytib o'tdi.

Agar May ikkinchi parlament ovoz berish bo'yicha kelishuv bitimini ilgari surish orqali g'alaba qozona olmasa, Buyuk Britaniya mart oyining oxirida hech qanday bitim tuzmasdan Yevropa savdo blokidan chiqib ketadi.

O'tgan haftada Yevropa Ittifoqidan chiqib ketish bo'yicha davlat departamenti tomonidan e'lon qilingan reklamalar yuqori darajadagi siyosiy maslahatchilar, tartibga solish bo'yicha hamkorlik rahbarlari va "strategik rahbarlik, ta'sirchan boshqaruv va moslashuvchan fikrlashni ta'minlash"ga ega bo'lgan guruh rahbarlari uchun mo'ljallangan.

Shu bilan birga, FN bilan suhbatlashgan departament vakili Theresa Mayning Brexit bo'yicha bitimi Buyuk Britaniya parlamenti orqali o'tishi haqida "biz ketganimizdan so'ng, kelajakdagi munosabatlarimiz haqida muzokaralar olib boradigan davr bo'ladi. Siz kutganingizdek, biz buning uchun tegishli xodimlarimiz borligiga ishonch hosil qilishni istaymiz" aytib o'tdi.

Bu haqida EC raisi Mario Draghi, 22-mart kuni Evropa Ittifoqi davlatlari rahbarlarining sammitida ma'lum qildi. Reuters agentligining noma'lum manbasiga ko'ra, EC rahbari, shuningdek, Buyuk Britaniyaning Yevropa Ittifoqidan Yevropa Ittifoqi uchun umumiy kelishuvsiz chiqib ketishining salbiy oqibatlari cheklangan bo'lishi mumkinligini ta'kidladi, biroq bir qator mamlakatlar banklari boshqalarga qaraganda salbiy holatlarga duch kelishi kutilmoqda.

Britaniya va Yevropa Ittifoqi o'rtasida savdo kelishuvi bo'lmasa, savdo to'siqlar va mamlakat Yevropa Ittifoqining bir qismi bo'lmaydi, bank sohasi uchun va biznes uchun bir qator cheklovlar paydo bo'lishi kutilmoqda. Natijada, Buyuk Britaniyaning

Yevropa Ittifoqidan kelishuvsiz chiqib ketishi Germaniya, Fransiya, Belgiya va Niderlandiya banklariga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

EC rahbari, shuningdek, sammitda yevro hududi iqtisodiyoti hali ham sekinlashuv va noaniqlik bosqichida ekanini aytdi, ammo Draghi bu ko’rsatkichni "juda past"deb hisoblaydi.



1-rasm. EURUSD yevroning dollarga nisbatan qiymati 25.03.2019-yil 11:52 holatida 1.1301da sotilmoqda. Lekin bu ko’rsatkich 29.03.2019-yil Grendvich vaqti bilan 23:00 da qadrsizlanishni boshlaydi.



2-rasm.Bu rasmda GBPUSD fund sterlingning dollarga nisbatan 25.03.2019-yil 11:53dagi qiymati 1.3175 ni ko'rsatgan holda, bu qiymat ham 29.03.2019-yil Grendvich vaqti bilan 23:00 da qadrsizlana boshlaydi.



3-rasm.Bu rasmda xalqaro valuta juftliklari 25.03.2019-yil soat 11:56 da Investing.com saytida ko'rishingiz mumkin.

Bu xulosalarni Respublikamizdagi jahon valuta bozorida aksiyalar, valyuta paralaru savdosi bilan shug'ullanuvchi birja xodimlari ma'lumot uchun foydalanishlari mumkin.

XUSUSIY TADBIRKORLIKNI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA'MINLASH OMILLARI

N.B.Ulug'muradova SamDU o'qituvchisi
YU.Solieva SamDU 1-kurs talabasi

O'zbekistonda qabul qilingan harakatlar strategiyasida makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlash va iqtisodiy o'sish sur'atlarini saqlab qolgan holda sanoatda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik ulushini ko'paytirishdan iborat.

Sanoatda xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish boshqa tarmoqlarga nisbatan o'ziga xos xususiyatlarga, ya'ni aylanma mablag'larda zahiralarning va asosiy vositalarda aktivlarning yuqoriligi, shuningdek ishlab chiqarish va moliyaviy siklning uzoqligi bilan ahamiyatlidir. Bugungi kunda O'zbekistonda yirik sanoat korxonalari faoliyati jadal rivojlanmoqda, xususan qayta tashkil etilgan korxonalarda ishlab chiqarish salohiyati keskin oshdi.

Xususan, tadbirkorlikni moliyaviy barqarorligiga nazariy yondashuvlar asosida qaralganda korxonaning xisob-kitob ko'rsatkichlari va koeffisiyentlarining tahlili korxona aktivlarining tarkibi, ulardan foydalanish sifati va moliyalash usullarini o'rganishga qaratilgan bo'lib, bu kompaniyaning to'lov qobiliyatini, nobarqaror

muhitda uning likvidliligi va barqarorligini baholash imkonini beradi. Tahlil natijalariga tayanib, sarmoyadorlar, kreditorlar va kompaniya rahbariyati iqtisodiy vaziyatning o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash, samarali diagnostik tadbirklarni ishlab chiqishi mumkin.

SHuni alohida takildlab o'tish joizki, mamlakatimizda jami asosiy kapital investitsiyalardan ishlab chiqarish sanoatda o'zgartirilgan investitsiyalarning ulushi 2016 yilga nisbatan 5,9 %, 2017 yilda asosiy kapital investitsiyalarning asosiy qismi, jami investitsiyalarning 52,9%i bino va inshoatlar qurilishiga yo'naltirildi. Mashina, uskuna, transport vositalariga investitsiyalarning xududlar, tarkibida qo'yidagilar salmoqli hajmlarni o'zlashtirdi. Qashqadaryo viloyati 56,0%, Navoiy viloyati -43,2%, Surxondaryo viloyatida-39,5% Toshkent shahri-58,1 va Toshkent viloyatig'58,0%

Tadbirkorlik sohasining moliyaviy omillar, birinchi galda, ishlab chiqarish funksiyasini bajaradi. Bu moliyaviy resurslarni doimiy ravishda ko'paytirishdan iborat bo'lib, korxonaning sof foydasini ko'paytirishga, uning rentabelligini oshirishga ko'maklashadi. Shuningdek o'z sarmoyasi tarkibida tizimni hosil qiluvchi omil sifatida ustav sarmoyasi, qo'shimcha va zahira sarmoya, taqsimlanmagan foyda va boshqa zahiralar hisobga olinadi. Xozirgi sharoitda ustav sarmoyasi moliyaviy resurslarning butun yig'indisi tarkibida o'z mablag'lari tarkibida kichik salmoqqa ega. Bundan tashqari, yangidan tashkil etilgan aksiyadorlik jamiyatlarining aksiyalari odatda unchalik jozibali bo'lmaydi.

Asosiy fondlarni yangilash manbalarining mavjud emasligi kreditlar bo'yicha foizlarning yuqori stavkalari bilan murakkablashadi, shuning uchun Ushbu turdagi moliyaviy resurslar hisobdan yangi jihozni xarid qilish ko'p hollarda iqtisodiy jihatdan foydasiz bo'lib chiqadi. Shu munosabat bilan aksariyat sanoat korxonalarida moliyaviy dastak (qarz mablag'lari-dan foydalangan holda foydani va o'z rentabelligini oshirish imkoniyati)dan foydalanish imkoniyati qisqargan. Moliyaviy dastak samarasi aredit uchun to'lovga qaraganda ko'proq miqdordagi foydani olish maqsadida qarz mablag'larini jalb qilish natijasida namoyon bo'ladi. Umuman olganda, moliyaviy dastakka qarz mablag'larining korxona daromadliligiga qanday ta'siri, shu jumladan salbiy ta'siri ham kiradi. Shuning uchun ushbu moliyaviy omildan foydalanish faqat mamlakat bank tizimidagi vaziyat barqarorlashgan sharoitda foydali bo'lishi mumkin.

Sanoat korxonalari uchun katta miqdordagi moliyaviy resurslar o'z qimmatli qog'ozlarini moliyaviy bozorga joylashtirish orqali olinishi mumkin. Joylashtirish uzoq, muddatli ham, qisqa muddatli ham bo'lishi mumkin. Uzoq muddatli moliyalash deganda boshqa korxonalar (AJ, qo'shma va sho'ba korxonalar)ning ustav fondiga ulushlar, aksiyalar va boshqa qimmatli qog'ozlarni xarid qilish, qarz berish, ya'ni muddati bir yildan ortiq bo'lgan har xil moliyaviy qo'yilmalar nazarda tutiladi. Qisqa muddatli g'aznachilik majburiyatlari, obligasiyalar va qimmatli qog'ozlar, qarzlar, tijorat kreditlari.

Qimmatli qog'ozlar emissiyasi kredit shakliga qaraganda katta miqdordagi moliyaviy resurslarni jalb qilish imkonini beradi. Qimmatli qog'ozlar chiqarish va ularning muomalada bo'lishi vaqtincha bo'sh turgan pul mablag'larini korxona aylanmasiga jalb qilish imkoniyatini sezilarli darajada kengaytiradi. Qimmatli qog'ozlarni sotishdan olingan mablag'lar, kredit resurslaridan farqli o'laroo' ancha

arzon va ulardan investisiyalar (korxonani tashkil etish, qayta tiklash yoki kengaytirishdagi kapital qo'yilmalar) uchun foydalanish maqsadga muvofiq. Moliyaviy omil sifatida investision loyihalarni joriy etishni ham keltirish mumkin. Loyihaviy moliyalashni investisiya loyihasining menejmenti bilan bog'liq chora-tadbirlar majmui sifatida tavsiflash mumkin. Hozirgi sharoitda loyihaviy moliyalash texnologiyasidan foydalanishda shuni hisobga olish lozimki, aksariyat sanoat korxonalari passivida katta miqdordagi kreditorlik qarzlarining mavjudligi va o'z ehtiyojlarini moliyalash uchun mablag'larning yetishmasligi kabi salbiy holatlar bilan ajralib turadi.

Yuqorida keltirilgan tahlillar quyidagi asosiy xulosalarni chiqarish imkonini beradi:

1. Moliyaviy omillar- bu moliyaviy resurslar manbalarining yig'indisi bo'lib, ularni samarali tashkil qilish foydani, rentabellikni sarmoyaning va umuman korxonaning qiymatini oshirish yo'li bilan barqarorlikka ta'sir ko'rsatadi;

2. Hozirgi sharoitda sanoat korxonalari moliyaviy barqarorligiga ta'sir etuvchi omillar tizimi korxona maqsadlari va vazifalarini amalga oshirishga ko'maklashgan holda moliyaviy resurslarni takror ishlab chiqarish va ko'paytirishga yordam berish kerak;

3. Moliyaviy omillarning samarali tizimini tashkil etish (2.2-rasm) sanoat korxonalarining sarmoya tarkibini maqbullashtirish, o'z moliyaviy resurslarini, investisiya omillarini rivojlantirish yordamida daromadlar va jamg'armalarni taqsimlash hamda qayta taqsimlash layoqatini nazarda tutadi.

Bizga ma'lumki mamlakatimiz va uning hududlarida yanada qulay biznes-muhit yaratish, xususiy mulkchilikning ustuvorligini mustahkamlashga yo'naltirilgan qonun hujjatlarini takomillashtirish va bu borada ishonchli kafolatlarni ta'minlash, tadbirkorlikka ko'proq erkinlik berish, davlatning boshqaruv funksiyalari va ruxsat beruvchi normalarni qisqartirish, byurokratik to'siq va g'ovlarni olib tashlash, kichik biznes subektlarining moliya-kredit va xomashyo resurslaridan, ular ishlab chiqaradigan mahsulotlarga davlat buyurtmalari berilishidan keng foydalanishini ta'minlaydigan bozor vositalari va mexanizmlarini tatbiq etish imkonyatlari yaratib berilgan.

Xususiy tadbirkorlik sohasi uchun soliq va boshqa to'lovlar bo'yicha yanada qulay shart-sharoitlar yaratish, imtiyoz va preferensiyalar berish, hisobotlar tizimi hamda moliya, soliq va statistika organlariga hisobotlar topshirish mexanizmini takomillashtirish va unifikasiyalash, elektron pochtalar orqali hisobotlar topshirish imkoniyatlari yaratib berilgan. Kichik korxonalar uchun investisiya maqsadlariga, boshlang'ich sarmoyani shakllantirishga kreditlar ajratish, ishlab chiqarishni modernizasiya qilish hamda texnologik yangilash uchun o'rta va uzoq muddatli kreditlar berilmoqda.

Tadbirkorlikni rivojlantirishga xorijiy investisiyalarni, avvalambor, xalqaro moliya institutlarining kreditlarini hamda to'g'ridan-to'g'ri investisiyalarni keng jalb etish va yo'naltirish ishlari, shuningdek ishlab chiqarish tarmoqlarida xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish hamda yuqori texnologiyaga asoslangan zamonaviy ishlab chiqarishlarni tashkil etish uchun keng imkoniyatlar yaratilib, tadbirkorlik

subektlari tomonidan ishlab chiqarishga innovasion texnologiyalar joriy etilishini rag’batlantirish bo‘yicha ko‘pgina ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan:

- kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subektlarining tashqi iqtisodiy faoliyatdagi ishtirokini kengaytirish masalalarini tubdan hal etish, ularning eksport salohiyatini oshirishga, eksportga mo’ljallangan mahsulotini jahon va mintaqaviy bozorlarga olib chiqishga ko’maklashish;

- kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subektlarini axborot bilan ta’minlash, shuningdek, kadrlar tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish masalalarida ularga konsultativ ko’mak berish tizimini yanada rivojlantirish.

Bu yunalishdagi ishlarni yanada rivojlantirish tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy barqarorligini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

SAMARQAND VILOYATIDA KICHIK BIZNESNI MOLIYALASHTIRISH HOLATINING TAHLILI

N.B.Ulug‘muradova - o‘qituvchisi (SamDU)

Ishlab chiqarish va xizmatlar sohasida yangidan tashkil etilayotgan kichik korxonalarining asosiy faoliyati banklar bilan chambarchas bog’liq bo’lib, ular olib borayotgan faoliyat-xom ashiyoni sotib olish, ishlab chiqarilgan tovarlar, ko’rsatiladigan xizmatlarga haq to’lash, ishlovchilarni ish haqi bilan ta’minlash, turli toifadagi korxonalar, firmalar, yuridik shaxslar bilan bo’ladigan iqtisodiy munosabatlar, ya’ni olingan foydadan, daromatdan soliq to’lash, transport, kommunal xizmatlar uchun to’lovlarning barcha turlari banklar orqali, o’z navbatida olinayotgan kreditlar va boshqa hisob-kitoblar ham banklar orqali amalga oshadi.

Samarqand viloyatida tijorat banklari tomonidan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish maqsadida keng ko’lamda ishlar olib borilmoqda.

Xususan, 2017 yilda viloyatimizda kichik biznes subyektlari tomonidan tijorat banklariga taqdim etilgan jami 53235,1 mln so’mlik 470 ta loyiha moliyalashtirildi.

Shundan 3175334 mln so’mi tijorat banklarining o’z mablag’lari hisobidan, 437891 mln so’mi byudjetdan tashqari jamg’armalar hisobidan hisobidan berilgan. Viloyat tijorat banklarining jami mablag’lari hisobidan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlariga 2017 yilda 3362,2 mlrd kiritilgan, o’tgan yilning shu davriga nisbatan o’sish sur’ati 110,6 foizni tashkil etdi.

Ajratilgan mikrokreditlar hisobiga yoshlarni yangi ish o’rinlari bilan ta’minlash imkoni yaratildi. Bizga ma’lumki kredit to’rt xil vazifani bajaradi:

Birinchidan, pulga tenglashtirilgan to’lov vositalari (masalan, veksel, chek, sertivikat va hokozolar)ni yuzaga chiqarib ularni xujalik oborotiga jalb qiladi.

Ikkinchidan, bo’sh pul mablag’larini harakatdagi, ishdagi kapitalga aylantirib, pulni pul topadi, degan qoidani amalga oshiradi.

Uchinchidan, qarz berish orqali pul mablag’larini turli tarmoqlar o’rtasida qayta taqsimlash bilan ishlab chiqarish resurslarining ko’chib turishini ta’minlaydi.

To’rtinchidan qarz berish, undirish vositalari orqali iqtisodiy o’sishni rag’batlantiradi.

Kredit va undan foydalanishda turli natijalarga erishiladi. Bu natijalar ijobiy yoki salbiy bo’lishi mumkin. Ijobiy natijalar deganda, kreditdan samarali foydalanish

natijasida qo’lga kiritilgan yutuqlar tushuniladi. Masalan, Andijonning Asaka shahrida asosan, bank krediti xisobidan ko’rilayotgan yangi avtomobil zavodi respublikaning yengil avtomobillarga bo’lgan ehtiyojini ma’lum darajada qondirsa va jahon bozorida munosib o’rin egallasa, bu kreditning ijobiy roli hisoblanadi.

Kreditning salbiy roli, quyidagi ikki holatda namoyon bo’ladi:

- kredit xalq xo’jaligiga turli yo’llar bilan alsssiz ravishda ko’p berilsa va oqibatda pul massasi ko’payib, milliy pul qadrsizlansa;
- agar olingan xalqaro kreditlardan samarali foydalanilmasa va mamlakat o’zining boshqa daromad manbalari, masalan, oltinini sotish hisobidan kreditni qaytarsa.

Kreditlar aloqalari pul egasi bilan qarz oluvchi o’rtasida yuyevosita va bilvosita bo’lishi mumkin. Birinchi holda ular to’g’ridan-to’g’ri muomalaga kirishadi. Ikkinchi holda ular aloqachi vositachilar orqali yuz beradi. Shunga qarab, kreditning quyidagi asosiy shakllari kelib chiqadi:

1. Tijorat krediti.
2. Bank krediti.
3. Iste’molchi krediti.
4. Davlat krediti.
5. Xalqaro kredit.

Tijorat krediti – bu sotuvchilarning xaridorlarga tovar shaklida beriladigan kreditidir. Bunda tovardar ma’lum muddatda pulini to’lash sharti bilan nasiyaga beriladi. Tijorat kreditini nasiyaga oluvchi uning egasiga veksel (qarzning majburitnomasi)ni beradi.

Tahlillar shuni ko’rsatadeki viloyatda hududiy investitsiya 53.2 mln.dollar tashkil etib shundan xorijiy investetsiya 38,9 mln.dollar teng.

Tijorat kreditida foiz nasiyaga sotilgan duxoba narxiga ustama shaklini oladi, shu sababli, duxoba nasiyaga o’z narxidan yuqori narxda beriladi. Masalan, duxoba naqd pulga har metri 2 dollardan sotilsa, nasiyaga 2,5 dollardan beriladi. Mana shu 0,5 dollar ustama foiz bo’ladi. Bizning misolimizda 1000 metr duxobaga ustama 500 dollarni tashkil etadi. (1000x2,5=2500; 2500-2000=500).

Tijorat krediti berishning, asosan, beshta usuli mavjud:

- veksel usuli;
- ochiq schyot orqali berish, chegirma berish usuli;
- mavsumiy kredit;
- konsignasiya.

Ochiq schyot orqali tijorat areditini berishning mazmuni shandaki, xaridor tovarga buyurtma berishi bilanoq u yuklab jo’natiladi, to’lov esa o’rnatilgan mudattlarda vaqt-vaqti bilan amalga oshirib boriladi. Bunda xaridor har gal tovar olishda kreditni rasmiylashtirib o’tirmaydi, ya’ni kreditga murojat qilmaydi.

Chegirma berish usulida xaridor to’lov hujjatlari yozilgandan sung, shartnomada kelishilgan ma’lum davr ichida to’lovni amalga oshirilsa, to’lov yig’indisidan chegirma beriladi. Agar ushbu davr ichida to’lay olmasa, unda to’lovni belgilangan muddatda to’liq amalga oshiradi.

Mavsumiy kredit, odatda uyinchoqlar, suvenirlar va boshqa keng iste’mol mollarini sotishda keng qo’llaniladi. Masalan, chakana savdo tashkilotlari yil

davomida archa o’ynchoqlarini sotib oladilar va shu yo’l bilan o’yinchoqlar uchun katta zahira to’playdilaryu o’yinchoqlar haqida esa yangi yil bayrami o’tgandan so’ng yanvar-fevral oylarida to’laydilar. Ishlab chiqaruvchilar uchun bunday usulning qulayligi shundaki, ular o’yinchoqlarni omborlarda saqlash xarajatlaridan xolos bo’ladilar.

Konsignasiya- bu shunday usulki, bunda sotib oluvchilar tovarlarni majburiyatsiz sotib oladilar, ya’ni tovar sotilgandan so’ng puli to’lanadi. Agar tovar sotilmay qolsa, u egasiga qaytarib beriladi.

Bank krediti. Bank va boshqa kredit tashkilotlari pulni uning sohiblariga foiz to’lash sharti bilan o’z qo’lida jamlaydilar va o’z nomidan qarzga berib, foiz oladilar. Bunda uch chubyekt:

- pul egasi;
- kredit tashkiloti;
- qarz oluvchining kredit aloqasi paydo bo’ladi.

Banklar orasida tijorat banklari markaziy bo’g’in hisoblanadi. O’zbekiston Respublikasining «Banklar va bank faoliyati» to’g’risidagi Qonuniga ko’ra, tijorat banklari aksiyali, pay asosida tashkil topgan va xususiy banklar bo’ladiki, ular «kredit-hisob-kitob va o’zga xil bank xizmati»ni ko’rsatadilar.

Banklar qarzini ishonchli, pulni samarali ishlatishga qodir xo’jalik subyektlariga qarz beradilar. Ular, o’z navbatida, bu pulni investisiya uchun sarflab, iqtisodiyotni o’stirishga erishadilar. Bank ishonchli mijozlarni tanlagan holda, qarzni ularning mol-mulki yoxud boshqa boyligi garovga qo’yish sharoitda beradi. Masalan, bank fermerga 1 5000 dollar qarz bersa, uning garoviga qo’yilgan mulki qiymati shu summadan kam bo’lmasligi kerak.

Xususiy tadbrkorlar o‘z faoliyatini keng miqyosida foydalanmoqchi bo‘lsalar davlat keriditidan foydalanish imkoniyatlari mavjuddir.

Davlat kirediti. Banklar davlatga ham qarz beradi. Shu bilan birga undan qarz ham oladi. Bunda davlat krediti paydo bo’ladi. Qarz va uning foizi byudjet hisobidan qaytariladi. Davlat krediti sharoitida qarz beruvchilar kamdan-kam hollarda banklar bo’ladi. Ko’pincha bu vazifani aholi, firma, korxona va tashkilotlar bajaradi.

Davlat qarzni turli shaklda, avvalo, davlat zayomlari shaklida oladi. Zayom davlatning qarzdorlik guvohnomasi bo’lib, u qarzni vaqti kelganda qaytarib olish va foiz to’lashni kafolatlaydi. Zayomlarni markaziy va mahalliy hokimiyatlar chiqaradi. Zayomlar qarz haqi to’lash jihatdan foiz to’lanadigan, yutuq chiqadigan, ham yutuq, ham foiz beriladigan va ba’zan, foizsiz ham bo’ladi.

Kredit munosabatlarida davlat faqat qarzdor vazifasini o’tamay, qarz beruvchi rolini ham bajaradi. Davlat o’z mablag’lari hisobiga bankda qarz fondini tashkil etadi, xazinadan qarz ham beradi. Xazina qarzi davlat byudjetidan korxona, firma va tashkilotlarga ularning moliyaviy sanasiyasi uchun sarflanadi. Mazkur qarz ma’lum muddatga, qaytarib berish va foiz to’lash sharti bilan beriladi. Ammo foiz g’oyat imtiyozli bo’ladi va daromad olishni ko’zlamaydi. Davlat o’z qarzidan voz kechishi ham mumkin.

Ma’lumki, xususiy banklar ham xalqaro tashkilotlar (Xalqaro valyuta fondi, Jahon tiklanish va taraqqiyot banki, Osiyo rivojlanish banki va boshqalar) kabi

xalqaro kreditlar beradilar. Ammo ularning kreditlarni berish shartlari bir-birinikidan jiddiy farq qiladi.

Bu banklar tomonidan bu farqlar qo'yidagilardan iborat:

- xalqaro tashkilotlar, odatda, o'zoq muddatli kreditlar beradi. Xususiy banklar esa, asosan qisqa muddatli kreditlar berish bilan shug'ullanadi;

- xalqaro tashkilotlar beradigan kreditlarning foiz stavkasi kichik. Odatda, yiliga 7-9% ni tashkil qiladi. Xususiy banklarni esa nisbatan yuqori, ko'pchilik hollarda 18-20% dan iborat bo'ladi;

- xalqaro tashkilotlar iqtisodiyotini barqarorlashtirish dasturlari asosida kredit beradi. Bunda aniq dasturlar ularning ekspertlari tomonidan ko'rib chiqilishi kerak. Bundan tashqari, xulqaro tashkilotlar kredit oluvchi mamlakatlardan ma'lum ko'rsatkichlarga- byudjet defisitini yalpi milliy mahsulotga nisbatan ma'lum nisbatini, inflyasiyaning oylik darajasi va hokazolarga rioya etilishini talab qiladi; xususiy banklar esa, bu taxlitdagi dasturlarga, ko'rsatkichlarga rioya qilishni talab etmaydi;

- xususiy banklar beradigan xalqaro kreditlar hajmida ta'minlangan kreditlarning salmog'i katta bo'ladi. Xalqaro tashkilotlarning kreditida esa aksincha, ularning salmog'i, odatda, kichik bo'ladi.

Kredit jamiyatdagi vaqtinchalik bo'sh pul mablag'larini pullarga ehtiyojmand bo'lgan subyektlar o'rtasida taqsimlaydi. Bu taqsimlash jarayoni qayta taqsimlash deyiladi, chunki bu mablag'lar moliya kategoriyasi yordamida birlamchi taqsimlash jarayonida o'tgan mablag'lardir. Bizga ma'lumki, moliya kategoriyasi yordamida milliy daromad dastlabki taqsimlanganda to'rt yirik qismga bo'linib ketadi:

- moddiy ishlab chiqarish sohasida band bo'lgan xodimlarning ish haqi;
- moddiy ishlab chiqarish sohasidagi korxonalarning foydasi;
- banklar bergan kredit uchun foiz stavkasi;
- yer egalarining yer rentasi.

Bu pul mablag'lari banklarning kredit resurslari uchun manba hisoblanadi. Masalan, ish haqini olayliy korxonalarda ish haqi, odatda oyiga 2 marta to'lanadi. Ish haqini muljallangan malag'lar ishlatulgunga qadar kredit berish maqsadlariga ishlatilishi mumkin. Yoki korxonalar foydasi hisobidan tashkil etiladigan fondlarni olaylik. Ular ham kredit resursi sifatida ishlatiladi.

Demak kredit kategoriyasi taqsimlash natijasida yuzaga kelgan mablag'lar qaytadan taqsimlaydi.

Kreditning aosiy sharti-bu qarz uchun haq to'lash. Bu haq qarz qilingan summaga nisbatan foiz hisobida olinganidan uni qarz foizi yoki kreditning foiz stavkasi deb yuritiladi.

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГНИНГ РОЛИ.

Хамроев М.С – СамИСИ
Нозимов Э.А-СамИСИ

Мамлакатимиздаги суғурта компаниялари томонидан суғурта хизматларини сотишни кенгайтириш асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Албатта сотишни кенгайтириш билан бир қаторда зарар келтирмайдиган

мижозларни қамраб олиш айни муддао. Ушбу йўналишдаги тадбирларни самарали амалга оширишда суғурта компаниялари фаолиятида суғурта маркетинги етакчи ўринни эгаллайди.

Суғурта маркетингини ривожлантиришдаги замонавий йўналишлардан бирини рискли маркетинг деб номлаш мумкин. Унинг моҳияти компания мижозларининг турли гуруҳлари ва суғурта маҳсулотининг потенциал истеъмолчилари учун суғурта ҳодисасини содир бўлиш эҳтимолини чуқурроқ ҳамда динамик таҳлилини ўтказишдан иборатдир. Мазкур йўналишни бундан ташқари, бозорни техник сегментлаш деб ҳам номланади.

Ҳозирги вақтда мижозларни олдиндан саралаб олиш, мураккаб математик ва статистик аппаратга эга бўлган яхлит фанга айланди. У суғурта маҳсулотини сотиш босқичида хоҳиш-истаги мавжуд бўлмаган суғурталанувчиларни ажратиб танлашга имкон берувчи белгиларни аниқлашга хизмат қилади. Рискли маркетингни бошқа белгиси мижозларнинг турли сегментлари бўйича уларнинг риск даражасига боғлиқ равишда суғурта тарифларининг турли ставкаларининг жорий қилинишидир. Рискли маркетинг ўз олдига шундай вазиятга эришишни мақсад қилиб қўядики, унда мижоз томонидан тўланадиган суғурта мукофоти рўй бериши мумкин бўлган суғурта ҳодисасидаги риск даражасини максимал акс эттирсин. Маълумки, суғуртанинг моҳияти суғурта мукофоти риски учун суғурталовчига маълум тўловларни узлуксиз ўтказувчи маълум жамоа аъзолари ўртасида келадиган зарарни макон ва замон бўйича тақсимлашдан иборат. Унга айирбошлаш мақсадида суғурталовчи ўз зиммасига суғурта ҳодисаси юз берганда келтирилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

Рискли маркетинг ўз олдига мақсад қилиб, конкрет суғурталанувчининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мукофотларга мослаштириш билан индивидуал риск даражасини максимал тарзда аниқ баҳолашни қўяди. Суғурталовчилар шу нарсани яхши тушунадиларки, тарифларни чуқур дифференциаллаш, янада арзон таклифларни излашга мойил бўлган мижозларнинг бир қисмини узоқлаштириши мумкин. Қолган мижозлар эса зарар эмас, балки албатта фойда келтиради.

Замонавий жамиятни ахборотлаштириш суғурта компаниясининг мижозлари тўғрисида ҳамда барча аҳоли тўғрисида улкан маълумотлар базасини ташкил этишга имкон яратади. Мазкур маълумотлар базаси компаниянинг суғурта портфелини ўрганишда ҳамда янги мижозларни излаш ва уларни жалб қилишда муҳим рол ўйнайди.Уларнинг роли кун сайин ортиб боради, чунки, маркетингнинг асосий мазмуни бўлиб, суғурталовчи фаолиятини суғурталанувчининг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш ҳисобланади.

Иқтисодиёти ривожланган давлатларда замонавий суғурта маркетингида асосий диққат-эътибор суғурта бозорини чуқуррок сегментлашга, суғурта статистикасини йиғиш ва ишлов бериш тизимини автоматлаштиришга, потенциал мижозларга тегишли бўлган янада ўлкан маълумотлар базасини шакллантиришга қаратилади. Суғурталовчининг муҳим вазифаларидан бири энг камида мижозларни олдиндан саралаб олиш бўлиб ҳисобланса, потенциал

суғурталанувчи ва суғурта ҳодисалари тўғрисида маълумотлар базасини қайта баҳолаш жуда қийин ҳисобланади. Гап шундаки, янги мижозларни излаб топишда барча аҳолига ёки конкрет шахсларга мурожаат қилиши мумкин. Табиийки, биринчи усул иккинчи усулга қараганда анча арзон бўлиб, кам самаралидир. Шунинг учун, суғурта маркетинги замирида компаниянинг суғурта портфели ва потенциал мижозлар бўйича универсал маълумотлар базаси ётади.

Суғурта маҳсулотларини сотиш тармоғини ривожлантиришга исталган миқдорда маблағ сарфлаш мумкин, бироқ, мазкур ҳудудда суғуртанинг маълум туридаги мижозларни қамраб олиш ўзининг маълум чегарасига эга. Суғурта хизматларининг сифати тўғрисида ҳам худди шу фикрларни айтиш мумкин. Суғурта маҳсулотларини чекланмаган тарзда такомиллаштириш ва уни мижоз талабларига мослаштириш мумкин, лекин бу вазиятда навбатдаги ҳатти-ҳаракатлар фойдасиз ва ҳатто зиён келтириши ҳам мумкин. Шунинг учун замонавий шароитларда суғурталовчиларнинг маркетинг тадбирларини оптималлаштириш ўзига хос аҳамият касб этади, яъни суғурта хизматлари миқдори ва сифатини унинг рентабеллигидан келиб чиқиб ўлчаш талаб этилади.

Замонавий шароитларда маркетинг динамикаси ҳам ўзига хос аҳамият касб этади, чунки, маркетинг воситаларининг сезгирлиги оширилганда, маркетинг тадбири режалаштирилаётган вазият билан, уни амалга ошириш ундан маълум фойда олиш даврлари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олиш зарур.

Суғурта маркетинги келажакда янада мураккаб иқтисодий муҳитни ҳисобга олиши зарур. Ривожланган давлатларда суғурта маркетингининг янги вазифалари суғурта бозорларини ривожлантириш билан белгиланади: жумладан, уларни байналминаллашуви, мижоз ва суғурталовчиларда коммуникациянинг янги техник воситаларини пайдо бўлиши (масалан, компютер тармоқлари), суғурта маҳсулотларини сотишнинг янги тизимини ривожлантириш (интернет-банкинг, уяли алоқа воситалари орқали сотиш кабилар) ва ҳ.к.

Бозорларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш маркетингга янги талабларни илгари суриб, бир вақтнинг ўзида унинг учун янги истиқболларни очиб беради. Ўз навбатида, бундай ёндашув суғурта маҳсулотларини сотишнинг барча тизимини қайта қуришни талаб этади, чунки, рисклар рўйхати ва улар бўйича жавобгарлик миқдори ҳар бир мижоз учун индивидуал тарзда аниқланиши зарур. Табиийки, индивидуал ёндашув суғурталовчилар мослашувчанлигини оширади, бироқ, бир вақтнинг ўзида, рискларни башорат қилиш ва таҳлил қилиш бўйича статистик маълумотлар базаси билан янада чуқурроқ ишлашни талаб этади.

Замонавий суғурта маркетинги, айниқса, суғурта бозорида юқори рақобат мавжуд бўлган давлатларда фавқулодда катта инвестицияларни талаб этади. Бошқа томондан эса, сотиш механизмини такомиллаштиришда, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда бундай инвестициялар рақобатчилар томонидан нусха кўчириб бўлмайдиган ноёб суғурта дастурларини яратишга имкон беради.

Ривожланган давлатларда суғурта маркетингининг ўзига хос хусусияти бўлиб, мижозлар учун суғурта операцияларининг кенг очиқлигидир. Қатор давлатларда мижозлар учун суғурталовчиларнинг очиқлиги қонун билан мустаҳкамланган меъёрдир, бошқа ҳолатларда суғурта операцияларининг шаффофлиги аниқ ҳисоб-китобларни талаб этади. Гап шундаки, қатор ҳолатларда мижозларга суғурта маҳсулотларини сотиш суғурталовчиларнинг ёпиқлиги ва суғурталанувчиларнинг мазкур ҳимоя мазмунини етарли даражада тушунмаслиги сабабли қийинлашади.

Кишилар мўлжалланиши ва амал қилиши улар учун тушунарсиз бўлган маҳсулотни харид қилишдан сақланадилар. Шунинг учун суғурта тарифлари қандай шакллантирилиши, компания томонидан олинган маблағлар қандай тақсимланиши, юзага келиши мумкин бўлган зарарларни тартибга солиниши тўғрисида мижозларга тушунтириш, сотишни фаоллаштиришга имкон беради.

Шу маънода суғурта хизматлари сифатини ошириш дастури амал қилади. Асосий устуворлиги суғурталанувчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш ҳисобланган суғурта компаниялари, якуний натижада рақобат курашида ғолиб бўладилар. Суғурта хизматларининг паст сифати потенциал суғурталанувчиларни компаниядан узоқлаштиради. Агар мижоз ўз дўстларидан ёки таниш-билишларидан, оммавий ахборот воситалари орқали шартномани тузиш босқичида мазкур компания суғурта хизматлари сифатини етарли даражада таъминламаганлигини билиб олса, унда ҳеч қандай реклама уни мазкур суғурталовчи билан шартномани имзолашга мажбур қила олмайди. Аксинча, юқори сифатли хизматлар компанияга қўшимча суғурталанувчиларни жалб қилади. Шунинг учун суғурта бозорларидаги рақобат шароитида компания мижозларга сифатли суғурта хизматларини тақдим этишга диққат-эътиборни қаратадилар.

Замонавий суғурта маркетинги ўзининг ривожланишида бошланғич босқичидан анча узоқлашмокда. Ҳозирги вақтда бу бизнеснинг яхлит фалсафаси ҳисобланиб, ўзининг очиқлиги, ўзгаришларга интилиш, суғурта фаолиятини оптималлаштириш истаги ҳамда унинг фойдалилигини ошириш билан ажралиб туради.

Суғурта маркетингининг самарадорлиги суғурталовчи ва суғурталанувчининг ўзаро алоқалари учун аҳамиятли ҳисобланган барча омиллар мажмуини ўзида қай даражада интеграциялашувига боғлиқдир. Шу сабабли хулоса ўрнида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- рекламани, агентлар ва уларнинг мижозлари билан ўзаро алоқалари ҳамда бошқа коммуникацияларни ҳам ўз ичига олган ҳолда, суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасида ахборотлар айирбошлаш тизимини такомиллаштириш;
- суғурталовчининг ички ахборот манбалари (ички коммуникациялари)ни излаб топиш;
- сифатли суғурта хизматларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш;
- суғурта хизматларини сотиш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;

– маҳсулот нархини белгилаш методикасини қайта кўриб чиқиш;
– суғурта маҳсулотлари ҳаётий циклининг барча босқичларида, жумладан, суғуртавий ҳолатларни текшириш ва тартибга солишда ҳам хизмат кўрсатиш;
– суғурта бозоридаги ҳолатни, рақобатни мунтазам таҳлил қилиб бориш.

Замонавий суғурта маркетинги - бу суғурталанувчи эҳтиёжини максимал қондириш ва унинг даромадини ошириш мақсадида компания ҳатти-ҳаракатларини концентрациялашга қаратилган ўзига хос фикрлаш усулидир.

БАНК ФАОЛИЯТИНИ СУҒУРТАЛАШ

М.С.Хамроев- Сам ИСИ
Б.Амонов-Сам ИСИ

Банк фаолиятини кенгайтириш, такомиллаштириш ва ҳар бир мижоз талабларини қондирувчи молиявий қарорлар қабул қилишни йўлга қўйиш, янги банк хизматларини жорий этиш банк ривожланишининг асосий стратегик йўналишини ташкил этади. Банкнинг инвестицияларни жалб этувчи жиҳатларини кучайтиришни таъминлаш ҳамда бошқариш ва технологик жараёнларни замонавийлаштириш йўли билан молия бозорида юқори даражадаги мавқени сақлаб туриш масалаларидан келиб чиқиб,республикамиздаги суғурта компаниялари суғуртанинг янги турлари бўйича ҳам суғурталашни йўлга қўймоқда.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига қилган Мурожаатномада таъкидлаганидек, “бугунги кунда ривожланган суғурта тизимисиз хужалик юритувчи субъектлар, айниқса кичик ва ўрта бизнес вакиллари, қишлок хужалиги товар ишлаб чиқарувчилари самарали иш олиб бормайдилар, инвестиция фаолияти билан шуғулана олмайдилар”[73]. Ўзбекистон суғурта бозорида банк фаолиятига тегишли ва молиявий қалтисликларни суғурталайдиган асосий компаниялар 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорида банк фаолиятига тегишли ва молиявий қалтисликларни суғурталайдиган асосий компаниялар[74]

Т/р	**Компанияни номи**	**Эгаллаган бозор улуши, %**
1.	“Ўзагросугурта” АЖ	35
2.	“Ўзбекинвест” МЭИСК	33
3.	“Кафолат” ДАСК	26
4.	“Gross Insurance” МЧЖ	24

[73] Мирзиёев Ш.М.Олий Мажлис депутатлари олдидаги Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр
[74] www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1997 йил 25 февралдаги “Ўзагросуғурта” Давлат акциядорлик суғурта компаниясини тузиш тўғрисидаги фармонига биноан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ва лойиҳаларни амалга оширишни ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга тижорат банклари ажратадиган кредитлар суғурталанади.

Бундай холатда қишлоқ хўжалик корхонасини жавобгарлиги суғурталанади. Унинг жавобгарлиги эса тижорат банклари ёқилғи мойлаш материаллари, электр энергияси учун тўловлар, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа моддий техника ресурслари учун хақ тўлашга ажратилган мақсадли кредитни қайтарилишидан иборат бўлади, суғурталанувчи бўлиб эса қишлоқ хўжалик корхонаси ҳисобланади. Суғурта полиси туфайли қишлоқ хўжалик корхонаси тижорат банкдан кредит ресурсларини олиш имконига эга бўлади.

Кредит ресурсларидан аввал берилган кредитлар зарарларни қоплаш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди. Суғурталанувчи ва тижорат банк ўртасида тузилган кредит битими бўйича кредитларни тижорат банки олдида ўз вақтида ва тўла қоплашга бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлиги суғурта объекти ҳисобланади. Суғурта миқдори суғурта битимида суғурталанувчи жавобгарлиги доирасида белгиланганича ўрнатилади. Суғурталанувчининг жавобгарлиги компаниянинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади. Ҳозирда компания жавобгарлиги чегараси берилган кредит миқдорининг 50 фоизи даражасида белгиланган. Суғурта тўлови бўнак ҳар транши бўйича тасдиқланган тариф ставкасига кўра суғурта миқдорининг ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади. Бу тур суғурта бўйича тариф ставкасини ҳажми суғурта миқдорининг 0.75 фоизи миқдорида белгиланган. Суғурта тўлови суғурталанувчи томонидан суғуртачи ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Суғуртачининг ҳисоб рақамига келиб тушган суғурта мукофотидан сўнг суғуртачи суғурталанувчига суғурта полиси беради. Суғурта полиси суғуртачи суғурта ходисаси юз берганда суғурталанганкредит бўйича суғурта қопламаси тўлови хусусида суғуртачи қабул қилган жавобгарликни асословчи ҳужжатҳисобланади.

Кредит маблағларининг қисман ёки умуман қайтармаслик холатида суғурталанувчи ёки унинг вакили уч кун муддат кредит маблағларининг қисман ёки умуман қайтармаслик холатига доир барча ҳужжатлар билан суғурта ходисаси юз берганлик факти ва суғурта қопламаси миқдори учун тақдим этади. Шу тақдим қилинган ҳужжатлар ва суғурталанувчининг, банкнинг ёки учинчи шахснинг суғурталовчи талабига мувофиқ мавжуд ҳужжатлар асосида, суғурталанувчи, суғурталовчи ва банк иштирокида суғурта далолатномаси тузилади. Суғурта ходисаси юз берганлиги тўғрисида суғурта далолатнома тузилгандан кейин 5 иш куни ичида тижорат банкига суғурта қопламалари тўлаб берилади. Суғурта қопламаси суғурталанувчининг кредитни қопламаган қисми суғуртачи жавобгарлигига пропоционал тарзда тўланади. Ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ суғурта копламалари кредит малағларини мақсадсиз фойдаланганлик холатларида тўланмайди.

Суғурта компанияси мазкур суғурта тури бўйича полиси орқали республика қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг тижорат банклари кредит ресурсларига кенг йўл очади. Бундан ташқари бу суғурта тури қишлоқ хўжалик корхоналарининг қишлоқ жойларидаги бандлик даражасини ошириш ёки сақлаш, қишлоқ аҳолисининг шаҳарга миграциясини камайтиради.

Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларини манфаатларини комплекс ҳимояси ихтиёрий суғуртаси тижорат банкларининг кредит қайтмаслик қалтисликларини камайтириб, қалтисликларни бостиришнинг қўшимча воситаси ҳамдир. Буларга қарз олувчининг хаёти,мол-мулки суруртаси, тадбиркорлик қалтислиги суғурталарини қўшиш мумкин.

Иқтисодиётни нормал даражада юксалишини кредит ва инвестицияларсиз тасаввур қилиш қийин. Жамиятда молия-кредит тизимининг аҳамияти инсон организмида қон айланиш тизими билан ўхшашлиги кўп таъкидланади. Ички шунингдек ташқи инвестицияга муҳтожлик мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатларга боғлиқдир. Ўзбекистон республикасида хозирги пайтда иқтисодиётнинг кўпчилик тармоқларида инвестицияга катта эҳтиёж сезилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ички инвестицияларга ресурслар етарлича эмас (хориж имкониятига нисбатан). Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида ички инвестиция институтлари ривожланиш йўлидан бормоқда. Унинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизми ривожланиш имконияти хали ҳам тўла тўкис шаклланмаган. Ўзбекистондан ташқарига самарали фойдаланиш учун чиқарилган капитал инвестициялаш учун қўшимча молиявий ресурслар манбаидир. Бу ресурсларни мамлакатимизда иқтисодиётга жалб қилиш учун бир қанча шартларни яратиш керак бўлади. Хозирги шароитда бизда инвестиция климати анча яхшиланган ва инвесторларнинг маблағлари ҳам кўп тарафдан кафолатланган. Бундай пайтда ҳуқуқий база ва кафолат механизми инвестицияларни жалб қилишнинг асосийўлидир. Бундай шароитда юқори даромадлилик инвестициялашнинг бош критерийси ҳисобланмайди. Энг асосийси капитал қўйилмани ишончли ва хавфсизлигидир, яни капитал қўйилмани таъминланганлиги, қайтариш кафолати, молиявий ва сиёсий қалтисликларни ҳимояланганлигидир.

Суғурталаш бу инвесторларнинг капиталини кафолатлашни асосий механизмидир. Инвесторлар ишончини қозониш учун суғурта маҳсулотларини таклиф қилишда суғурта ва қайта суғурталовчи компаниялар ўзларини вақт ва ҳаракатларини аямайдилар. Улар томонидан таклиф қилинаётган суғурта дастурлари йиллар мобайнида йиғилган тажриба ва инвесторларнинг ишончли муносабатлари асосида юзага келди. Ўзбекистонда суғурта компаниялари олдида хали хориж инвесторлари ишончини қазонишлари каби йўлни босиб ўтишлари керак. Шунинг учун бу муаммони ечишда қайта суғурталаш орқали эришиш керакдир. Ўзбекистонда молиявий қалтисликларни суғуртасини хориж қайта суғурталаш компанияларига таклиф қилинганда ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак. Молиявий қалтисликларни суғурталаш доимо бошқа суғурта турларидан суғурталашнинг қийинчилиги билан ажралиб туради. Аҳамиятига қараб молиявий қалтисликларни суғурталашни иккига ажратиш

мумкин. Биринчидан, суғурталанувчи кредитор бўлиб қатнашади (ўз молия қалтисликлари суғуртаси), иккинчидан - олувчи (суғурта гаровини берувчи). Бу иккала вариант хам ўзининг афзаллиги ва камчиликларига эга.

“Ўзбекинвест” ЭИСКда тижорат ва сиёсий қалтисликларни суғурталаш тизими ишлаб чиқарилган бўлиб, қўшимча яна молиявий қалтисликларни суғурталаш (ўзбек тижорат банклари экспорт кредитларини суғурталаш яъни «кредит олувчи» ва «кредит берувчи»ни суғурталаш) молиявий бақувват ва йирик хорижий суғурта компанияларида қалтисликларни қайта суғурталашдан иборатдир.

Бунда асосий омил бўлиб қарз олувчини жойлашган мамлакатидаги қалтисликлар кўрилади, яъни бу орқали уни молиявйй холатини ўзгаришига дархол мослашишмумкин. Бироқ, белгилаш жоизки суғуртанинг бу турлари компаниянинг умумий портфелида 1 фоиздан ҳам камни ташкил қилади

Ўзбекистон иқтисодиётида хориж билан савдода экспорт кредитларини суғурталаш асосий воситадир. Суғуртанинг бу кўриниши маҳаллий корхоналарнинг экспорт потенциалини кенгайтиришга ва шартнома ,асосида етказиб берилган товарларга пул тўламаслик холатларида ҳимоялашга ва назорат қилувчи органлар томонидан жарима санкцияларни қўллашни олдини олиш имкониятини беради. Суғурта тизими ўзида шартнома муддатига мос бўлган холда тўлиқ жавобгарлик суммасини қамраб олади. Суғурталаш ўзига молия қалтисликларни ва мулкни (асосий воситаларни, ишлаб чиқариш воситалари, корхона) олиши керак.

Суғурталаш жараёнида қарз олувчининг молиявий холатини таҳлили, яъни унга тақдим қилинган лойиҳани ҳуқуқий ва иқтисодий нуқтаи назардан амалга оширишини инобатга олиш керак, қарз олувчи учун асосий вақт мол-мулкини қарз мажбуриятига ва ишлаб чиқариш қуввати амалга оширилаётган лойиҳасига мос келишидир.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда банк суғуртасини туб маънода тадбиркорлик фаолиятига айланиши учун қуйидаги маълум шартлар бажарилиши талаб этилади:

- биринчидан, банк суғуртаси фаолияти билан шугулланувчи иҳтисослашган ташкилот суғурта хизматини кўрсатиши ҳамда рақобатли муҳитда муваффақиятли ишлаши учун ўз молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаши, филиаллар тармоғини кенгайтириши;

- иккинчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта захирасини шакллантириш жараёнида бевосита иштирок этиш имкониятларини кенгайтириши, айни вақтда улар томонидан суғурта хизматига талабнинг ҳам юқори бўлишига эришиши;

- учинчидан, турли мулкчилик шаклидаги иқтисодиёт субъектлар, хусусан, давлат (бюджет маблағларини жалб этмаган ҳолда) ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнида юз бериши эхтимол бўлган қалтисликлар бўйича, кутилмаган зарар ва йўқотишларни қоплаш механизми сифатида суғурта фаолияти ривожланишидан манфаатдор бўлиши кабилар.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, иқтисодиётни мунтазам ривожланиши, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, республика иқтисодиётига ташқи ва ички

инвестицияларни жалб этиш албатта молиявий ва банк қалтисликларни суғурталашни келгусида ривожини талаб этади, бу эса суғурта компанияларини ушбу турдаги янги суғурта хизматларини жорий этиш ва суғурта бозори қонунчилигини тегишли тарзда такомиллашувини тақазо этади. Ўзбекистон Республикасида банк соҳасига тегишли ва молиявий қалтисликларни суғурталаш бозори ривожланишиии бошлангич даражасида бўлиб, мулкий суғуртанинг бошқа турларига нисбатан анча орқада қолган. Узбекистон суғурта бозори асосий кўрсаткичларини ўсиш динамикаси ҳисобга олсак, молиявий қалтисликларни суғурталашга бўлган талабни яқин йилларда молиявий қалтисликларни умумий салмоқ кўпайишига боғлаш мумкин.

Банк фаолиятининг анъанавий стандартларига содиқлик, оқилона молия сиёсатини олиб бориш, сифатли менежмент ва янги технологиялардан фойдаланиш мижозларнинг банкга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш ва банк нуфузининг ортишига хизмат қилди. Кредит сиёсатини такомиллаштириш жараёнида банк кредит билан боғлиқ таваккалларнинг минимал даражада бўлишини таъминлаш ва кредитлар сонини кўпайтиришга катта эътибор қаратади.Банк фаолиятини суғурталаш бўйича операциялар миллий суғурталовчиларни чекланган сони томонидан амалга оширилади, бунга уларни мураккаблиги сабабдир. Яқин келажакда Ўзбекистон суғурта компанияларни асосий вазифаси юридик ва жисмоний шахсларни юқори сифатли банк суғурта ҳимояда эхтиёжларини янада тўлароқ қондириш ҳисобланади.

КОРХОНАЛАРНИ ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРИШДА СТРАТЕГИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Тураев А.А. – ассистент СамИСИ
Қуроқбоев М.Ҳ.– талаба СамИСИ

Ҳар қандай корхоналарнинг ҳаётийлик даври ва ривожланишининг ҳар бир босқичида инқироз вужудга келиши мумкин. Инқироз турли хил кўринишда бўлиши мумкин, аммо корхонадаги аҳвол ижобий бўлмаса ҳаттоки қисқа муддатли инқироз ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Буни олдини олиш учун, самарали бошқарув тизимини ишлаб чиқиш зарур. Ҳозирги кунда кўплаб тадқиқотчилар фикрича, корхонадаги ҳар қандай бошқарув инқирозга қарши бошқарув кўринишида бўлиши шарт. Корхонани инқирозга қарши бошқарувда корхона ривожланишининг стратегияси асосий ўринни эгаллайди.

Стратегия тушунчасига умумий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, стратегия деганда корхонанинг узоқ муддатли истиқболдаги йўналишларини, ички ва ташқи муҳит таъсирини ҳисобга оладиган ҳамда корхонанинг келажакда қўйилган мақсадларига эришишга хизмат қиладиган режани тушуниш мумкин. Инқирозга қарши бошқарувда стратегиянинг ўзига хос хусусияти корхонадаги инқирознинг вужудга келиш сабабларини ва бу сабабларнинг олдини олиш ҳамда инқироз пайтида корхона фаолиятини тўғри юритиш имконини беришида намоён бўлади. Стратегияни амалда бехато жорий

қилиш корхонага кўпгина инқироз хавфининг кириб келишини олдини олади.

Корхонада инқирозга қарши бошқарув стратегияси қуйида элементларни ўз ичига олади:

1) Корхона фаолият доираси ва уни ривожланишининг асосий йўналишлари. Самарали таҳлил ва инқироз олдини олиш учун корхонанинг қайси бозор сегментига тегишлилигини аниқлаш.

2) Корхона фаолиятининг мақсади. Инқирозга қарши бошқарувда кўпроқ узоқ муддатли мақсадлар қизиқтиради, чунки айнан шу мақсадлар асосида корхонанинг ривожланиш йўналишлари аниқланади.

3) Мақсадга эришишнинг методлари ва шаклларини аниқлаб олиш. Бу энг муҳим босқич ҳисобланади ва бу босқичда корхона ўзининг муқобил қарорларини кўриб чиқади.

4) Кадрлар сиёсати. Корхона персоналининг ички тузилишини ва бўлимлар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштиради.

5) Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш. Инқирозга қарши бошқарув нуқтаи назаридан бу ўта маъсулиятли босқич ҳисобланади. Айнан шу босқич ресурслар тақсимоти, техник базани баҳолаш, замонавий технологиялар билан таъминлаш кабиларни ўз ичига олади. Кўпинча ички омиллар таъсирида вужудга келадиган инқироз айнан ишлаб чиқариш жараёнидаги мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланмаслик оқибатида вужудга келади.

6) Бизнеснинг ички ва ташқи муҳитини баҳолаш. Шуни таъкидлаш керакки, ўтказилган таҳлилнинг сифатидан корхона келажакдаги фаолияти билан боғлиқ, чунки стратегия тахлил натижасида олинган маълумотлар асосида шаклланади.

7) Маркетинг дастурини ишлаб чиқиш. Ҳозирги кунда маткетинг сўзсиз стратегиянинг энг асосий бўғини ҳисобланади ҳамда инқирозга қарши бошқарув стратегиясининг асосий қуроли ҳисобланади.

Инқирозга қарши бошқарувда стратегия корхонанинг доимий равишда ривожланишини таъминлайди. Лекин стратегия корхонага инқирозни тўлиқ четлаб ўтиш имкониятини бермайди, у фақатгина инқироз олдини олиш хавфини камайтиради ҳамда иложи борича тезкор суръатлар билан инқирозни енгиб ўтишга ва фаолиятни кўп йўқотишларсиз давом эттиришга имкон беради.

Инқирозга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишнинг биринчи босқичи корхона ҳолатини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун эса аввало ташқи омиллар таъсирини таҳлил қилиш талаб этилади.

Ташқи омиллар таъсирини аниқлашда қуйидаги ўзига хос хусусиятлар эътиборга олиниши керак:

- макромуҳит таҳлили, бунда макромуҳитни тўртта секторга ажратиш мумнкин: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик муҳит;
- рақобатдош муҳитнинг беш асосий ташкил қилувчи қисмлари таҳлили: харидорлар, мол етказиб берувчилар, тармоқ ичидаги рақиблар, потенциал янги рақиблар ҳамда ўриндош товарлар.

Ташқи муҳит ҳақида етарлича маълумотга эга бўлгач, уларни таҳлил

қилиш натижасида корхона келажакда у ёки бу тармоқларда қандай ўзгариш тенденцияларининг пайдо бўлишини башорат қилади.

Ташқи муҳит таҳлили билан бир қаторда корхона реал ҳолатини ҳам чуқур текширувдан ўтказиш керак. Бу тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар асосида корхонанинг келажакдаги ҳолати қандай бўлиши аниқланади ҳамда менежерлар корхонада маълум ўзгаришларни амалга ошриш учун инқирозга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишлари мумкин. Корхона стратегиясини ўрганар эканмиз, менежерлар жорий қилинаётган стратегиянинг самарадорлиги, корхонанинг кучли ва заиф томонлари ҳамда корхона имкониятлари ва хатарлари, корхона харажатлари ва рақобатбардош нарх, корхонанинг рақобатбардошлигининг мустаҳкамлигини баҳолаш, корхонани инқироз ҳолатига олиб келган муаоммоларни аниқлаш каби беш жараёнга эътибор қаратишлари лозим.

Менежерлар корхонанинг инқироз жараёнида тадқиқотлар натижасида олинган натижаларни умумлаштирадилар ва қандай хусусиятларга эътибор қаратилишини аниқлайдилар. Тадқиқот натижасида олинган натижаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- ✓ корхона фаолиянинг стратегик кўрсаткичлари;
- ✓ корхонанинг ички кучли ва заиф томонлари, ташқи хавфлар ва имкониятлар;
- ✓ рақобат билан боғлиқ ўзгаришлар;
- ✓ корхона томонидан ҳал қилиниши зарур бўлган асосий стратегик муаммолар.

Инқирозга қарши стратегик режалаштиришнинг иккинчи босқичида корхонанинг мақсад ва вазифалари аниқлаб олинади. Менежер инқироз ҳолатидаги корхонанинг бошқарув сиёсатини олиб борар экан, у стратегик таҳлил натижасида олинган ахборотларни ўрганиб чиқиши ва корхона олдинги қўйилган вазифаларни ҳал қилиш ёрдамида инқироздан чиқиш имкони мавжудлиги бўйича қарор қабул қилиши керак. Акс ҳолда, корхона ўз ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ўз олдига янги вазифаларни қўйиши лозим. Тўғри белгиланиб олинган вазифалар корхонанинг инқирозга қарши стратегиясида муҳим ўринни эгаллайди.

Корхона мақсадлари стратегик режалаштиришнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Мақсадлар деганда корхонанинг ташкилий муносабатлари асоси ва ҳар бир ходим, бўлинма ёки бутун корхонанинг натижаларини баҳолаш тушунилади. Шу билан бирга ҳар бир корхона ўзининг турли даражадаги мақсадларига эга бўлади.

Инқирозга қарши бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишнинг учинчи босқичи корхонанинг инқироздан чиқиш стратегиясининг алтернатив қарорларини қабул қилиш ва стратегияни танлаш ҳисобланади. Бу босқичда корхона инқирозга қарши стратегиясини ишлаб чиқиш босқичи тугайди ва танланган стратегиянинг турли тактик(тезкор) режалари жорий қилинади, бундан кейин инқирозга қарши стратегия амалда қўланилади ва олинган натижалар баҳоланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, корхоналарда инқирозга қарши

бошқарув стратегиясини жорий қилишда қуйидагиларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади:

-инқирозга қарши бошқарув стратегиясининг корхона томонидан қўйилган мақсад ва вазифаларга зид бўлмаслигини таъминлаш;

-корхонадаги ҳар бир ходимнинг инқирозга қарши стратегия тўғрисида хабардор қилиш;

-инқирозга қарши стратегияни амалга ошириш учун зарур бўладиган молиявий ресурслар билан таъминлаш;

-корхонанинг барча қувватларини ва ишлаб чиқариш жараёнини стратегияга мос ҳолга келтириш.

ELEKTRON TIJORAT TIZIMLARI VA UNING O`ZBEKISTON IQTISODIYOTI RIVOJLANISHIDAGI TUTGAN O`RNI

Urazov S.Sh., - SamISI o‘qituvchisi
Asqarova.N., - Gulobod ijtimoiy-iqtisodiy kolleji, iqtisod fani o’qituvchisi

Bugungi kunda xo‘jalik yurituvchi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlarining elektron tijorat va elektron to‘lov imkoniyatlaridan samarali foydalanishi tijorat ishida hamkorlar topish, shartnomalar tuzish, tashqi bozorga tezkor chiqishda keng imkoniyat yaratib bermoqda. Bundan keyin ham mutasaddi vazirlik va tashkilotlar elektron tijorat va elektron to‘lovni rivojlantirish, iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida ulardan foydalanish imkonini yaratish masalalariga e’tiborni yanada kuchaytirishi, bu jarayonda qonunchilikda ko‘zda tutilgan me’yorlar ta’minlanishi zarur. **Bu milliy iqtisodiyotimizning barqarorligi va raqobatbardoshligi oshishi, shuningdek, dunyo iqtisodiyotiga faol integratsiyalashishida muhim ahamiyatga ega bo‘lib turibdi.**

Elektron tijorat internet tarmog`ida tijorat sohasidagi faollik, unda oldi-sotdini amalga oshirishdir. Unda kompyuter tarmog`idan foydalangan holda xarid qilish, sotib olish, xizmat ko`rsatish va marketing tadbirlarini amalga oshirishni ta’minlaydi. Bu tijorat turning an`anaviy savdodan farqlariga to`xtaladigan bo`lsak, avvalambor, xaridor oldida tovar-mahsulotni tanlash imkoniyatining yuqoriligi, xaridorning yashash joyi, sog`lig`i va moddiy ta’minlanish darajasidan qat’iy nazar hamma qatori teng huquqli mahsulot sotib olish va eng asosiysi, jahon standartiga javob bera oladigan va eng so`ngi mahsulotlarni sotib olish imkoniyatlari mavjudligi muhim hisoblanadi. Elektron tijorat tizimlari o`z navbatida 3 sinfga bo`linadi:

- chakana sabdoni tashkil qilish bo`yicha (biznes-iste’molchi, B2C)
- biznes hamkor bilan aloqalar o`rnatish (biznes-biznes, B2B)
- istimolchilar o`rtasidagi savdo (iste’molchi-iste’molchi, C2C)

Elektron tijoratda keng qo`llaniladigan obektiv vositalarga kelsak, bu tijorat turini yuritishda elektron pullar va elektron to`lov muhim ahamiyat kasb etadi.

Elektron pul-bu pul birligiga tenglashtirilgan belgilar hamda kupyura va tanga rolini bajaruvchi juda katta son yoki fayllardir. Bunday tizimning faoliyat ko`rsatish harajatlari boshqalaridan kam bo`lib qolmay anonimlik (mijoz haqida malumot bermaslik) vazifasini ham bajaradi. Elektron pul birliklariga quyidagilarni misol qilib keltirishimiz mumkin:

WMY-O`zbekiston hududida operatsyalarni amalga oshirish uchun UZSning Y-hamyondagi ekvivalenti.

WMR-Rossiya hududida operatsaylarni amalga oshirish uchun RURning R-hamyondagi ekvivalenti.

WMZ-AQSH dollari operatsyalarini amalga oshirish uchun USDning Z-hamyondagi ekvivalenti.

**Elektron to`lov-bu** texnika vositalaridan, axborot texnalogiyalari va axborot tizimlari xizmatidan foydalangan holda elektron to`lov hujjatlari vositasida naqd pulsiz hisob kitoblarni amalga oshirish tushuniladi. WEBSUM; iPAY; PAYNET; WEBMONEY; IntellectMoney; Perfect Money; V-money kabi va boshqa elektron to`lov tizimlari bo`lib bular yordamida Internetni va internet do`konlaridagi tovarlarni xarid qilish, uyali aloqa xizmati, kommunal xizmatlar, reklama, televideniya, chiptalar, web resurslar uchun haq to`lash mumkin. Elektron tijoratga uzviy bog`liq bo`lgan yana bir tizim bu elektron karmon tizimidir.

Elektron karmon-bu elektron pullarni saqlash uchun mo`ljallangan vositadir. Elektron karmonni to`ldirish va undan pul yechishning bir qancha usullari bo`lib ularga quyidagilarni misol qilib keltirish mumkin:

- tijorat baknlarida naqd pul orqali;
- bank kartalari (VISA, MasterCard, UzKart) yordamida;
- pochta orqali;internet-banking yordamida;
- pul o`tkazmalar tizimi orqali;
- mobil aloqa yordamida.

Bizning hududimizga kirib kelganiga uncha ko`p bo`lmagan bank kartalari haqida to`xtaladigan bo`lsak, VISA kartasi dunyoning yetakchi to`lov tizimi hisoblanib dunyo to`lov kartalarining 57% VISA kartalari orqali amalga oshiriladi. Unga raqobatchi sifatida esa MasterCard to`lov tizimi 26% bilan yetakchilik qilib kelmoqda. O`zbekiston hududida esa UzKart to`lov tizimi joriy qilingan bo`lib davlatimiz hududida barcha naqdsiz pul shaklidagi to`lovlarni amalga oshirish mumkin. Hozirgi kunda iqtisodiy rivojlanishning jadal sur'atlarda ortib borayotganligi O`zbekiston iqtisodiyotiga ham tasir etmay qolmaydi.

Axborot texnalogiyalari asridan unumli foydalangan holda mamlakatimizda ham elektron tijoratni rivojlantirishga qaratilgan bir qancha ishlar olib borilmoqda. Jumladan, **2004-yil 29-aprelda N613-II "Elektron tijorat" to`g`risida O`zbekiston respublikasi qonuni, 2007-yil 30-noyabrda Vazirlar Mahkamasining №21 "Elektron tijoratni rivojlantirish" to`g`risidagi, 2007-yil 12-iyunda "Elektron tijorat tizimini amalda qo`llashda to`lov tizimini takomillashtirish" to`grisidagi qarorlar va so`ngi yillardagi, O`zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2018-yil 14-mayda "Elektron tijoratni jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida"gi PQ-3724-son qarori bunga yaqqol misol bo`lib xizmat qiladi[75].** Shunday bo`lsada bu soha oldida hal qilinmagan bir qancha dolzarb muomolar mavjud. Bunday muammolardan qo'yidagilarni ko'rsatish mumkin.

[75] Sh.Mirziyoyevning 2018-yil 14-mayda "Elektron tijoratni jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to`g`risida"gi PQ-3724-son qarori. www.lex.uz

- birinchidan, internetdan foydalanuvchilari soni shu darajadaki, bu holat elektron tijorat bilan shug`ullanish uchun zarur bo`lgan yirik bozor yaratish imkonini bermaydi;

- ikkinchidan, viloyatlarda aloqa sifatining talabga yetarli javob bermasligi natijasida elektron tijorat bozorlari poytaxt va viloyat markazlari bilangina cheklanib qolmoqda;

- uchinchidan, hudud tadbirkorlari o`rtasida internet-do`konlardan foydalanishda yetarli professionallik darajasi yetishmasligi;

- to`rtinchidan, aholining katta qismida bu borada huquqiy va ijtimoiy savodxonlikning yetishmasligi hududimizda elektron tijoratning rivojlanishiga katta to`siq bo`lmoqda desam mubolag`a bo`lmaydi. Albatta hech qanday iqtisod birdaniga rivojlanib qolmaydi. Uni bosqichma-bosqich yillar davomida shakllantirilib boriladi va bu bosqichda bir qancha yo`lni bosib o`tganimiz quvonarli hol albatta.

Xulosa qilib shuni aytish joizki, yuqorida ko`rsatilgan muammolarga alternativ yechimlarni izlash muhim masalalardan biri hisoblanadi. Agar elektron tijorat haqida yoshlarni maktab yoshidan tanishtirilsa unga qiziqmagan yosh avlod uchramasa kerak, keyingi o`rinda barcha aholi qatlamini yuqori va sifatli aloqa vositalari bilan taminlanishi ham o`z o`zidan soha rivojiga katta hissa qo`shmasdan qolmaydi. Chunki barcha uchun o`z ish faoliyatidan ajralmagan holda yoki istalgan mahsulotni istalgan firma, davlatini tanlash erkinliklari yaratilgani bu so`ngi davrning yutuqlaridan biri hisoblanadi va undan foydalanish rivojlanishda ildamlayotgan zamon bilan hamnafas bo`lishni davr talab qilmoqda. Shunday ekan elektron tijorat O`zbekiston iqtisodiyoti uchun istiqbolli yo`llardan biri hisoblanadi.

РОЛЬ БАНКОВ В РАЗВИТИИ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРЕНИМАТЕЛЬСТВА УЗБЕКИСТАНЕ.

Шарипова Н. Д.-магистр Института Экономики и сервиса.

С первых дней независимости Узбекистан придаёт большое значение деловой среде, создавая возможности для малого бизнеса и частного предпринимательства. В результате последовательных перемен в развитии этого сектора малые предприятия и частные предприниматели стали основной силой в производстве валового внутреннего продукта и занятости. Эффективность систематических мер, направленных на дальнейшую либерализацию и упрощение всех процессов, связанных с ведением бизнеса в нашей стране, высоко ценится развитыми странами и международными финансовыми институтами.

За последние три года Узбекистан поднялся с 154-го на 42-е место по сравнению как называется «кредитования малых предприятий», что прошлом году повысило его рейтинг до 63-го места. Это говорит о том, что малый бизнес и частное предпринимательство широко используются сферах, а также упрощает процедуры кредитования, предлагая благоприятную деловую среду для предпринимателей.

Банковская система играет решающую роль в поддержке малого бизнеса и частного предпринимательства в нашей стране. Банки создают благоприятные условия для кредитования других услуг. В частности это сектор учитывается в кредитной политике коммерческих банков.

Глава нашего государства предпринял комплексные меры для выполнения задач, поставленных в развитии малого бизнеса, и создания более благоприятной бизнес - среды, в результате чего в 1,3 раза увеличение суммы кредитов, выделенных секте по состоянию на 1 января 2017 года, на 12,1 трлн сум. В частности, объём микрокредитов составил 2,5 трлн. сумов что в 1,3 раза больше чем в прошлом году. Объём кредитов, направленных коммерческими банками на предпринимательскую деятельность вырос на 1,2 раза по сравнения с предыдущим годом, и на 1 января 2018 года он превысил 1,4 триллиона сумов.

Из приведённого выше анализа можно сказать, что Узбекистан в годы глобального экономического кризиса продолжил оказывать полную поддержку малому бизнесу и частному предпринимательству с высокими показателями. В течении этого периода коммерческие банки выдавали льготные микрокредиты и кредиты для изменения сельской инфраструктуры, создания и развития сельскохозяйственной, сервисной отраслей и создания дополнительных рабочих мест. Также в стране основное внимание уделяется развитию и продвижению различных форм малого предпринимательства и ремесленничества, поддержки предпринимательства для женщин-предпринимателей и выпускников колледжей. Коммерческие банки предоставляют им льготные кредиты и процентные кредиты.

Ряд законов, нормативно-правовых документов, внедрённых в практику малого бизнеса и частного предпринимательства , создали для них различные преимущества и возможности в банковской системе страны, в том числе ликвидация практики оплаты счетов за открытие счетов в коммерческих банках субъектами малого предпринимательства.

Комиссионные коммерческого банка были снижены как минимум на 20% за обслуживание счетов малых предприятий, в связи с чем платежи электронными банками отказывались платить малым предприятиям за выполнение налоговых и других обязательных платежей в государственный бюджет через их счёт.

Кроме того, в Указе Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по поддержки экспорта малого бизнеса и частного предпринимательства» от 8 августа 2013 года № ПП-2022 представителем этого сектора было предоставлено право экспортировать товары и услуги в действующей валюте при условии, что оплата товара состовляла180 дней вместо 60 дней. Вместе с вышеупомянутыми льготами, в соответствии с Постановлением Центрального банка Республики Узбекистан от 27 декабря 2016 года № 2546 «О порядке кредитования малых предприятий в национальной валюте», либерализирована процедура кредитования.

С 1 января этого года во всех регионах страны запущены Единые центры государственных услуг по принципу «единого окна», развивать деятельность малого бизнеса.

В стране поддержка этого сектора жёсткими различными финансовыми инструментами будет оставаться приоритетом.

Наша главная цель- продолжить текущие реформы, несмотря на трудности, продвигаться в перёд путём расширения частной собственности, малого бизнеса и предпринимательства.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИДА БАНК КОРПОРАТИВ КАРТАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Холиқулов О.Х - СамИСИ ассистенти.
Жалилов Ш.З – СамИСИ талабаси

Дунё мамлакатлари, хусусан, жаҳон иқтисодиёти ривожининг салмоқли хиссаси хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тўғри келади. Чунончи ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар мамлакатни иқтисодий ривожини тубдан яхшилашга ўз хиссасини қўшиб боради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар сони кўпайиб бормоқда. Булар иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни талаб қилмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича дастлаб танлаган стратегия ва инқирозга қарши қабул қилган дастурни ҳамда айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Бу эса бевосита хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимини яхшилаш йўлларини изчил ривожлантиришни талаб этмоқда.

Ҳар қандай соҳада халқаро тажрибанинг қўлланилиши орқали миллий модел яратилиши мумкин. Шу аснода республикамизда мавжуд хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий заҳираларни банк корпоратив карталар орқали тўловларини амалга ошириш ҳисобини ҳамда назоратини тўғри йўлга қўйиш, бизга маълумки, барча хўжалик юритувчи субъектларни фаолиятини яхшилашга асос бўлади. “Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда”[76]. Шу боис ҳам республикамизда ҳалқаро андозаларга асосан бухгалтерия ҳисоби ва аудитни тубдан ривожлантириш масалалари давлат дастури бўйича амалга оширилмоқда.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган **инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз.** Бу бежиз эмас,

[76] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. www.lex.uz.

албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? **Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.**

Мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ривожланиб, макроиқтисодий барқарорликка эришилмоқда. Президентимиз эътироф этганларидек: “.... иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан Давлат бюджети барча даромади мутоносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг устувор вазифасидир”[77]. Миллий иқтисодиётнинг жадал ўсиши ва ижтимоий соҳадаги вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши, Давлат бюджет даромадлари, турли мулкдаги корхоналардаги мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурлардан самарали фойдаланилишига бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да макроиқтисодий барқарорликнинг янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга қаратилган устувор вазифалар белгиланди.[78] Республикамиз иқтисодиёти тармоқларининг жадал ривожланиши давлатнинг асоссиз аралашувини қисқартириш орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “.... иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бозор механизмларидан кенг фойда – моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этиш” масалаларига алоҳида эътибор берилган.[79] Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида банк корпоратив карталаридан доимий фойдаланиб боришни тақозо этади. Шу боис ҳар бир юзага келган операцияларни банк корпоратив карталари орқали тўловларни амалга оширишда ўз вақтида ва тўғри ҳисобини юритиб бориш мақсадга мувофиқдир. Банк корпоратив карточкалари ёрдамида ҳисоб-китоб операцияларининг амалга оширилишини Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом ***(АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 1470-сон Низом)*** тартибга солади. Корпоратив карталарни расмийлаштириш учун юридик шахс эмитент банк билан корпоратив карточкалар чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузади, у корпоратив картадан фойдаланган ҳолда ўзаро ҳисоб-китоб қилишга оид банк билан корхона ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Корхона раҳбарининг махсус корпоратив сўм карта ҳисобварағи очиш ва корхонанинг реквизитлари, шу жумладан банк реквизитлари кўрсатиладиган корпоратив пластик карта чиқаришга аризаси, шунингдек карта билан

[77] Мирзиёев Ш. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. –Т: “Ўзбекистон”, 2017, 8-б.

[78] “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

[79] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.-«Халқ сўзи»22.12.2017 й.

операцияларни амалга ошириш учун масъул ходимнинг маълумотлари шартномага илова қилинади[80].

Банк тақдим этилган аризага асосан 3 иш куни давомида (банк билан шартномага кўра бошқа муддат ҳам назарда тутилиши мумкин) махсус корпоратив ҳисобварақ очади, карточка тайёрлайди ва уни корхона раҳбари ёки ишончнома асосида унинг вакилига беради. Банк карта чиқаргани ва махсус корпоратив сўм карта ҳисобварағи очгани учун ўз тарифига биноан ҳақ (одатда, тўлов санасидаги МБ курси бўйича сўмда тўланадиган 20 евро) ундиради[81]. Эндиликда банк корпоратив картани кимнинг қўлига берса бўлади? - деган савол юзага келади. Корпоратив карточкадан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳисобдор шахслар рўйхати корхона раҳбарининг буйруғи билан белгиланади. Улар мазкур ташкилот ходимлари бўлиши керак. Улар билан **тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома** тузилади, унга кўра улар корпоратив пластик картадаги пул маблағлари сарфланиши, шунингдек бериладиган карта сақланиши учун жавобгарликни зиммаларига оладилар. Корпоратив карточкалар хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган мутахассисларга берилади. Масалан, таъминот ёки логистика бўлими ходимига – товар-моддий бойликларни харид қилиш учун, реклама ёки сотув бўлими мутахассисига – реклама ёки маркетинг акцияларини, вакиллик тадбирларини ўтказиш учун, автотранспорт ҳайдовчисига – ЁММ, таъмирлаш ишлари ҳақини тўлаш учун ва ҳ.к. Шуни қайд этиш лозимки, корпоратив картага маблағларнинг илк бор ҳисобга киритилиши ва кейинчалик тўлдирилиши корхонада белгиланган тартибга кўра: раҳбар ёки у ваколат берган шахснинг ёзма ёки оғзаки фармойишига асосан амалга оширилади. Маблағлар тўлов топшириқномасига кўра карта ҳисобварағига ўтказилади. Ҳисобда уларнинг ўтказилиши ва ҳисобга киритилиши қуйидаги ёзув билан қайд этилади:

Дебет 5540-«Корпоратив карточка» ҳисобварағи

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» ҳисобварағи кредити[82].

Корпоратив пластик картадаги пул маблағлари ҳаракати банк кўчирмасига қараб кузатилади.

Бунда банк билан тузилган шартномада раҳбар, бухгалтер (мавжуд бўлганда) имзолаган карта ҳисобварағини тўлдириш реестрининг қўшимча равишда тақдим этилиши назарда тутилиши мумкин. Реестрдаги ҳамда тўлов топшириқномасига кўра ҳисобварақка ўтказилган маблағлар мос келиши керак, акс ҳолда банк карта ҳисобварағига ўтказилган суммани корхонанинг депозит ҳисобварағига қайтаради.

Ҳисобда корпоратив карточка бўйича операцияларни қуйидагича акс эттириш лозим:

---

[80] www.vopros.norma.uz интернет маълумотлари.

[81] “Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғриси”да низом ***(АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилганНизом).***

[82] (21-сонли БҲМС) "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома" си. 2002 йил 9 сентябр 103-сон.

Хўжалик операциясининг мазмуни	***Дебет***	***Кредит***
Корпоратив карточкага маблағлар ўтказилганлиги акс эттирилди	5540-«Корпоратив карточка»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
Корпоратив карточка воситасида товарлар, ишлар ва хизматлар ҳақи тўланди	4220-«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар»; 4230-«Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»; 4290-«Ходимларга берилган бошқа бўнаклар» ва б.	5540-«Корпоратив карточка»
Корпоратив карточка воситасида тўланган харажатлар ҳисобдор шахсдан ҳисобдан чиқарилди	0800-«Капитал қўйилмалар»; 1000-«Материаллар»; 2900-«Товарлар»; 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»; 9400-«Давр харажатлари» ва б.	4220-«Хизмат сафарларига берилган бўнаклар»; 4230-«Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»; 4290-«Ходимларга берилган бошқа бўнаклар»
Банкнинг воситачилик ҳақи ҳисобдан чиқарилди	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

Корпоратив карточкалар ёрдамида “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом” да ***(ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон Қарори билан тасдиқланган)*** назарда тутилган харажатлар тўланиши мумкин. Хусусан, унинг ёрдамида:

- барча турдаги хом ашё ва материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва энергия;

- чет юридик ва жисмоний шахслар бажарадиган хизматлар ва ишлар;
- асосий воситаларнинг жорий ижараси;
- нормал меҳнат шароитлари ва хавфсизлик техникасини таъминлаш;
- корхона ходимларининг хизмат сафарлари;
- чет ташкилотларнинг бошқа хизмат ва ишлари ҳақи тўланиши мумкин[83].

Шуни қайд этиш лозимки, ҳисобдор шахсга корпоратив карта берилаётганда унга картани бериш пайтида эмас, балки у қилинган харажатлар тўғрисида ҳисобот тақдим этган пайтда бухгалтерия проводкалари қилинади. Бунда ҳисобдор шахснинг қарзи картага ҳисоблаб киритилган бутун суммада эмас, балки картадан сарфланган маблағлар суммасидагина акс эттирилади. Банк корпоратив карта воситасида нималарни тўлаш мумкинлиги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида муҳим ҳисобланади.

[83] “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом” ***(ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон Қарори билан тасдиқланган).***

МУНДАРИЖА

I ШЎБА. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ		
Қ.Х. Собиров	Тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари	**3**
М.Қ.Пардаев	Банкларда рақамли иқтисодиётдан фойдаланиш орқали яширин иқтисодиётнинг олди олинади	**6**
Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Хусанов Б.Ш.	Совершенствование платежных услуг коммерческих банков без риска увеличения расходов	**12**
А.Бектемиров, З.Ниёзов, Д.Маликова	Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини шакллантириш муаммолари	**16**
А.Б.Бектемиров, Х.Б.Хужаёров	Оптимизация кредитного риска коммерческих банков	**19**
З.Д.Ниёзов, А.М.Каримова, Д.М.Маликова, С.Ф.Қосимова	Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш – банк стратегиясининг асосий мезони	**21**
Ф.Зубайдуллаев	Основы формирования кредитной стратегии коммерческого банка в современных условиях	**24**
F.Zubaydullayev, I. S.Shodmonov	Tijorat banklari kredit strategiyasining maqsadlari va ustuvorliklari	**29**
F.Zubaydullayev, I. S.Shodmonov	Zamonaviy sharoitda tijorat bankida kredit strategiyasining asoslari	**34**
З.Ж. Расулов, Б.Б. Умаров, Э.Бекмуродов, Б.Мамарасулов	Проблемы защиты привлеченных свободных денежных средств в коммерческие банки	**39**
Ф.М.Даминов, Ф.Ф.Даминов	Олий таълим муассасаларида банк тизими учун мутахассисларни тайёрлаш стратегиясини такомиллаштириш йўллари	**42**
И.Э. Қурбанов	Ўзбекистон республикаси тижорат банкларида корпоратив назорат тизимини мустахкамлаш масалалари	**44**
С.С.Тогаев	Банк фаолиятини тартибга солишнинг айрим жиҳатлари	**46**
И.Э. Қурбанов	Тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг зарурлиги ва унинг долзарб масалалари	**50**
С.С. Алиева, Ш.С.Хамраев	Краудфандинг для финансирования инновационных продуктов	**54**
Ш.М.Латипова,	Тижорат банкларида лизинг хизматларининг	

Ф.Муродуллоев	оммабоплигини таъминлаш масалалари	**57**
Н. Мурадова, О. Алламуродов	Тижорат банклари хизматларининг оммабоплигини таъминлаш масалалари	**62**
Ф.М.Даминов, О.Ш.Ибодуллаев	Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясида тизимли рискларни ҳисобга олиш хусусиятлари	**64**
Ф.М.Даминов, Ф.Ф.Даминов, Г.Г.Жалилова	Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида ташқи муҳит таҳлилини амалга ошириш хусусиятлари	**67**
Xudoyberdiyev N.U, Jo'rayev A.U, Uralov Sh.A	Bank tizimini rivojlantirishda horij tajribasi	**70**
Urazov S.Sh., Axmedov J.N.	Tijorat banklarda beriladigan kreditlarni muammoli kreditlarga aylanmasligi uchun kredit siyosatini takomillashtirish yo‘llari	**71**
Narziyev N.T	Bank faoliyatini innovatsion boshqarishda yangi texnologiyalardan samarali foydalanish	**75**
Б.Хонтўраев	Тижорат банклар фаолиятини баҳолашнинг халқаро тажрибаси	**77**
Л.Кудратуллаева	Потребительское кредитование в коммерческих банках	**81**
Barakaeva D.K., Abdukholikova F.A	Development of investment projects financing and monitoring in banks	**84**
Ф.Зубайдуллаев, Б.Мамарасулов	Банк инвестиция стратегияси концепцияси ва унинг стратегик бошқаришда ўрни	**87**
Ф.Зубайдуллаев, Б.Мамарасулов	Банк корпоратив бошқарувининг инвестиция стратегиясини шакллантириш жараёнлари	**92**
F.Daminov, Sh.P.Mardiev	The economic essense of the effectiveness of commercial banks activity.	**96**
II ШЎЪБА. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЁТ СУБЪЕКТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ		
А. А. Бектемиров	Молиявий натижадорликка эришишда молиявий менежмент технологиясидан фойдаланишнинг асосий тамойиллари	**98**
З.Д.Ниёзов, Ш.З.Давронов, Д.Рофиев, А.А.Амонов	Давлат пенсия таъминоти соҳасида замон талабларига мос тизим шаклланмоқда	**101**
Э.Шавқиев, И.Абдуллаев,	Фаол инвестиция сиёсати – мамлакат барқарор иқтисодий ривожланишининг муҳим омили	

А.Ҳайдаров,		**107**
А.А.Бектемиров	Инвестицион лойиҳаларда рискларни баҳолашнинг амалий тадбиқи	**112**
Ф.М.Даминов, Н.И.Эломонов	Замонавий шароитда ташкилотларни стратегик бошқаришнинг иқтисодий моҳияти	**114**
Б.Ф. Боронов, Ж.А.Абдурасулов	Пул маблағлариининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги таснифи	**117**
Б.Ф. Боронов, Ж.А.Абдурасулов	Миллий инновацион тизим иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омилидир.	**120**
Нозимов Э.А., Нурмухаммедов С.	Тижорат банклари ва савдо корхоналарнинг ўзаро таъсирида инвестицион фаолликни рағбатлантириш масалалари	**124**
А.Азизқулов, А.Алимов	Ижтимоий соҳани ривожлантиришда тижорат банклари фаолиятининг аҳамияти	**127**
Бердикулов В., Мурадова Н., Рашидов Б., СамИЭС	Инвестиционное развитие в целях либерализации экономики	**128**
Ахмедова А.Т	Финансово-деловая активность предприятий сферы услуг	**131**
U.X.Qalandarov, O.N.Tog'aev, D.B.Egamkulova	Buyuk britaniyaning yevropa ittifoqini tark etishi natijasida fund sterling va yevroning dollarga nisbatan qadrsizlanishi.	**134**
N.B.Ulug'muradova, Y.Solieva	Xususiy tadbirkorlikni moliyaviy barqarorligini ta'minlash omillari	**136**
N.B.Ulug'muradova	Samarqand viloyatida kichik biznesni moliyalashtirish holatining tahlili	**139**
Хамроев М.С., Нозимов Э.А.	Суғурта хизматларини ривожлантиришда маркетингнинг роли.	**142**
М.С.Хамроев, Б.Амонов	Банк фаолиятини суғурталаш	**146**
Тураев А.А., Қуроқбоев М.Ҳ.	Корхоналарни инқирозга қарши бошқаришда стратегиянинг самарадорлигини таъминлаш йўллари	**150**
Urazov S.Sh., Asqarova.N.	Elektron tijorat tizimlari va uning o`zbekiston iqtisodiyoti rivojlanishidagi tutgan o`rni	**153**
Шарипова Н. Д.	Роль банков в развитии малого бизнеса и частного предпренимательства узбекистане.	**155**
Холиқулов О.Х., Жалилов Ш.З	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида банк корпоратив карталари билан ҳисоб-китобларнинг аҳамияти	**157**

ҚАЙДЛАР УЧУН

2019 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman" гарнитураси
Босма табоғи __
Буюртма № __, Адади __ нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
Манзил: А. Темур кўчаси, 9-уй